

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**26-сон**  
**(994)**  
**2021 йил**  
**июль**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

386. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июндаги ўРҚ–697-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

387. «Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПФ–6252-сон Фармони

388. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПҚ–5165-сон қарори

389. «Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июндаги ПҚ-5168-сон қарори
390. «Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги ПҚ-5169-сон қарори
391. «Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

392. «Ўзбекистон Республикасида геодезия ва картография соҳасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июндаги 395-сон қарори
393. «Маҳаллабай ишлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 398-сон қарори
394. ««Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарори
395. ««Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ҳудудидан товарлар ва шахсларни ўтказиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июлдаги 409-сон қарори
396. «Мухтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июлдаги 411-сон қарори

### *Тўртинчи бўлим*

397. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил

16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 43 ва 47-бандларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан» Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судининг 2021 йил 2 июлдаги КСҚ–10-сон қарори

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**386** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 22 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 26 июнда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Банк сир**и тўғрисида»ги 530–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Қуйидагилар банк сирининг ошкор қилиниши деб ҳисобланмайди:

банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банк томонидан учинчи шахсларга ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек банкка юридик, бухгалтерия, аудиторлик, ахборот ва маслаҳат йўсинидаги хизмат кўрсатувчи шахсларга маълум қилиниши ёки тақдим этилиши, башарти бу шундай хизматни кўрсатиш учун зарур бўлса ҳамда мазкур шахслар ушбу Қонуннинг 6-моддасида белгиланган ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийиши шарт бўлса;

прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида банк сирини ташкил этувчи маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ҳамда халқаро шартномаларида назарда тутилган тартибда алмашиш»;

2) **8-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир»;

3) **9-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 июнда эълон қилинган.

**«9-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органларига ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга тақдим этиш**

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокурорнинг санкцияси билан қўйидагиларга тақдим этилади:

прокуратура, дастлабки тергов ва суриштирув органларига уларнинг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича ҳолатларни аниқлаш, шунингдек етказилган зарарни ундиришни ёки мол-мулкни хатлашни таъминлаш мақсадида — терговчининг ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига кўра;

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга уларнинг иш юритувидаги тезкор-қидирув ишлари бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида — тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган асослантирилган қарор асосида.

Прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўз иш юритувидаги жиноят ишлари ва тезкор-қидирув ишлари бўйича банкларда ҳисобварақлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлар базасидан автоматлаштирилган режимда олиши мумкин»;

4) **12-модданинг биринчи қисмидаги** «прокуратура, тергов ва суриштирув органларига» деган сўзлар «прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органларига ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–344-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 335-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 9, 506-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 12, 689-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қўйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **14-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«маълумотлар тўплаш — тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун ҳужжатларни, материалларни, маълумотлар базаларини ўрганиш, шунингдек сўровномалар юбориш орқали жисмоний ва юридик шахслар, фактлар ва ҳолатлар ҳақида аҳамиятга эга бўлган ахборотни, шу жумладан банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга қаратилган тадбир»;

2) **16-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Турар жой дахлсизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курь-

ерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган ҳуқуқларни чекловчи, шунингдек абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларининг ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилади, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно»;

3) **21-модданинг биринчи қисми** «абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот» деган сўзлардан кейин «ҳамда банк сирини ташкил этувчи маълумотларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 28 июнь,  
ЎРҚ-697-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# 387 Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида\*

Мамлакатимизда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бу борада халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойиллари асосида 100 га яқин қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, соҳада мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал база шакллантирилди. Шунингдек, 20 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий чоралар кўрилмоқда.

Бугунги кундаги таҳдидлар, аввало, қурол-яроғ, гиёҳвандлик ва одам савдоси ҳамда трансчегаравий ноқонуний молиявий операцияларнинг тобора кучайиб бораётгани жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатларининг барвақт олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциялари талаблари, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (кейинги ўринларда — ФАТФ) стандартларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни миллий даражада баҳолаш натижаси бўйича ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадлар-

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 июнда эълон қилинган.

ни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага\* мувофиқ;

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида иштирок этувчи вазирлик ва идоралар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида миллий даражада аниқланган таваккалчиликларни камайтириш ҳамда давлат сиёсатини янада мустаҳкамлаш;

ушбу соҳадаги миллий тизимнинг халқаро ҳужжатларга мувофиқлигини, шунингдек, ФАТФ стандартлари ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига имплементация қилинишини таъминлаш;

мазкур соҳадаги жиноятларнинг барвақт олдини олиш борасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда тизимли мулоқотни йўлга қўйиш;

соҳадаги барча статистик маълумотларнинг яхлит тизимини шакллантириш, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш;

соҳага жалб қилинган давлат органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ходимларини ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш.

3. Стратегия ва «Йўл харитаси»ни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги ПҚ–3947-сон қарори билан ташкил этилган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) зиммасига қуйидагилар юклансин:

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



белгиланган вазифалар бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш ҳамда чора-тадбирлар тўлиқ бажарилишини ташкил этиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда етакчи хорижий экспертлар ва мутахассисларни жалб қилиш;

ҳар ойда амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар бўйича ҳисоботларни эшитиб бориш ва ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига умумлаштирилган маълумотни киритиш.

Белгилаб қўйилсинки:

масъул вазирлик ва идоралар «Йўл харитаси» ижроси бўйича маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Комиссияга тақдим этади;

масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари «Йўл харитаси»да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

4. Комиссияга (С. Артикова) Стратегия ва «Йўл харитаси»да белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

манфаатдор вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳларини ташкил этиш;

«Йўл харитаси»га ўзгартиришлар киритиш.

5. Белгилансинки, ҳар уч йилда бир марта миллий даражада жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликлар баҳоланади.

6. Бош прокуратура, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Марказий банкнинг 2022 йилда халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатлар мутахассислари ҳамда соҳадаги етакчи олимлар иштирокида «Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш: замонавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг (кейинги ўринларда — Департамент) ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш бўлими негизида умумий чекланган штат бирликлари доирасида 7 та штат бирлигидан иборат ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган Хавфларни баҳолаш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

8. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ шубҳали операцияларни таҳлил қилиш орқали жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш;

яширин иқтисодиёт шаклланишининг, шу жумладан, ёнилғи-энергетика комплексида, ижтимоий, банк-молия, солиқ, транспорт ва қурилиш соҳаларида иқтисодий жиноятлар содир этилишининг турли схемалари ва каналларини аниқлаш;

содир этилаётган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатларининг ўзига хос схемаларини ўрганиш;

миллий даражадаги хавфларни мунтазам равишда ўрганиш асосида хавф даражаси юқори бўлган соҳаларнинг харитасини тузиш, бунга имкон бераётган сабабларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ўртасида тезкор ахборот алмашинувини таъминлаш.

9. Белгилансинки:

Марказ ходимларининг таркиби ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда Марказ зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган соҳалар бўйича малакали мутахассислар орасидан тўлдирилади;

Марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон Фармонининг 7-банди «г» кичик банди талаблари татбиқ этилади.

10. Бош прокуратура уч ой муддатда Марказни зарурий жиҳозлар, воситалар ва ускуналар ҳамда бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Марказ фаолиятини ташкил этиш мақсадида белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича четдан олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, техника ва воситалар, дастурий таъминот маҳсулотлари ҳамда бошқа моддий-техник восита ва ресурслар 2023 йил 1 январга қадар божхона божидан озод этилсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

Марказни моддий-техника воситалари билан жиҳозлаш, шу жумладан, замонавий сервер ускуналари ва тегишли дастурий таъминот билан таъминлаш харажатлари 2021 йилда республика бюджетининг ортиқча бажарилган даромадлари ҳисобидан, 2022 йилда эса — Давлат бюджети параметрлари доирасида;

Марказ биносини таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар Департаментнинг махсус бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

12. Бош прокуратура:

Бош прокуратура Академиясида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасига жалб этилган вазирлик ва идоралар, шу жумладан, ички назорат қоидаларини амалга оширувчи ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш мақсадида режали асосда ўқитиш курсларини ташкил этсин;

Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Департаментнинг харажатлар сметалари ва штат жадвалига мазкур Фармонга мувофиқ ўзгартишлар киритсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва

зирлиги ҳамда масъул идоралар билан биргаликда давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари ва ахборот тизимлари уларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 4-иловага\* мувофиқ Департаментнинг ахборот ресурс базасига интеграция қилинишини таъминласин;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни саралаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни автоматлаштириш учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиб, жорий этсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар янги таҳрирдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет ахборот тармоғида тушунтирилиши ва кенг ёритилишини;

Стратегиянинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотлар кенг жамоатчиликка тезкор етказилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов ва Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 28 июнь,  
ПФ-6252-сон

---

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 28 июндаги  
ПФ–6252-сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан  
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни  
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни  
молиялаштиришга қарши курашиш миллий  
tizimini ривожлантириш  
СТРАТЕГИЯСИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳамда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, оммавий қирғин қуролини тарқатиш таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб, янги шакл касб этмоқда.

Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни самарали амалга ошириш, молия тизими барқарорлигини таъминлаш жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шу билан бирга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (кейинги ўринларда — ФАТФ) стандартларига, шунингдек, халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) ушбу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Стратегия жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги таваккалчиликларни, шунингдек, миллий тизимни ривожлантиришнинг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишларини белгилайди.

**2-боб. Стратегиянинг мақсади ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадлар-

ни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини (кейинги ўринларда — миллий тизим) янада мустаҳкамлаш Стратегиянинг асосий мақсадидир.

Қуйидагилар Стратегияда белгиланган мақсадга эришишнинг вазифалари ҳисобланади:

миллий тизимни халқаро ҳужжатларга ва андозаларга мувофиқлигини таъминлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатларининг барвақт профилактикасини таъминлаш;

республиканинг молия тизимини ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳамда янада мустаҳкамлаш;

республика ҳудудида терроризм хавфларини камайтириш, экстремизм, терроризм ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатларига барҳам бериш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасига жалб этилган давлат органлари, молиявий ва номолиявий ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш;

хорижий давлатлар, шу жумладан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни янада кенгайтириш;

ахборот алмашинуви ҳамда маълумотларга ишлов беришнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали мавжуд хавф-хатарларни тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этиш.

### **3-боб. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг жорий ҳолати**

Миллий тизим жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган.

Миллий тизим терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база ҳамда институционал тузилма яратилган, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молия-

лаштиришга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва чора-тадбирларни ташкиллаштиришга масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳамда Идораларо комиссия ташкил этилган.

Соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда 100 га яқин бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Бундай жиноятларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш тадбирларига 20 дан ортиқ давлат органлари ҳамда 7 мингдан зиёд пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар жалб этилган.

Хорижий давлатларнинг махсус ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорликка оид 17 та келишувлар имзоланган, «Эгмонт» молиявий разведка бўлинмалари гуруҳи доирасида 162 та хорижий давлатнинг ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилинмоқда.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг тўлақонли аъзоси сифатида фаол иштирок этиб келинмоқда ҳамда мазкур ташкилотга аъзо-давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

#### **4-боб. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги таваккалчиликлар**

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар миллий ва глобал хавфсизликка жиддий таҳдид солиши билан бирга давлат ва унинг иқтисодий институтларининг нормал фаолият кўрсатишига, молия тизими барқарорлигига ҳамда давлатнинг халқро майдондаги обрўсига таъсир кўрсатади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимида қуйидаги таваккалчиликлар мавжуд:

а) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги таваккалчиликлар:

ялпи ички маҳсулотда яширин иқтисодиёт улушининг юқорилиги;

сохта тадбиркорлик фаолиятини юритиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан сохта молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолатларнинг мавжудлиги;

коррупция, божхона ва солиқ соҳасидаги жиноятлар, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг сақланиб қолиниши;

нақд пул билан боғлиқ тўловларнинг кенг тарқалганлиги ҳамда трансчегаравий пул ўтказмаларининг юқорилиги;

б) терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги таваккалчиликлар:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижий давлатлардаги турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиши;

террорчиларнинг катта молиявий харажатлар талаб қилмайдиган индивидуал террорчилик ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ янги усулларга ўтиши;

террорчилик фаолиятини молиялаштириш учун янги молиявий воситалар ва технологиялардан, шу жумладан, молиявий операциялар иштирокчиларининг махфийлигини таъминлаш имконини берадиган «краудфандинг» усулларида кенг фойдаланилиши.

### **5-боб. Стратегиянинг устувор йўналишлари**

Стратегияда белгиланган мақсадларга эришиш учун қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида миллий даражада аниқланган таваккалчиликларни камайитириш ҳамда давлат сиёсатини янада мустаҳкамлаш;

ушбу соҳадаги миллий тизимнинг халқаро ҳужжатларга мувофиқлигини, шунингдек, ФАТФ стандартлари ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига имплементация қилинишини таъминлаш;

мазкур соҳадаги жиноятларнинг барвақт олдини олиш борасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда тизимли мулоқотни йўлга қўйиш;

соҳадаги барча статистик маълумотларнинг яхлит тизимини шакллантириш, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш;

соҳага жалб қилинган давлат органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ходимларини ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш.

### **6-боб. Стратегияда белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш механизми**

Стратегияда белгиланган устувор йўналишлар қуйидаги механизмлар асосида амалга оширилади:

а) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, тер-

роризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида миллий даражада аниқланган таваккалчиликларни камайтириш ҳамда давлат сиёсатини янада мустаҳкамлаш йўналишида:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш самарадорлигини ошириш;

халқаро шартномаларда белгиланган мажбуриятларни, шу жумладан, Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан келиб чиқувчи, шунингдек, «Эгмонт» молиявий разведка бўлинмалари гуруҳи фаолиятида иштирок этиш доирасида Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларини бажариш;

иқтисодиётда яширин айланмани қисқартиришга қаратилган механизмларни ишлаб чиқиш;

миллий тизим, унинг алоҳида элементлари ва механизмлари самарадорлигини баҳолашнинг илмий асосланган сон ва сифат кўрсаткичларини белгилаш;

б) миллий тизимнинг халқаро ҳужжатларга мувофиқлигини, шунингдек, ФАТФ стандартлари ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига имплементация қилинишини таъминлаш йўналишида:

қонунчилик ҳужжатларини жиноий даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш;

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг терроризм ва оммавий қирғин қуролини тарқатишга алоқадор шахсларнинг операцияларини тўхтатиб қўйиш ва (ёки) пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ резолюциялари ижросини кечиктирмасдан таъминлаш мақсадида пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга ушбу резолюцияларни юбориш механизмини такомиллаштириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни миллий даражада баҳолаш натижаларини давлат органлари ва хусусий секторга етказиш тартибини такомиллаштириш;

«оммавий мансабдор шахс» тушунчасини қонун ҳужжатлари билан белгилаш ҳамда оммавий мансабдор шахслар, уларнинг оила аъзолари ва оммавий мансабдор шахсларга яқин шахслар томонидан амалга оширилаётган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни аниқлаш ва кенгайтирилган мониторинг ўтказиш чора-тадбирларини белгилаш; таваккалчиликлар гуруҳига мансублигига қараб мижозларни ўрганиш



ва уларнинг шахсига аниқлик киритишнинг дифференциялашган ёндашувини қўллаш чораларини кўриш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича юридик шахсларнинг жавобгарлигини қонун ҳужжатлари билан белгилаш ҳамда улар фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга доир халқаро стандартлар имплементация қилинишини таъминлаш;

бенефициар мулкдорларни аниқлаш ва идентификация қилиш мақсадида пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан бенефициар мулкдорлар ҳақидаги маълумотларни олиш механизмини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

мижозлар ва бенефициар мулкдорларнинг шахсига аниқлик киритиш тартибини, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича кенгайтирилган чора-тадбирлар қўллаш тизимини такомиллаштириш;

крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахсларга ва крипто-активлар соҳасидаги хавф-хатарларга нисбатан таваккалчиликларга асосланган ёндашувни қўллаш методикасини ишлаб чиқиш;

молиявий хизматларнинг янги турлари ва молиявий ташкилотлар, шунингдек, оммавий мансабдор шахслар бўйича жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш таваккалчиликларини доимий ва тизимли равишда баҳолаш чораларини ишлаб чиқиш;

экстремистик фаолиятга алоқадор шахсларнинг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) ишга солмай тўхтатиб қўйиш, тиклаш ҳамда улардан фойдаланишга руҳсат бериш тартибини жорий қилиш;

в) соҳадаги жиноятларнинг барвақт олдини олиш борасида давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг жавобгарлигини кучайтириш йўналишида:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш мақсадида молиявий тергов ўтказиш тартибини ҳамда предикат жиноятлар тоифасини белгилаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва тергов қилиш методикасини такомиллаштириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, шу жумладан, бундай тоифадаги жиноятларни малакалашнинг ягона ёндашувини жорий этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида яхлит ахборот тизимини яратиш орқали миллий тизимга кирувчи давлат органлари, ташкилотлар ва мутахассислар фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш;

пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар устидан назоратнинг самарали механизмини жорий этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ таваккалчилик даражаси юқори бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жавобгарликларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш;

назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан риоя этилишини мониторинг ва назорат қилиши механизмини такомиллаштириш;

г) халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда тизимли мулоқотни йўлга қўйиш йўналишида:

жиноий фаолиятдан олинган мол-мулкни қидириш, хатлаш, мусодара қилиш ҳамда хориждан активларни қайтариш борасида хорижий давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ихтисослашган халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

хорижий давлатларнинг молиявий разведка бўлинмалари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва махсус ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш;

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи доирасида хорижий давлатлар билан ҳамкорликда миллий тизим самарадорлигини оширишга қўмаклашиш ҳамда ўзаро тажриба алмашишни кенгайтириш;

д) соҳадаги барча статистик маълумотларнинг яхлит тизимини шакллантириш, маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот алмашинуви самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш йўналишида:

миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда ахборот алмашиш, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш борасида махсус ваколатли давлат органининг ахборот-технологиялари бўйича имкониятларини кенгайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари ва ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали ўзаро ахборот алмашиш самарадорлигини янада ошириш;

давлат органлари, шу жумладан, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ўртасида ахборот алмашиш соҳасида маълумотларни ҳимоя қилиш талабларига риоя этиш тартибини такомиллаштириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни саралаш ва қайта ишлашни автоматлаштириш учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

е) соҳага жалб қилинган давлат органлари ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ходимларини ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш йўналишида:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида иштирок этиб келувчи давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар ходимларининг касбий тайёргарлик даражасини мунтазам равишда ошириш чораларини кўриш;

махсус олий таълим муассасаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизимини жорий этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда касбий стандартларни жорий этиш;

халқаро миқёсда тан олинган ACAMS, ACCA, CFE ва бошқа ташкилотлар имкониятларидан фойдаланиш, мазкур дастурлар доирасида малака оширишни йўлга қўйиш.

### **7-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

Стратегия доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларнинг қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиниши таъминланади ҳамда миллий қонунчилик такомиллаштирилади;

ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажариш юзасидан қонунчилик ҳужжатларидаги камчиликлар бартараф этилади, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини бажариш самарадорлиги оширилади;

миллий тизим янада мустаҳкамланади ҳамда молиявий сектор барқарорлиги таъминланади;

республиканинг халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича кўрсаткичлари яхшиланади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 28 июндаги  
ПФ–6252-сон Фармониغا  
3-ИЛОВА

**Жиной қилоятдан олинган даромадларни  
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва  
оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга  
қарши курашиш соҳасида иштирок этувчи  
вазирлик ва идоралар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
12. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси
13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги
14. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси
15. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
16. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
18. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти
19. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси
20. Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 28 июндаги  
ПФ-6252-сон Фармонига  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ-5019-сон Фармонининг 2-илоvasи\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5120-сон Фармонида:

2-банд қўйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«крипто-активлар айланмаси соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш»;

саккизинчи-тўққизинчи хатбошилар тегишинча тўққизинчи-ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5446-сон Фармонида:

а) 6-банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«иқтисодий ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, чек қўйиш ва бартараф этиш мақсадида қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда жисмоний куч ишлатиш ва маҳсус воситаларни қўллаш»;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилар тегишинча бешинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-иловада:

11-банднинг 5-кичик банди:

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаш-

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тириш билан боғлиқ маълумотлар ва ахборотни алмашиш ҳамда юбориш бўйича ҳамкорлик тартибини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан биргаликда белгилайди»;

учинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошидан «ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилсин:

**«3<sup>1</sup>-боб. Департамент ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш**

16<sup>1</sup>. Департамент ходими хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига фақат қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда эга.

Департамент ходими махсус тайёргарликдан, шунингдек, жисмоний куч ишлатилиши ва махсус воситалар қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлигини текшириш учун даврий текширувдан ўтиши шарт. Махсус тайёргарликдан ўтган ходимга тегишли сертификат берилади.

Жисмоний куч ишлатилиши ва махсус воситалар қўлланилиши билан боғлиқ шароитлардаги ҳаракатларга касбий яроқлигини аниқлаш бўйича текширувдан ўта олмаган Департамент ходимининг жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситалар қўллаш билан боғлиқ тезкор тадбирларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний куч ишлатилиши ва махсус воситалар қўлланилишидан аввал уларни қўллаш нияти тўғрисида аниқ ифодаланган огоҳлантириш бўлиши керак, бундан ушбу огоҳлантиришнинг имкони бўлмаган ёхуд уларнинг қўлланилишини кечиктириш фуқароларнинг ва Департамент ходимининг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ҳамда бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

Жисмоний куч ишлатилиши ва махсус воситалар қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахслар хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак. Бунда Департамент ходими ҳар қандай зарарнинг имкон қадар кам бўлишига интилиши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида тан жароҳати олган фуқароларга биринчи ёрдам кўрсатилиши, шунингдек, имкон қадар қисқа вақт ичида тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши, уларнинг қариндошлари эса йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

Жисмоний куч ишлатилган ва махсус воситалар қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида Департамент ходими бевосита бошлиғига дарҳол ахборот бериши шарт.

Жисмоний куч ишлатилганлиги ва махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки мол-

мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида Департамент ходими тегишли прокурорга дарҳол хабар беради.

Департамент ходимининг жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш чоғида ўз ваколатлари доирасидан чиққанлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Агар жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилган бўлса, Департамент ходими жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш чоғида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

Агар Департамент ходими томонидан жисмоний куч ишлатилганлиги ёки махсус воситалар қўлланилганлиги натижасида фуқарога тан жароҳати етказилса ёхуд у ҳалок бўлса, Департамент ходими ходиса жойини ўзгартиришсиз сақлашга қаратилган чораларни кўриши шарт.

16<sup>2</sup>. Агар куч ишлатилмайдиган усуллар Департамент ходимининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, у қуйидаги ҳолларда шахсан ўзи ёки бўлинма (гурух) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан, курашнинг жанг усуллари қўллаш ҳуқуқига эга бўлади:

жиноятларга ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш учун;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни Департамент органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб бориш ва бу шахсларни ушлаб туриш учун;

Департамент ходимининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш учун.

Департамент ходими ушбу Низомда махсус воситалар қўлланилишига рухсат этилган ҳолларда ҳам жисмоний куч ишлатиш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилик кўрсатганлиги, фуқароларнинг ёхуд Департамент ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

16<sup>3</sup>. Департамент ходими қуйидаги ҳолларда махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга:

фуқарога ёки Департамент ходимига қилинган ҳужумни қайтариш учун;

жиноятга ёки маъмурий ҳуқуқбузарликка чек қўйишда;

Департамент ходимига қаршилик кўрсатилишига чек қўйишда;

жиноятни содир этиш чоғида ёки уни содир этганидан кейин дарҳол кўриб қолинган, яширинишга уринаётган шахсни ушлашда;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни Департамент органига ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб боришда;

жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ёхуд содир этган шахсларни аниқлашда.

Департамент ходими қуйидаги махсус воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга: қўлкишанлар ёки бошқа боғлаш воситалари — ушбу банднинг учинчи — олтинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда;

электршоқ қурилмалари — ушбу банднинг иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда;

махсус бўёвчи ва маркировка қилувчи воситалар — ушбу банднинг еттинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда.

Махсус воситаларнинг қўлланилиши учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирмаслиги ва мол-мулкига зарар етказмаслиги керак.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш тақиқланади, бундан уларнинг қуролли қаршилиқ кўрсатганлиги ва (ёки) фуқароларнинг ёхуд Департамент ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилганлиги ҳоллари мустасно.

Департамент органлари таъминотида бўладиган махсус воситаларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

қуйидаги мазмундаги 21<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«Департамент марказий аппаратининг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бошлиғи бир вақтнинг ўзида Департамент бошлигининг матбуот котиби ҳисобланади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатида:

қуйидаги мазмундаги 35-позиция билан тўлдирилсин:

«

35.	Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий киргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, ички назорат қоидаларини тасдиқловчи давлат органлари ва назорат юклатилган органлар	30 кундан ошмаган ҳолда
-----	---	--	-------------------------------

»;

изоҳ қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«35-позицияда кўрсатилган назоратни амалга ошириш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2847-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларида давлат-



хусусий шерикликни ривожлантиришнинг тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш»;

б) 7-иловининг рус тилидаги матнида:

8-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«участие в разработке и реализации мер по противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения»;

9-бандда:

7-кичик бандда:

ўн тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

йигирманчи ва йигирма биринчи хатбошилар тегишинча ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги 15-кичик банд билан тўлдирилсин:

«15) в сфере участия в разработке и реализации мер по противодействию легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения:

разрабатывает и утверждает в установленном порядке правила внутреннего контроля для организаций, оказывающих лизинговые услуги, для страховщиков, страховых посредников, организаций, осуществляющих операции с драгоценными металлами и драгоценными камнями, аудиторских организаций, профессиональных участников рынка ценных бумаг и организаций, осуществляющих деятельность по организации лотерей, а также осуществляет мониторинг и контроль за их соблюдением;

изучает, анализирует и оценивает риски легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансирования терроризма и финансирования распространения оружия массового уничтожения в сфере оказания лизинговых услуг, осуществления страховой, аудиторской деятельности, оборота драгоценных металлов и драгоценных камней, рынка ценных бумаг и организации лотерей и принимает меры по снижению выявленных рисков;

участвует в установленном порядке в международном сотрудничестве в сфере противодействия легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения;

обеспечивает выполнение обязательств, вытекающих из Соглашения о Евразийской группе по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма;

применяет меры в соответствии с законодательством, в случае выявления нарушений законодательства о противодействии легализации дохо-

дов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения;

осуществляет взаимодействие со специальным уполномоченным государственным органом по вопросам противодействия легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения и ежегодно информирует его о выявленных рисках и принятых мерах по их снижению».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги тўғрисидаги низомда:

а) 7-банд қўйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«крипто-активлар айланмаси соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш»;

еттинчи-саккизинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи-тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 8-банд қўйидаги мазмундаги «з<sup>1</sup>» кичик банд билан тўлдирилсин:

«з<sup>1</sup>) крипто-активлар айланмаси соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш соҳасида;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи шахслар учун ички назорат қоидаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни баҳолайди, таҳлил қилади ва ўрганади ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир чоралар қўради;

белгиланган тартибда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этади;

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар қўллаиди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади»;

в) 10-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«крипто-активлар айланмаси соҳасида лицензия ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши борасида текширувлар ўтказиш ва натижаси бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриш»;

олтинчи хатбоши тегишинча еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3666-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш»;

б) 1-иловада:

9-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш»;

10-банд қуйидаги мазмундаги 19<sup>1</sup>-кичик банд билан тўлдирилсин:

«19<sup>1</sup>) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш соҳасида:

адвокатлик тузилмалари ва нотариал идоралари учун ички назорат қоидаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади;

адвокатлик ва нотариал хизматлар кўрсатиш, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эхтимол тutilган таваккалчиликларни баҳолайди, таҳлил қилади ва ўрганеди ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир чоралар кўради;

тадбиркорлик субъектлари бўлган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) жараёнида улар томонидан тақдим

этилган ўзларининг бенефициарлари тўғрисидаги маълумотлар асосида юридик шахсларнинг бенефициар мулкдорлари реестрини шакллантиради ва юритади;

белгиланган тартибда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этади;

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар қўллаб берилади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3926-сон қарорининг 2-банди олтинчи хатбошиси ва 3-банди «в» кичик банди учинчи хатбошиси «терроризмни молиялаштиришга» сўзларидан кейин «ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» сўзлари билан тўлдирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3947-сон қарорида:

а) 6-бандда:

«а», «б», «в» ва «в<sup>1</sup>» кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари А.А. Турдалиевга — тижорат банклари ва кредит ташкилотлари хавфлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари Д.Ш. Султановга — лизинг хизматларини амалга оширувчи ташкилотлар, аудиторлик ташкилотлари, суғурталовчилар ва суғурта воситачилари, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳамда лотереялар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар хавфлари бўйича;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг ўринбосари в.б. Т.Н. Набиевга — риэлторлик ташкилотлари хавфлари бўйича;

в<sup>1)</sup> Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари Б.Х. Умматовга — товар-хом ашё биржалари хавфлари бўйича»;

қўйидаги мазмундаги «ж» кичик банд билан тўлдирилсин:

«ж) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг ўринбосари В.Ю. Пакга — крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хавфлар бўйича»;

г) 1-илованинг рус тилидаги матни\* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4024-сон қарорига 1-иловада:

а) 10-банд 1-кичик бандининг тўққизинчи хатбошисида «ва терроризмни молиялаштиришга» сўзлари «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-банднинг 5-кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, радиочастота спектридан фойдаланиш ва даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва баённомалар тузиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда эса, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриш».

---

\* Матн «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**388 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида\***

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. 2021 йил 30 март куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Венгрия Ҳукумати ўртасида минтақалараро ҳамкорлик тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мазкур халқаро шартнома амалга оширилиши учун масъул бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида тегишли билдиришномани Венгрия томонига юборсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари мазкур халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 28 июнь,  
ПФ-5165-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**389 Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини, аynиқса ўрта ва қуйи бўғинда ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ҳамда уларга сифатли ва профессионал юридик хизмат кўрсатишга қаратилган ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, Наманган шаҳри, Қарши ва Марҳамат туманларида синов тариқасида жами 23 та давлат органи ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларига юридик хизматлар кўрсатувчи марказлар фаолияти Адлия вазирлиги тизимида йўлга қўйилиб, ўзининг ижобий самарасини кўрсатди.

Шу билан бирга, соҳага тажрибали кадрларнинг жалб қилинишидаги камчиликлар ҳужжатлар лойиҳаларининг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада қабул қилинаётган қарорлар ва бошқа ҳужжатлар кўп ҳолларда жойларда жисмоний ва юридик шахсларнинг эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-6155-сон Фармониға мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларига марказлашган юридик хизмат кўрсатиш тизимини жорий қилиш мақсадида:

1. Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида юридик хизмат кўрсатиш марказларини (кейинги ўринларда — Марказлар) республиканинг барча туман (шаҳар)ларида ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказлар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

юридик хизмат кўрсатиладиган давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш;

давлат ташкилотларига сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатиш;

давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

давлат ташкилотларининг мулкый ҳамда бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўз вақтида, ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 июнда эълон қилинган.

давлат ташкилотлари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонуний ҳамда ҳар томонлама пухта ва сифатли бўлишини таъминлаш.

3. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган айрим давлат ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлинмаларида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб жами 1 182 та юридик хизматлар штат бирликлари 1-иловага\* мувофиқ қисқартирилсин ҳамда бўшатилаётган штат бирликлари ҳисобидан Марказлар фаолиятини ташкил этиш учун 1 056 та штат бирликлари 2-иловага\* мувофиқ ажратилсин.

Юридик хизмат кўрсатиш марказлари томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) бўлинмалари рўйхати 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 октябрдан бошлаб давлат ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча маълумот ва жараёнларни тўлиқ электрон равишда йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва амалга ошириш имконини берувчи «E-huquqshunos» электрон тизимини босқичма-босқич жорий этсин.

Бунда, «E-huquqshunos» электрон тизими қуйидаги асосий имкониятларга эга бўлиши назарда тутилсин:

электрон тизимга ички буйруқ, шартномалар ва бошқа юридик тусдаги ҳужжатларнинг намуналарини киритиш ҳамда мавжуд ҳужжатлар лойиҳалари намуналаридан эркин фойдаланиш;

электрон тизимдан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан шахсий кабинетга кириш, ҳар қандай ҳужжат лойиҳаси ва унга таҳлилий материалларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва хулоса олиш учун Марказларга юбориш;

Марказларнинг масъул ходимлари томонидан, тегишли хулоса тайёрлаш, ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, электрон тизимга бириктириш ҳамда ўзаро ҳужжат алмашиш;

электрон тизимдан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан Марказлардан ижобий хулоса олинганидан сўнг такрорланмайдиган махсус рақам бериш ва электрон тарзда қабул қилиш ҳамда ушбу ҳужжатларни автоматик тарзда изчил кетма-кетликда рақамлаш;

давлат ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни тизимга бириктириш, уларни таҳрир қилиш, таклифларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш ҳамда юбориш;

тарғибот тадбирлари билан боғлиқ материалларни электрон тизим орқали алмашиш;

давлат ташкилотларига талабнома, судларга ариза ёки даъво аризаларини киритиш учун уларнинг лойиҳаларини тайёрлаш, таҳрир қилиш ва электрон рақамли имзо билан тасдиқлаб киритиш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга нисбатан ўтказиладиган текширишларда масофавий тарзда иштирок этиш ҳамда уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

Марказлар томонидан юридик ва жисмоний шахслардан келган муро-

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



жаатларни ўрганиб чиқиш ва уларга асослантирилган жавоблар юборишда иштирок этиш.

5. Белгилансинки:

Марказлар томонидан давлат ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш «E-huquqshunos» электрон тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

Марказлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинма тарзида ташкил этилади ва уларга бўйсунди;

Марказлар ходимларига суд процессида юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг вакили сифатида қатнашиш ҳуқуқи берилади;

Марказлар ходимлари мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра тегишли равишда туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимларига тенглаштирилади, шунингдек уларга адлия органлари ходимлари учун назарда тутилган мартаба даражалари ва кўп йиллик хизматлари учун устама ҳақ миқдорлари татбиқ этилади;

Марказлар ходими сифатида камида уч йил меҳнат стажига эга бўлган шахс лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс сифатида адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонида иштирок этиш ҳамда нотариал идорада олти ой муддат стажировка ўтаб малака имтиҳонини топшириш ҳуқуқига эга бўлади;

Марказларнинг қонуний фаолиятига бирон-бир тарзда аралashiш ва тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир ўтказиш қатъиян тақиқланади;

Марказлар тегишли ташкилотда қонунчилик ҳужжатлари билан юридик хизматларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширади;

Марказларга ушбу қарорда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди;

Марказлар ходимларининг ойлик иш ҳақи, шунингдек Марказларнинг жорий харажатлари — маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, Марказлар ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари — бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қопланади. Бунда, давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ундириладиган давлат божининг 16 фоизи унинг туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадига ундириладиган қисмини 80 фоиздан 74 фоизга камайтириш ҳисобига бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

Марказлар таъминоти учун харажатларни молиялаштириш тегишли маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатилиши белгиланган ташкилотлар томонидан Марказлар билан келишилмаган ҳолда юридик тусда-

ги ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳужжатлар юридик кучга эга эмас ҳамда улар қабул қилинган пайдан эътиборан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди;

Марказларга ўзининг асосий фаолиятига таъсир кўрсатмаган ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаган ҳолда бошқа юридик шахсларга пуллик асосда юридик хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилади. Юридик шахсларга пуллик асосда юридик хизматлар кўрсатиш тартиби Адлия вазирлиги томонидан белгиланади ҳамда пуллик хизматлардан келиб тушган маблағлар бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

туман (шаҳар) давлат ташкилотлари билан Марказлар ўртасида юридик хизмат кўрсатиш доирасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар Адлия вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7. Қўйидагиларни назарда тутувчи Юридик хизмат кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Марказларнинг мақоми, асосий вазифалари ва функциялари;

Марказларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

Марказлар фаолиятини ташкил этиш тартиби.

8. Молия вазирлиги ушбу қарорнинг 3-бандига асосан 2021 йилдан бошлаб биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган маблағларнинг чекланган миқдорларини қайта кўриб чиқсин.

Қисқартирилаётган штат бирликлари ҳисобидан Адлия вазирлигининг Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига қўшимча 2 та бошқарув ходими штат бирликлари ажратилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Адлия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги 2021 йил 1 декабргача:

Марказларни, биринчи навбатда, давлат хизматлари марказларининг биноларига ёки бошқа бинога жойлаштирилишини таъминласин;

аниқ ҳисоб-китобларга мувофиқ Марказларни зарур компьютер ва нусха кўчириш техникаси, алоқа воситалари, дастурий воситалар, мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин. Бунда, заруратга кўра, тегишли биноларни таъмирлаш учун маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан маблағлар ажратилиши назарда тутилсин.

10. Адлия вазирлиги:

2021 йил 1 октябргача Марказларни малакали кадрлар билан, шу жумладан, биринчи навбатда қисқартирилаётган штат бирликларида меҳнат фаолиятини юритиб келган ходимлар ҳисобидан ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 декабргача Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда ўзларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

11. Юридик хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш ва уларнинг

фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича «йўл харитаси» 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.Қ. Давлетов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 ноябрь ва 2022 йил 1 апрелга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 июнь,  
ПҚ-5168-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 29 июндаги  
ПҚ-5168-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Юридик хизмат кўрсатиш марказлари тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги Юридик хизмат кўрсатиш марказларининг (кейинги ўринларда — Марказлар) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказлар ушбу Низом талаблари асосида қонунчилик ҳужжатлари билан Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатилиши белгиланган давлат органлари ва ташкилотларига бепул, шунингдек шартнома асосида бошқа юридик шахсларга пуллик асосда (кейинги ўринларда — юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар) юридик хизмат кўрсатиш мақсадида ташкил этилади.

3. Марказлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий адлия органлари) ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинма тарзида фаолият юритади ва уларга ҳисобдор бўладилар.

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Марказлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, адлия вазири, ҳудудий адлия органлари раҳбарларининг буйруқлари, тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

5. Марказларда унга раҳбарлик қиладиган Марказ бошлиғи ҳамда бош юрисконсулт штат бирликлари жорий этилади.

Марказларда олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс ишлаши мумкин.

Марказ бошлиғи лавозимига юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс тайинланади.

6. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар Марказ бошлиғи ёки бош юрисконсулт лавозимида ишлаши мумкин эмас.

7. Марказлар ҳамда Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ўртасида ўзаро ишни ташкил қилиш ушбу Низомга мувофиқ «E-huquqshunos» электрон тизими орқали амалга оширилади.

Зарур ҳолларда, Марказ ходими ўз фаолиятини тегишли ташкилот жойлашган бинода ҳам амалга ошириши мумкин. Бунда, ташкилот раҳбари марказ ходимига тегишли шарт-шароит яратиши лозим.

8. Марказлар фаолиятига раҳбарлик ва назорат қилиш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилади.

9. Марказлар бошлиқлари ҳудудий адлия органлари биринчи раҳбарларининг буйруғи билан Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Марказларнинг бош юрисконсултлари ҳудудий адлия органлари биринчи раҳбарларининг буйруғи билан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

10. Марказлар ходимлари мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра тегишлича туман (шаҳар) адлия бўлимлари ходимларига тенглаштирилади, шунингдек уларга адлия органлари ходимлари учун назарда тутилган мартаба даражалари ва узоқ йил хизмат қилганлиги учун устама ҳақ миқдорлари татбиқ этилади ҳамда бошқа қўшимча тўловлар қонунчиликда белгиланган тартибда тўланади.

11. Марказлар таъминоти учун харажатларни молиялаштириш тегишли маҳаллий бюджет маблағлари, адлия органлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

12. Юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар томонидан Марказлар билан келишилмаган ҳолда қабул қилинган буйруқлар, фармойишлар,

шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб топилган учун асос ҳисобланади.

## **2-боб. Марказларнинг асосий вазифалари ва функциялари**

13. Қўйидагилар Марказларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатиш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг мулкӣ ҳамда бошқа ҳуқуқ ва қонунӣ манфаатлари ўз вақтида, ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонунӣ ҳамда ҳар томонлама пухта ва сифатли бўлишини таъминлаш.

14. Марказлар ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

1) юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш соҳасида:

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда, лойиҳаларга Марказлар ходимлари томонидан тегишли ташкилотнинг бошқа раҳбар ўринбосарлари ва таркибий тузилмалари раҳбарлари (ходимлари) мазкур ҳужжатларни кўриб чиқиб имзолаганидан кейин виза қўйилади;

жисмонӣ ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг қарорлари юзасидан юридик хулосалар беради;

мустақил равишда ёки юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг тегишли тузилмалари билан биргаликда юридик тусдаги ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда ҳуқуқни қўллаш амалиятини ўрганади, таҳлил қилади ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва тегишли ташкилот раҳбариятига киритади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг тегишли тузилмалари билан биргаликда ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари фаолият

тида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар ва шикоятларни кўриб чиқишда иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда бошқарув тизимини такомиллаштириш, ташкилотлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан, меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, заруратга кўра, иштирок этади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ва юридик хулоса беради;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар раҳбариятига ташкилот фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ахборот тақдим этади;

зарурат бўлганда, юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

2) юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида:

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишда иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг идоравий ҳужжатлар ижросини назорат қилишда иштирок этади;

ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ёки келишиш учун тақдим этилган идоравий ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини мустақил ёки юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг тегишли тузилмалари билан биргаликда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижасига кўра эътирозни бўлса, уларнинг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги юзасидан юридик хулосалар тайёрлайди;

идоравий ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳалари бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда, лойиҳаларга Марказлар ходимлари томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг раҳбар ўринбосарлари ва таркибий тузилмалари раҳбарлари (ходимлари) кўриб чиқиб имзолаганидан кейин виза қўйилади;

тизимли равишда юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ва бошқа идоравий ҳамда юридик тусдаги бошқа ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказиш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий

хужжатлар фондини тўлдириш, шу жумладан, фондни ҳуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўриш бўйича тавсиялар беради, ташкилот раҳбариятига ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳамда Интернетдаги ҳуқуқий мазмундаги веб-сайтлардан фойдаланиш ҳақида таклифлар киритади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар тизимига кирадиган тузилмаларнинг ҳуқуқий ишларига услубий ёрдам кўрсатади, фаолият йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимларига ўз фаолияти йўналишлари бўйича қонунчилик ҳужжатларининг қўлланилиши масалаларида, шу жумладан, ташкилотнинг жорий масалалари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар беради;

3) юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасида:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан ҳамкорликда юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини етказишда иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлашга кўмаклашади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишда иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар фаолиятида ҳуқуқий тарфибот тадбирларини амалга оширади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга ташкилот веб-сайтига жойлаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар киритади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга ташкилот фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур ҳолларда уларнинг қондалари бўйича тушунтиришлар беради;

қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Адлия вазирлигининг ҳуқуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга етказиш;

4) юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг мулкӣ ҳамда бошқа ҳуқуқ ва қонунӣ манфаатлари ўз вақтида, ҳар томонлама ва самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

шартномавий-ҳуқуқӣ ва талабнома-даъво ишларини юритиш, суд процесларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда вакил сифатида иштирок этади, ташкилотнинг мулкӣ ва бошқа манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг масъул ходимлари билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўради;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар томонидан шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда, лойиҳаларга Марказлар томонидан давлат органининг раҳбар ўринбосарлари ва таркибий тузилмалари раҳбарлари (ходимлари)дан кейин виза қўйилади;

шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан мониторинг олиб боради;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва давлат органи ва ташкилотига нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда иштирок этади, ташкилотларда талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

тегишли тузилмалар билан биргаликда юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ахволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўришда иштирок этади;

шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боришга кўмаклашади, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома асосида суд процессларида иштирок этиш учун зарур бўлган материалларни ва ҳужжатларни тайёрлайди;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳуқуқӣ ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этади;

мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқӣ тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда мулкнинг талон-торож қилиниши, камомад ва асоссиз харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўришда иштирок этади, мулкнинг талон-торож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш учун расмийлаштиради;

моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмолликлар аниқланган текширувлар ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича юридик хулосалар беради;

5) давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг қонунӣ ҳамда ҳар томонлама пухта ва сифатли бўлишини таъминлаш соҳасида:

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда коррупцияга қарши



курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ёки ишлаб чиқилишида иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назардан баҳолайди ва хулосалар беради;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди ва уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилишида иштирок этади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қилади;

заруратга кўра юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимларига нисбатан ўтказиладиган хизмат текширувларида қатнашади, коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказади;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қилади;

давлат органлари томонидан дам олиш ва байрам кунлари йиғилишларни ўтказиш амалиётини бекор қилиш, аҳоли билан бевосита ишловчи ходимларни йиғилишларга таклиф қилиш ва уларга хос бўлмаган вазифаларни юклаш ёки ташқи ишларга жалб этишни (хизмат кўрсатиш мақсадларидан ташқари) тақиқлаш чораларини кўради.

Марказлар қонунчилик ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

15. Марказларга ушбу Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

### **3-боб. Марказларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

16. Марказлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар, шунингдек унинг мансабдор шахсларидан Марказлар зиммасига юкланган функцияларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар ҳамда бошқа зарур материалларни олиш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар томонидан чақириладиган ҳуқуқий масалаларга тегишли йиғилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар сўровига кўра ёки тегишли таркибий тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини идоравий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун, ҳуқуқий ишларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга жалб қилиш;

қонунчиликка зид бўлган, қонунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган идоравий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътирозларини асослаган ҳолда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида юридик хулосалар бериш, давлат органи ёки ташкилот раҳбарияти сўровига кўра ёки ўз ташаббуси билан давлат органи ёки ташкилотнинг таркибий тузилмалари билан биргаликда ушбу лойиҳаларнинг пухта ишланишида иштирок этиш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларнинг таркибий тузилмаларида ташкилот ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар, шунингдек унинг таркибий тузилмаларининг қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузётган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳақида ташкилотнинг раҳбариятига таклифлар киритиш;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда, шунингдек унинг таркибий тузилмаларида ёки ташкилотлар томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг яқунлари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан юридик хулосалар бериш.

Марказлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 17. Марказлар ходимлари:

унга ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юкланган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

юридик хизмат кўрсатиш жараёнида юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ўртасида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;

юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларда, шунингдек унинг таркибий тузилмаларида қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи органга ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши.

Марказлар ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Марказлар ходимлари ўзи виза қўйган ҳужжатларнинг ва ўзи берган юридик хулосаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб беради.

Марказлар ходимлари ўз мажбуриятлари ва функциялари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

#### **4-боб. Марказларнинг юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар билан ўзаро муносабати**

19. Марказлар томонидан юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотларга «E-huquqshunos» электрон тизимидан фойдаланган ҳолда юридик хизматлар кўрсатилади.

20. Марказлар ходими томонидан шартномавий-ҳуқуқий ва талабномадаъво ишларини юритиш, суд процессларида вакил сифатида иштирок этишда бир тараф сифатида адлия органлари қатнашадиган битим (шартнома) тузишда ёки суд процессида ёхуд бошқа низоли ҳолларда давлат органи ва ташкилотининг вакили сифатида Марказ ходими иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Ушбу ҳолатда давлат органи ва ташкилоти белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилот юридик хизмати ёки адвокат жалб этиши мумкин.

21. Юридик хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар ўртасида шартномавий ёки бошқа ҳуқуқий муносабатлар натижасида низоли ҳолатлар келиб чиққанда, Марказлар низоли ҳолатларни судгача ҳал қилиш чораларини кўради. Бунда, Марказлар низолашаётган ташкилотларнинг важларини ўрганиб низоли ҳолатни бартараф этиш бўйича ташкилотларга таклиф беради.

Марказ томонидан берилган таклифдан норози бўлган ташкилот низоли ҳолатни бартараф этиш учун ўзининг юқори турувчи органига ёки адвокатга мурожаат этади.

22. Давлат органи ва ташкилотидан келиб тушган юридик тусдаги ҳужжатлар Марказлар томонидан кўпи билан уч иш кунда кўриб чиқилади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

23. Ушбу Низомга риоя этилишини назорат қилиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу Низом ва Марказлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларининг Марказлар ходимлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан бузилишининг аниқланган ҳолатларини бартараф этишга, шунингдек айбдор шахсларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортишга йўналтирилган чораларни кўради.

24. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**390 Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\***

Соғлиқни сақлаш соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, халқаро таълим стандартларини жорий этиш, тиббий хизматлар ҳажми ва сифатини ошириш, тиббиёт амалиёти, таълими ва илмий тадқиқотлари ўртасидаги интеграцияни таъминлаш, даволаш-ташхислаш жараёнига илғор ютуқларни ва инновацияларни татбиқ этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (кейинги ўринларда — Университет) Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

2. Қуйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

соғлиқни сақлаш тизими ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун муҳим илмий-амалий муаммоларни ҳал қилишга қодир юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш;

тиббиёт кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган замонавий таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини, фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини жорий қилиш, ўқув-педагогик салоҳиятни ривожлантиришни рабатлантириш;

тиббиёт ва тиббиёт илм-фани соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш;

таълим ва фаннинг узлуксизлиги ҳамда узвийлиги, шунингдек жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига мажбурий интеграциялашув ҳисобига мутахассислар, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

таълим ва илмий фаолиятнинг тиббий ва фармацевтик фаолият билан чуқур интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратиш;

хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий-тадқиқот муассаса-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 2 июлда эълон қилинган.

лари билан таълим ҳамда тиббиёт илми соҳаларида узоқ муддатли муносабатларни мустаҳкамлаш.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Университетнинг юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида таркибий бўлинмаси бўлиб, таълим, илмий, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга;

Филиалдаги таълим жараёни Россия Федерациясининг федерал таълим стандартларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва таълим дастурлари асосида рус тилида олиб борилади;

Филиал таълим фаолиятини 2022/2023 ўқув йилидан бошлайди;

абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган Университетнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади;

Филиал Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг қонунчилигига мувофиқ равишда фаолиятини амалга оширади.

### 4. Қўйидагилар:

Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалида кадрлар тайёрлашнинг асосий йўналишлари (мутахассисликлари) 1-иловага мувофиқ;

Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали Васийлик кенгаши таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қўйидагилар Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Филиалнинг тўлақонли фаолият юритиши билан боғлиқ ташкилий, молиявий, юридик, иқтисодий, таълим, методик, логистик ва бошқа масалаларни ҳал қилиш;

ўқув жараёнини, талабаларнинг ўқув-педагогик амалиётини самарали ташкил этиш ва такомиллаштириш, меҳнат бозорининг кейинги ривожини ҳисобга олган ҳолда, мутахассислар ва илмий-техник кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилашда кўмаклашиш, ўқитишнинг сифатини режалар асосида ошириб бориш, Филиал битирувчиларини ишга жойлаштириш;

соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаш учун хайрия, техник кўмак маблағлари (грантлар) ва бюджетдан ташқари бошқа маблағларни жалб этиш;

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Филиалнинг моддий-техник, ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва ўқув материаллари билан жиҳозлаш, ижтимоий инфратузилмасини яхшилашга кўмаклашиш;

хар ўқув йилида таълим олувчилар сонини аниқлаш;

Университет ва шу соҳага ихтисослашган бошқа етакчи хорижий олий таълим ташкилотларида амалиёт ўташ учун иқтидорли талабаларни ва ординатура тингловчиларини танлаб олиш, шунингдек чет элда ўқиш учун махсус стипендиялар ташкил этиш;

Филиал бинолари ва иншоотларини, шу жумладан, талабалар яшаш жойи ва ўқитувчилар учун меҳмонхона мажмуасини қуриш, реконструкция қилиш масалаларини мувофиқлаштириш, шунингдек Филиални замонавий ўқув-лаборатория ва симуляция асбоб-ускуналари, компьютер ва оргтехника, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, инвентарлар, мебеллар ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозлаш;

вазирлик ва идоралар томонидан Филиал фаолиятини ташкил этиш бўйича вазифаларнинг бажарилишини мунтазам мониторинг қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси ва Университетнинг 2021/2022 ўқув йилида 35 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 3-иловага мувофиқ мутахассисликлар бўйича ординатура дастурларига мувофиқ Университетда таълим олишини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, Университет:

Филиалнинг таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этади;

Филиалда таълим беришга ва илмий фаолиятга хорижий ҳамда маҳаллий профессор-ўқитувчиларни жалб қилади;

Филиал профессор-ўқитувчиларини доимий равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни, шу жумладан, маҳаллий ва хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот марказларида масофавий ўқитиш орқали ташкил этади;

Филиалнинг кутубхона фондини шакллантириш ҳамда уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришда ёрдам кўрсатади.

7. Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Филиал Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй манзилида жойлашган Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси бино ва иншоотларига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

9. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-ама-

---

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лий тиббиёт маркази ва Тошкент давлат стоматология институти ҳудудида янги ташкил этилаётган кўп тармоқли клиника Филиалнинг асосий клиник базалари (кейинги ўринларда — Филиалнинг клиник базалари) сифатида белгилансин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиалга йиллик қабул параметрлари тармоқ ва ҳудудлардаги тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, Университет билан келишилган ҳолда Васийлик кенгаши қарори билан тасдиқланади;

б) мақсадли буюртма бўйича кадрларни тайёрлаш, жумладан, Филиал битирувчиларининг келгусида иш билан таъминланиши бўйича шартлар абитуриентлар ва манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишувларга мувофиқ аниқланади;

в) давлат гранти асосида таҳсил олган Филиал битирувчилари Ўзбекистон Республикасининг давлат тиббиёт муассасаларида камида 5 йил ишлаш шarti билан ишга тақсимланади;

г) Филиал фаолиятини молиялаштириш:

Филиалга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган талабалар ва ординатура тингловчиларини давлат грантлари бўйича ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳар йили ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

пуллик-шартнома асосида талабаларни ўқитишдан тушган маблағлар;

Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадли бадаллари ва хайрия ёрдамлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грант маблағлари, шунингдек қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

д) Университетдан жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш:

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафарларида — Россия Федерацияси қонунчилиги бўйича олий таълим муассасалари ходимлари учун назарда тутилган меъёрлар бўйича;

ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиқадиган узоқ муддатли хизмат сафарларида — тузиладиган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади;

е) Филиал таъминоти учун бюджет ажратмалари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида ажратилади, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

11. Филиалга иккита енгил, жумладан, битта шахсан бириктирилган ва битта навбатчи автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Университет ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Филиалга бинолар ва иншоотлар берилиб, Университет низомига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг, бир ой муддатда Филиалнинг таъсис хужжатларини ишлаб чиқсин, келишсин ва тасдиқласин, шунингдек, Филиални белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Филиалда таълим бериш ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркибини, шу жумладан, чет эллик мутахассисларни доимий равишда Филиалга жалб этиб борсин;

б) Университет ва Филиалнинг таълим жараёнида иштирок этаётган профессор-ўқитувчилари таркиби ҳамда амалдаги мутахассислик сертификати ёки аккредитация тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган Университетнинг бошқа ходимларига Ўзбекистон Республикасида тиббий фаолиятни амалга оширишга белгиланган тартибда рухсатнома берилишини таъминласин;

в) Филиалнинг клиник базаларида Филиал талабалари ва ординатура тингловчиларининг амалий машғулотларини бепул асосда ташкил этиш учун шартномалар тузган ҳолда керакли шарт-шароитларни яратсин ва, зарур ҳолларда, бошқа тиббий (илмий) ташкилотларни қўшимча клиник база сифатида Филиалга тақдим этсин;

г) Филиалнинг клиник базалари бўлган тиббий (илмий) ташкилотлар раҳбарлари томонидан талабалар ва ординатура тингловчиларининг беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнига киришига рухсат берилиши ва уларнинг иштирокини таъминласин;

д) Филиалда ўқишга қабул бошланганлиги ҳақида, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари иштирокида кенг қўламли ахборот кампанияси олиб борилишини таъминласин;

е) сайёр қабул комиссияси ташкил этилишида ёрдам кўрсатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик бепул кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан Филиалнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва маъмурий ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун давлат божи ундирилмасдан, белгиланган тартибда кўп марталик визалар берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек уларнинг яшаш манзиллари бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан республикага Филиал фаолиятини ташкил этишда иштирок этаётган чет эл фуқароларини жалб этишга белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек ушбу чет эл фуқароларига



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш учун тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган буюртманомалари бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ Филиалнинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, жумладан, талабалар яшаш жойи, ўқитувчилар учун меҳмонхона мажмуаси ва симуляцион марказ қуриш лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг 2022 ва кейинги йилларга мўлжалланган Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Филиалнинг дастлабки моддий-техник базасини яратиш мақсадида 2021 йилда зарур пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида тиббиёт соҳасини ривожлантириш учун назарда тутилган лимитлардан тежаб қолинган маблағларни қайта тақсимлаш йўли билан ёки ўзлаштирилмаган маблағлар ҳисобидан ажратсин.

18. Филиални капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва оргтехника, дастурий таъминот, ўқув-лаборатория ва симуляцион жиҳозлар, илмий-методик адабиётлар, ўқитишнинг техник воситалари, мультимедиа маҳсулотлари, инвентарлар, қурилиш материаллари ва моддий-техник ресурслар 2024 йил 1 июлга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 июль,  
ПҚ-5169-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 1 июлдаги  
ПҚ-5169-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
«Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт  
университети» Федерал давлат автоном олий таълим  
муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалида кадрлар  
тайёрлашнинг асосий йўналишлари  
(мутахассисликлари)**

**Олий таълимнинг ўқув дастурлари — ихтисослик  
дастурлари:**

1. Даволаш иши.

**Олий таълимнинг ўқув дастурлари — ординатура  
дастурлари:**

1. Акушерлик ва гинекология
2. Анестезиология-реаниматология
3. Гематология
4. Юқумли касалликлар
5. Кардиология
6. Неврология
7. Неонатология
8. Нефрология
9. Онкология
10. Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва жамоат саломатлиги
11. Оториноларингология
12. Педиатрия
13. Юрак-қон томир жарроҳлиги
14. Травматология ва ортопедия
15. Жарроҳлик

*Изоҳ:*

*Бўйртмачи ташкилотларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб мутахассислик ва ординатура дастурлари рўйхатига ўзгариш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Университет билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.*

*Мутахассислик бўйича академик гуруҳ шакллантириш учун клиник ординаторларнинг энг кам миқдори етти кишидан иборат. Ординатурага қабул қилинганлар сони белгиланган меъёрдан кам бўлган тақдирда улар талабалар ва республиканинг манфаатдор идоралари ўрта-*

*сида тузилган шартнома шартларига мувофиқ кейинчалик Ўзбекистон Республикаси давлат ташилотлари ва тиббиёт муассасаларига ишга тақсимланиши белгиланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Университет (Россия Федерацияси)-га юборилиши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 1 июлдаги  
ПҚ-5169-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
«Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт  
университети» Федерал давлат автоном олий таълим  
муассасасида Ўзбекистон Республикасининг 35 нафар  
фуқароси 2021/2022 ўқув йилида таҳсил олиш учун  
юбориладиган ординатура мутахассисликлари  
РЎЙХАТИ**

1. Радиология
2. Онкология
3. Гематология
4. Болалар онкологияси
5. Эндокринология
6. Нефрология
7. Пульмонология
8. Рентгенэндоваскуляр ташхис ва даволаш
9. Юрак-кон томир жарроҳлиги
10. Педиатрия
11. Аллергология ва иммунология
12. Нейрохирургия

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**391 Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Корпоратив ва бюджет буюртмачиларида давлат хариди тизимини янада такомиллаштириш ҳамда коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, шунингдек уларнинг жорий ишлаб чиқариш фаолияти узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 5 июлдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) мазкур қарорга 1-иловада\*\* кўрсатилган корпоратив буюртмачилар: давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонлар ва давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот портали ҳамда оммавий ахборот воситаларида жойлаштиради;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг баравари миқдоридан ошган ҳолларда, харидга доир техник топшириқлар ва тендер ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш учун белгиланган тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасига киритади;

давлат харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқади;

б) мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган корпоратив буюртмачилар учун индивидуал тарзда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ белгиланган давлат харидларини тўғридан-тўғри ёки тендер савдоларини ўтказмасдан амалга оширишнинг мавжуд тартиблари бекор қилинади.

2. Давлат харидлари очик ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) 2-иловага\*\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

3. Республика комиссияси (А.Н. Арипов) мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган корпоратив ва бюджет буюртмачиларининг давлат харидлари соҳасидаги фаолиятини назорат қилиш доирасида:

бир ой муддатда қиймати 1 миллион АҚШ долларидан юқори бўлган

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 июлда эълон қилинган.

\*\* 1-2-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шартномаларни, шу жумладан, импорт шартномаларини хатловдан ўтказиб, мақбуллаштириш чораларини кўрсин. Бунда хатлов натижаларига кўра, 30 фоиздан кам бўлган ҳажмда бажарилган ва (ёки) 30 фоиздан кам миқдорда тўлов амалга оширилган шартномалар бўйича харидлар самарадорлигини ошириш ҳамда ортиқча харажатларни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилсин;

хар ой якуни билан давлат буюртмачилари раҳбарларининг давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш бўйича ҳисоботларини танқидий муҳокама қилиб борсин;

давлат харидларининг очиқ ва шаффоф ўтказилишини, давлат буюртмачилари томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминласин.

4. Давлат харидлари очиқ ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш бўйича республика комиссияси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Бош вазир ўринбосари Д.А. Кучкаров ва Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган корпоратив буюртмачилар билан биргаликда икки ой муддатда халқаро консалтинг ва аудит компанияларини жалб қилган ҳолда:

харид жараёнларини аудитдан ўтказиш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш тизимларининг самарадорлигини ошириш («форензик»);

шартномалар тузиш жараёнларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, нархларни экспертизадан ўтказиш ва товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини таъминлаш;

мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган корпоратив буюртмачиларда харидлар трансформацияси офисларини ташкил қилиш чораларини кўрсин.

6. Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж. Ортиқов), Молия вазирлиги (О.Р. Исаков) мазкур қарорга 1-иловада кўрсатилган корпоратив буюртмачилар билан биргаликда икки ой муддатда:

Марказий банк, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали ўртасида ўзаро электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйсин;

етказиб берувчиларнинг дастлабки малака танловини ўтказиш бўйича идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминласин;

омбор ва транспорт логистикасини бошқариш тизимидаги жараёнларни автоматлаштириш орқали «Е-om bog» товар-моддий ресурслар ҳаракатини ҳисобга олиш электрон тизимини жорий этсин.

7. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д. Қудбиев) давлат буюртмачилари билан биргаликда:

уч ой муддатда «Е-om bog» товар-моддий ресурслар ҳаракатини ҳисобга олиш электрон тизимининг солиқ органлари ахборот тизимларига интеграция қилинишини таъминласин;

ҳисобварақ-фактурада товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) идентификациялаш кодлари Махсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон

миллий каталогига мувофиқ акс этирилишини ҳамда барча шартномалар Ягона электрон шартномаларнинг ахборот порталида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги (О.Р. Исаков) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев) билан биргаликда икки ой муддатда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда давлат буюртмачиларининг харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган ходимларнинг касбий маҳоратини ҳамда давлат харидлари соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш бўйича амалий ўқув курсларини ташкил этсин.

9. Давлат буюртмачилари бўлган давлат ва хўжалик бошқарув органлари раҳбарлари зиммасига давлат харидларини амалга оширишда соҳага оид қонунчилик ҳужжатларига қатъий риоя этилиши, шунингдек, давлат харидларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3487-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 июль,  
ПҚ–5171-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 2 июлдаги  
ПҚ-5171-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## **Давлат харидлари очик ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш бўйича республика комиссияси тўғрисидаги НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Давлат харидлари очик ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

2. Республика комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлис палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

3. Республика комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат буюртмачилари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

### **2-боб. Республика комиссиясининг асосий вазифалари**

4. Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат харидларининг очик ва шаффоф ўтказилишини, давлат буюртмачилари томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидининг мақсадга мувофиқлигини, давлат буюртмачилари томонидан бошланғич нархларнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ шакллантирилишини мониторинг қилиш;

корпоратив буюртмачилар томонидан давлат кафолатисиз ташқи қарз маблағлари жалб қилинишини назорат қилиш;

давлат буюртмачиларининг қиймати 1 миллион АҚШ долларидан юқори бўлган шартномаларини, шу жумладан, импорт шартномаларини хатловдан ўтказиш, уларни мақбуллаштириш чораларини кўриш;

корпоратив буюртмачилар томонидан ташқи қарз маблағларининг жалб қилиниши, ушбу маблағлар ҳисобидан лойиҳаларнинг молиялаштирилиши ва амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш, шунингдек, уларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини таҳлил қилиб бориш ҳамда ташқи қарз ҳажмларини мақбуллаштириш бўйича чораларни кўриш;

давлат буюртмачилари раҳбарларининг давлат харидлари шаффофли-

гини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш бўйича ҳисоботларини муҳокама қилиш.

### **3-боб. Республика комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

5. Республика комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юклатилган вазифалар юзасидан тегишли ташкилотлардан зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олиш;

давлат харидлари соҳасидаги иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш юзасидан Республика комиссияси ишчи органи ҳамда бошқа вазирлик ва идораларга кўрсатмалар бериш;

давлат харидларини амалга ошириш юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, 30 фоиздан кам бўлган ҳажмда бажарилган ва (ёки) 30 фоиздан кам миқдорда тўлов амалга оширилган шартномалар бўйича харидлар самарадорлигини ошириш ҳамда ортиқча харажатларни қисқартириш бўйича зарур чоралар кўриш;

давлат буюртмачилари раҳбарларига давлат харидлари соҳасида йўл қўйилган камчиликлар учун интизомий жазо чораларини белгилаш.

6. Республика комиссияси киритилган масалаларни ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга мажбурдир.

7. Республика комиссияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

### **4-боб. Республика комиссияси ишини ташкил этиш**

8. Республика комиссияси қарорлари Республика комиссиясининг мажлисида иштирок этаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда Республика комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

9. Республика комиссияси мажлисида қабул қилинган қарорлар баённома билан расмийлаштирилади ҳамда баённома Республика комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ва раиси томонидан тасдиқланади.

10. Республика комиссияси қарорлари бажарилишини назорат қилиш Республика комиссиясининг ишчи органи томонидан амалга оширилади.

11. Республика комиссиясининг ишчи органи вазифаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

12. Қуйидагилар Республика комиссияси ишчи органининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) халқаро консалтинг ва аудит компанияларни жалб қилган ҳолда қуйидагилар бўйича ишларни мувофиқлаштириш:

харид жараёнларини аудитдан ўтказиш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш тизимларининг самарадорлигини ошириш («форензик»);

шартномалар тузиш жараёнларида манфаатлар тўқнашувининг олдини



олиш, нархларни экспертизадан ўтказиш ва товарлар (ишлар, хизматлар) сифатини таъминлаш;

корпоратив буюртмачилар учун харидларни амалга ошириш тартибларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш;

ҳар бир корхонада харидлар трансформацияси офисларини ташкил қилиш;

б) Республика комиссияси мажлисларини ўтказиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, мажлис материалларини тайёрлаш ва тарқатиш, зарур ҳужжатларни сақлаш;

в) Республика комиссиясининг қарорлари ижроси назорати ва мониторингини ташкил этиш;

г) вазирлик ва идораларнинг таклифлари ва маълумотларини умумлаштириш ҳамда Республика комиссиясига киритиш;

д) давлат буюртмачилари томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар юзасидан вазирликлар ва идораларининг хулосаларини олиш ҳамда экспертлар (эксперт ташкилотлари), консалтинг компаниялари ва бошқа мутахассисларни жалб қилиш;

е) корпоратив буюртмачилар томонидан қўйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатиш ҳамда натижалари бўйича Республика комиссиясига маълумот киритиш:

давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонларни, давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот порталида ва оммавий ахборот воситаларида жойлаштириб бориш;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг баравари миқдоридан ошган ҳолларда, харидга доир техник топшириқларни ва тендер ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш учун белгиланган тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасига киритиш;

давлат харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан кузатув кенгашлари мажлисида кўриб чиқиш;

етказиб берувчиларнинг дастлабки малака танловини ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

қиймати 20 млн АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган лойиҳаларга ташқи қарз маблағларини жалб этишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда асосланганлигини мониторинг қилиш;

омбор ва транспорт логистикасини бошқариш тизимидаги жараёнларни автоматлаштириш орқали «Е-ombox» товар-моддий ресурслар ҳаракатини ҳисобга олишнинг электрон тизимини жорий этиш.

Республика комиссияси ишчи органи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларини ҳам амалга ошириши мумкин.

13. Республика комиссияси ишчи органи давлат буюртмачиларидан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиб олиши мумкин:

давлат харидлари бўйича техник топшириқ ва харид ҳужжатлари;

харид комиссияси мажлисларининг баённомалари;

харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган таклифлар ва улар билан ёзишмаларнинг нусхалари;

лойиҳанинг тасдиқланган техник иқтисодий асослари, молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасининг хулосаси ва шартнома лойиҳаси;

молиялаштириш манбаи ва уни асослантирувчи ҳужжатлар;

Кузатув кенгашининг хулосалари;

бошқа зарур ҳужжатлар ва маълумотлар.

14. Республика комиссияси ишчи органи давлат буюртмачилари томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар юзасидан хулосалар олиш учун тегишли вазирликлар ва идораларига сўровнома юбориши мумкин.

15. Республика комиссиясининг ишчи органи сўровига кўра давлат харидлари билан боғлиқ ҳужжатлар, маълумотлар ва хулосалар вазирлик ва идоралар томонидан беш иш куни муддатда тақдим этилиши шарт.

#### **5-боб. Яқунловчи қоида**

16. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **392** Ўзбекистон Республикасида геодезия ва картография соҳасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

«Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш натижасида олинган геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланадиган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштира син.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 28 июнь,  
395-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 июнда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 28 июндаги 395-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети  
маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, умумдавлат  
аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларни  
бажариш натижасида олинган геодезия ва картографияга  
доир материалларни (маълумотларни) экспертизадан  
ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш натижасида олинган геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар)** — ахборотни қайд этиш тури ва усулидан қатъи назар, геодезия ва картография фаолияти амалга ошириладиганда олинган геодезия, нивелир, гравиметрия ўлчовларининг, аэрокосмик ва картографик тасвирларнинг барча яқуний ва оралиқ натижалари;

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларнинг ижрочилари** (кейинги ўринларда — ишлар ижрочилари) — давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномага эга бўлган юридик шахслар.

3. «Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, умумдавлат аҳамиятига молик бўлган геодезия ва картографияга оид ишларни бажариш натижасида олинган геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) экспертизадан ўтказилиши лозим.

Экспертиза Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, умумдавлат аҳамиятига молик қуйидаги геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар)га нисбатан амалга оширилади:

ер шаклининг ва ташқи гравитация майдонининг параметрларини аниқлаш;  
давлат геодезия, нивелир, гравиметрия тармоқларини, геодезик зичлаштириш тармоқларини ташкил этиш, ривожлантириш ва ишлаш ҳолатида сақлаб туриш;

график, рақамли, фотосурат шаклидаги ва бошқа шакллардаги давлат топографик хариталари ҳамда режаларини яратиш, янгилаш ва нашр этиш; ернинг картографик мониторингини, уни масофадан туриб зондлашни ва геодинамика тадқиқотларини амалга ошириш;

сунъий йўлдош навигация тизимларининг ишлашини таъминлаш учун геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар)ни яратиш;

Фазовий маълумотларнинг миллий инфратузилмасини яратиш, ривожлантириш ва унинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

Миллий географик ахборот тизимини, умумдавлат аҳамиятига молик бошқа географик ахборот тизимларини яратиш ва юритиш;

геодезия-картография давлат кадастрини юритиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат картография-геодезия фондини шакллантириш ва юритиш;

умумгеографик, сиёсий-маъмурий, илмий-маълумотга оид ва бошқа мавзули хариталар ҳамда тармоқлараро аҳамиятга молик атласлар, картографик ўқув қўлланмаларини яратиш ва нашр этиш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасини делимитация, демаркация (редемаркация) қилиш ва унинг ўтиш чизигини текшириш бўйича ишларни зарур геодезия, картография ҳамда гидрографияга доир ишлар, материаллар (маълумотлар) билан таъминлаш;

геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришда ўлчовлар бирлигини ва метрология назоратини таъминлаш;

географик объектларнинг номларини белгилаш, меъёрлаштириш, давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш, шунингдек, Географик объектлар номларининг давлат реестрини юритиш;

геодезия ва картография фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

ушбу бандда назарда тутилган йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан амалга ошириладиган, натижалари умумдавлат аҳамиятига молик бошқа геодезия ва картографияга оид ишлар.

## **2-боб. Экспертиза ўтказиш тартиби**

4. Экспертиза Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) томонидан мазкур Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема асосида ўтказилади.

5. Кадастр агентлиги томонидан геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) қуйидаги талаблари асосида экспертизадан ўтказилади:

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида;

геодезия ва картографияга оид бажарилган ишлар ҳақидаги техник ҳисоботлар асосида ўтказилади.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Кадастр агентлиги экспертизани тўлиқ ва сифатли ўтказиш учун жавобгардир.

7. Кадастр агентлиги экспертизани ўтказишга ўзининг идоравий ман-суб ташкилотлари мутахассисларини жалб қилиши мумкин.

8. Ишлар ижрочилари умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга оид ишларни яқунлаганидан кейин бир ой ичида тегишли материаллар (маълумотлар)ни ва бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботларни Кадастр агентлигининг Давлат картография-геодезия фондида (кейинги ўринларда — давлат картография-геодезия фонди) тақдим этади.

9. Давлат картография-геодезия фонди тегишли материаллар (маълумотлар) ва бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботларни қабул қилиб олгандан кейин бир иш кунда экспертизадан ўтказиш учун Кадастр агентлигига тақдим этади.

10. Кадастр агентлиги ўн беш иш кундан ошмаган муддатда ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган талаблар бўйича Давлат картография-геодезия фонди томонидан тақдим этилган тегишли материаллар (маълумотлар) ва бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботларни экспертизадан ўтказилади.

11. Кадастр агентлиги экспертиза натижалари бўйича ижобий хулосаларни «Ишлар ижрочиларининг электрон реестри»га (кейинги ўринларда — Реестр) жойлаштиради ва ишлар ижрочиларини қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилади.

12. Реестр Кадастр агентлиги томонидан юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

ишлар ижрочиларининг тўлиқ номи;

геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар);

иш объектининг номи;

буюртмачининг тўлиқ номи;

ишларни бажариш мақсадлари (техник лойиҳа (ишлар дастури) тўғрисида экспертизадан ўтказилган қарор рақами);

иш объектининг смета баҳоси, масшаби, жойлашуви, ҳажми, бажариш асослари, технологияси;

бажарилган ишларнинг тоифаланганлиги (грифи).

13. Реестр мазкур Низомга 2-иловага\* мувофиқ шакл бўйича электрон кўринишда юритилади.

14. Реестрга киритилган маълумотлардан очик фойдаланиш мумкин.

15. Реестр Кадастр агентлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

16. Экспертизага тақдим этилган материаллар (маълумотлар) геодезия ва картография фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, геодезия ва картографияга оид ишларни бажаришга техник лойиҳалар (дастурлар) талабларига, шунингдек, бажарилган геодезия ва картографияга оид ишлар ҳақидаги ҳисоботлар мазмунига номувофиқ бўлса, салбий эксперт хулосаси тузилади.

Салбий эксперт хулосасининг нусхаси экспертиза якунига етганидан кейин уч иш кун ичида мобайнида Кадастр агентлиги томонидан ишлар ижрочиларига юборилади.

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Материаллар (маълумотлар), техник лойиҳа ва бажарилган геодезия ва картографияга оид ишлар ҳақидаги ҳисобот салбий эксперт хулосасининг нусхаси билан бирга Кадастр агентлиги томонидан давлат картография-геодезия фондида қайтарилади.

17. Эксперт хулосада белгиланган камчиликлар бартараф этилиб, ўн беш кун ичида белгиланган тартибда Кадастр агентлигига муурожаат қилинади.

Материалларнинг (маълумотларнинг) такрорий экспертизаси ушбу Низомнинг 8 — 11-бандларида белгиланган тартибда ўтказилади.

### **3-боб. Низоларни ҳал қилиш**

18. Низоли масалалар мавжуд бўлганда, экспертизани ўтказган Кадастр агентлиги фаолияти устидан шикоятлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ёки суд томонидан кўриб чиқилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси низоли масалаларни 15 иш кунигача ҳал қилиш чораларини кўради ҳамда зарур ҳолларда ушбу мақсад учун махсус шакллантирилган мустақил комиссия текширувини тайинлайди.

Бунда комиссия таркибига бошқа вазирлик ва идораларнинг тегишли мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

### **4-боб. Яқунловчи қоида**

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 28 июндаги 395-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланадиган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланадиган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**малака имтиҳони** — геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланадиган мутахассисга қўйилган талабларга талабгорнинг мос келишини текшириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

хузуридаги Кадастр агентлигининг (кейинги ўринларда — Кадастр агентлиги) Геодезия назорати бошқармаси (кейинги ўринларда — Геодезия назорати бошқармаси) томонидан ўтказиладиган имтиҳон;

**малака ошириш** — тегишли ўқув дастурлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, геодезия ва картография фаолиятига оид билим талаб этиладиган мутахассисларнинг малака ва кўникмаларини мунтазам равишда янгилаб бориш орқали уларнинг касбий маҳорати оширилишини таъминлашга қаратилган ўқитиш шакли;

**малака ошириш ташкилоти** — малака ошириш курсларини ташкил этадиган Кадастр агентлигининг Тошкент геодезия ва картография коллежи;

**малака сертификати** — талабгорнинг малака имтиҳонини муваффақиятли топширганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**малака сертификатига эга шахс** — геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланиш учун махсус малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

**махсус ваколатли орган** — геодезия ва картография фаолияти соҳасида малака имтиҳонларини ўтказиш ва малака сертификатини бериш ҳуқуқига эга бўлган Кадастр агентлиги;

**талабгор** — геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланиш учун малака сертификатини олишга талабгор бўлган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер йўналиши бўйича олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган жисмоний шахс;

**тингловчи** — тузилган шартномага мувофиқ малака ошириш курсига қабул қилинган геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги мутахассислар;

**ўқув дастури** — ўқув курсининг таълим мазмунини, унинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилишининг мақсадга мувофиқ усулларини ташкил этишни назарда тутадиган, ахборот манбаи бўлган, мутахассисликларнинг касбий малака талаблари, ўқув курсининг асосий мазмуни ва методик тузилишини аниқлаб берувчи асосий ҳужжат;

**ўқув режаси** — блоклар ва ўқув фанларининг номларини, уларни ўзлаштириш учун ажратилган соатлар ҳажмини ҳамда тингловчиларнинг билимларини назорат қилиш шаклларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат.

3. Малака ошириш ташкилотида ташкил этиладиган ўқув курслари тасдиқланган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

4. Малака ошириш курсларида ўқув жараёни, қоидага кўра, 20 нафардан ортиқ бўлмаган тингловчилардан иборат гуруҳларда ташкил қилинади.

Бунда аудитория машғулотларининг барча турлари 80 дақиқа давом этади, ўқув машғулотлари оралиғидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил этади.

5. Геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланадиган мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларга малака сертификатини бериш ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



## 2-боб. Малака ошириш курсларини ташкил этиш тартиби

6. Малака ошириш курсларида ўқув жараёни малака ошириш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ва Кадастр агентлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси ва ўқув дастурлари асосида ташкил этилади ҳамда машғулотлар жадвали бўйича олиб борилади.

7. Малака ошириш курсларида тингловчилар малака ошириш ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ тўлов асосида ўқитилади.

8. Малака ошириш курсларида қатнашиш учун онлайн тарзда ёки бевосита малака ошириш ташкилотига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

паспорт, идентификация ID-карта ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

олий ёки ўрта махсус маълумот тўғрисидаги диплом ҳамда диплом иловаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 2 дона рангли фотосурат;

шартнома шартларига мувофиқ тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Бунда ҳужжатларни онлайн тарзда топшириш малака ошириш ташкилотининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти ёки махсус электрон дастурлар орқали амалга оширилади.

9. Малака ошириш курсларига тингловчилар улар билан тузилган шартномага асосан малака ошириш ташкилоти директорининг буйруғи билан қабул қилинади.

10. Малака ошириш курси давомийлиги 72 академик соатдан кам бўлмаслиги лозим.

Давомийлиги 72 академик соатдан кам бўлмаган малака ошириш курсларидан ўтган шахсларга малака ошириш курсларидан ўтгандан кейин бир йилгача малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини топшириш ҳуқуқи берилади.

11. Малака сертификатига эга бўлган шахс геодезия ва картография фаолиятини амалга оширувчи давлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари билан меҳнат шартномаси асосида фаолият кўрсатиши мумкин.

12. Геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар фаолият бошлаши ҳақидаги хабарномани автоматлаштирилган электрон тизим орқали юборишда малака сертификатига эга шахслар билан тузилган меҳнат шартномасининг электрон нусхаси ва малака сертификатининг серия рақамини Геодезия назорати бошқармасига тақдим этади.

## 3-боб. Малака имтиҳонини топшириш тартиби

13. Талабгор малака имтиҳонини топшириш учун Кадастр агентлигига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) мазкур Низомга 2-иловага\* мувофиқ шаклдаги ариза;  
б) талабгорнинг паспорти, идентификация ID-картаси ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат нусхаси;  
в) олий ёки ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги диплом ва унга илова нусхаси ёки хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ёхуд геодезия ва картография соҳасида касбий қайта тайёргарлик дастури бўйича таълим олганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

г) малака ошириш курсида ўқиганлиги тўғрисида маълумотнома;

д) 3,5 x 4,5 см ўлчамли тўрт дона рангли фотосурат.

Талабгордан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

14. Талабгор тақдим этган ҳужжатлар тўлиқ ва улардаги маълумотлар тўғри бўлиши зарур.

15. Мазкур Низомнинг 14-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан Кадастр агентлигига шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари орқали топширилади.

16. Кадастр агентлиги томонидан ариза тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида талабгорга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

17. Кадастр агентлиги қўйидаги асосларга кўра малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этади:

талабгор малака ошириш курсида ўқимаган бўлса;

талабгор тақдим қилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим қилгани аниқланганда.

Бошқа асосларга кўра малака имтиҳонини топширишни рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Талабгорнинг малака имтиҳонини топшириши рад этилган тақдирда, Кадастр агентлиги томонидан тегишли қарор қабул қилинади ва талабгорга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, қабул қилинган қарор ҳақида уч иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

19. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган талабгор рад этишга сабаб бўлган камчиликларни 5 иш куни ичида бартараф этиши ва қайта ариза бериши мумкин.

20. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширишига рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилинганда, талабгор малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган шахслар рўйхатига киритилади ва рўйхат малака имтиҳони бошланишидан олдин Кадастр агентлигига топширилади.

21. Малака имтиҳонига қўйилган талабгор малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида имтиҳон ўтказиладиган кундан камида 5 кун олдин мобил телефони, почта ёки электрон алоқа воситаси орқали хабардор қилинади.

22. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар рўйхати ҳамда малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги маълумот уни ўтказиш ҳақидаги қарор

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қабул қилинган кундан бошлаб икки кундан кечиктирмай, Кадастр агентлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

23. Малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, лекин камида икки ойда бир маротаба ўтказилиши лозим.

24. Малака имтиҳони саволлари тест кўринишида имтиҳон иш регламенти Кадастр агентлиги директори томонидан тасдиқланади.

25. Малака имтиҳонини топширишда талабгорлар паспорти, идентификация ID-картаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этади.

26. Талабгор паспорти, идентификация ID-картаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим қилмаганда ёхуд малака имтиҳонига кечиккан тақдирда имтиҳонга қўйилмайди ва малака имтиҳонига келмаган деб ҳисобланади.

27. Малака имтиҳонига кечиккан талабгор навбатдаги малака имтиҳонидаги талабгорлар рўйхатига киритилади ва бу ҳақда мобил телефони, почта ёки электрон алоқа воситаси орқали навбатдаги малака имтиҳони кунига қадар уч иш куни ичида хабардор қилинади.

28. Агарда талабгор тегишли тарзда хабардор қилингандан кейин икки маротаба малака имтиҳонини топшириш учун келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар талабгорга қайтарилади. Бундай ҳолларда талабгор малака имтиҳонидан ўтиш учун қайтадан ариза билан мурожаат қилиши лозим.

29. Малака имтиҳони тест синови орқали компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда, талабгорнинг танловига кўра ўзбек, қорақалпоқ ёки рус тилларида ўтказилади.

30. Малака имтиҳонининг шаффофлиги ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида уни ўтказиш жараёни узлуксиз равишда овозли видеоёзувга туширилади.

31. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатасининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда геодезия ва картография соҳасида малака ошириш дастури ва режаси асосида Геодезия назорати бошқармаси томонидан ишлаб чиқилади.

32. Тест саволларини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган мавзулар Кадастр агентлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда тест саволлари янгилаб борилади.

33. Тест синови геодезия ва картография йўналиши бўйича 50 та саволдан иборат бўлади.

Талабгорга малака имтиҳонини топшириш учун бир соат вақт берилади.

34. Тест синовлари ўтказиладиган хонага жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, калькулятор, телекоммуникация воситаларини олиб кириш, бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш тақиқланади.

Ушбу талабларни бузган талабгорлар тест синовлари ўтказиладиган хонадан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган деб ҳисобланади.

35. Малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб уч иш куни ичида Геодезия назорати бошқармасининг тест синови натижалари қайд этилган баённомаси расмийлаштирилади ва Кадастр агентлиги директори томонидан тасдиқланади.

36. Малака имтиҳони натижалари қайд этилган баённома Кадастр агентлиги архивида 3 йил муддатда сақланади.

37. Малака имтиҳони натижалари баённома расмийлаштирилган куннинг ўзида эълон қилинади.

38. Талабгорнинг тўғри жавоблар бўйича якуний натижаси 80 фоиз ва ундан юқори кўрсаткични ташкил қилган бўлса, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган деб ҳисобланади.

39. Тўғри жавоблар бўйича якуний натижаси 80 фоиздан паст бўлган талабгор малака имтиҳонидан ўтмаган деб ҳисобланади.

40. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгорлар малака имтиҳонини такроран топшириш ҳуқуқига эга ва икки ойдан сўнг қайта топширишга рухсат берилади.

41. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорларга малака сертификати берилади.

42. Малака сертификати ёки унинг дубликати Кадастр агентлиги томонидан бепул берилади.

43. Малака имтиҳони натижалари баённома билан расмийлаштирилади, малака имтиҳони масъул ходимлари томонидан имзоланади ҳамда Кадастр агентлиги раиси томонидан тасдиқланади.

#### **4-боб. Апелляция бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби**

44. Малака имтиҳонидан ўтмаган талабгор имтиҳон ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига (кейинги ўринларда — Давлат солиқ қўмитаси) апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма ёки электрон алоқа воситалари орқали тақдим этилиши лозим.

45. Давлат солиқ қўмитаси 5 иш куни ичида апелляцияни кўриб чиқади ва талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида у қабул қилинган кунда ёзма равишда хабар беради.

46. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича Давлат солиқ қўмитаси томонидан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

апелляцияни қаноатлантириш ва талабгорни малака имтиҳонини муваффақиятли топширган деб ҳисоблаш тўғрисида;

малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

47. Малака имтиҳони натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор апелляцияда кўрсатилган асослар ўз тасдиғини топмаган ҳолларда қабул қилинади.

48. Давлат солиқ қўмитаси қароридан норози бўлган талабгорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

### **5-боб. Малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш**

49. Малака сертификати талабгорнинг фотосурати акс этирилган қатъий ҳисобда турадиган бланкада мазкур Низомга 3-иловага\* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида фаолият олиб бориш учун амал қилади.

50. Малака сертификатининг бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади ва Малака сертификати QR-код (матрик штрихли код) қўйилган электрон шаклда Кадастр агентлиги томонидан шакллантириб, талабгорнинг хоҳишига кўра қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этилади.

51. Кадастр агентлиги томонидан баённома тузилгандан сўнг уч иш куни ичида картограф, геодезист, топограф, маркшейдер мутахассислиги бўйича малака сертификати расмийлаштирилиб, малака сертификатига эга бўлган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер мутахассислари давлат реестрига тегишли белги қўйилган ҳолда почта алоқаси воситаси орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда электрон шаклда талабгорга тақдим этилади.

52. Агар талабгор малака сертификати расмийлаштирилган кундан бошлаб уч ой ичида уни олишдан ёзма равишда бош тортса, Кадастр агентлиги мазкур сертификатни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

### **6-боб. Малака сертификатини қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш**

53. Геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахснинг фамилияси ёки исми ёхуд отасининг исми ўзгарган тақдирда, у тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатлар берилган санадан бошлаб бир ой ичида мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда ариза билан мурожаат қилади.

Бунда аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган малака сертификатининг асл нусхаси билан бирга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

54. Малака сертификати геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан ариза берилган пайдан бошлаб беш иш куни ичида қайта расмийлаштирилади.

55. Янги бланкада қайта расмийлаштириладиган малака сертификатининг рақами қайд қилинади.

56. Малака сертификатига эга бўлган шахснинг аризасига кўра, йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келтирилган малака сертификати ўрнига Кадастр агентлиги томонидан унинг дубликати берилади.

57. Малака сертификати дубликатида унинг аввалги қайд этилган рақами ёзилади ва янги бланканинг юқоридаги ўнг бурчагига «Дубликат» ёзуви кўрсатилган бўлиши керак.

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

58. Яроқсиз ҳолга келган малака сертификати Кадастр агентлигига қайтарилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

### **7-боб. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш**

59. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ Кадастр агентлигининг тегишли қарорига асосан амалга оширилади.

60. Қўйидагилар малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш учун асос бўлади:

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этиш ҳақидаги суд қарори;

малака сертификатига эга бўлган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер мутахассислари томонидан малака ошириш дастури бўйича беш йилда камида бир марта малака ошириш талабининг бажарилмаслиги.

61. Қўйидагилар малака сертификатининг амал қилишини тугатиш учун асос бўлади:

малака сертификатига эга бўлган геодезия ва картография мутахассиси томонидан ўз малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини Кадастр агентлигига тақдим этса;

малака сертификатига эга бўлган геодезия ва картография мутахассиси томонидан ўз фаолиятини амалга оширишда геодезия ва картография фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бузиши;

геодезия ва картография ишларини олиб боришда уларнинг техник лойиҳаларини (ишлар дастурини) тузиш, техник ҳисоботларни расмийлаштириш, шунингдек, уларни техник ҳисобга қўйишда рухсат бериш қарорлари ишларини амалга оширишда нотўғри хулоса (маълумот) бериш.

62. Малака сертификатининг амал қилиши уни тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтатиб турилади ва тугатилади.

63. Малака сертификати қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

малака сертификатига эга бўлган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер мутахассислари томонидан ўз малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини Кадастр агентлигига тақдим этганда;

Кадастр агентлигининг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарори ноқонуний эканлиги аниқланганда;

малака сертификати сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги аниқланганда;

суд қарори билан тасдиқланган, геодезия ёки картография ишларининг сифатсиз бажарилиши билан боғлиқ сертификатланган мутахассис-геодезист, топограф, картограф томонидан етказилган зарар ҳақидаги маълумотлар малака комиссиясига юборилганда;

фуқаро (сертификатланган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер)ни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисида суд қарори кучга кирган тақдирда;

фуқаро (сертификатланган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер) вафот этганда.

64. Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан бошлаб амал қилади.

65. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор Кадастр агентлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилинади.

66. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган куннинг ўзида унинг нусхаси тегишли геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга юборилади.

67. Геодезия ва картография фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар малака сертификатини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб ўн кун ичида ўзининг сертификатини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиш, шунингдек, малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб ўн кун ичида ўзининг сертификатини сақлаш учун Кадастр агентлигига қайтариши лозим.

68. Малака сертификатини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш тўғрисидаги қарор бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

### **8-боб. Малака сертификатига эга бўлган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер мутахассислари давлат реестрини юритиш**

69. Малака сертификатига эга бўлган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер мутахассислари давлат реестрига қуйидаги маълумотлар киритилади:

малака сертификатига эга бўлган мутахассиснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

туғилган санаси ва жойи;

малака сертификатига эга бўлган мутахассиснинг иш жойи ва лавозими;

малака сертификатига эга бўлган мутахассис билан мулоқот қилиш учун ишлатиладиган телефон рақами, почта манзили (электрон почта манзили); малака сертификатига эга бўлган мутахассиснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар;

малака сертификатига эга бўлган мутахассис тугатган таълим муассасаси номи;

малака сертификатини бериш тўғрисидаги Кадастр агентлиги қарорининг санаси ва рақами;

малака сертификатини бериш санаси ва рақами;

малака ошириш ҳақидаги маълумот;

фаолиятни тугатиш ёки малака сертификатини бекор қилиш тўғрисида маълумот (малака сертификатини бекор қилиш санаси ва асоси).

70. Малака сертификатига эга бўлган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер мутахассислари давлат реестрининг шакли Кадастр агентлиги директори томонидан тасдиқланади.

71. Малака сертификатига эга бўлган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер мутахассислари давлат реестридаги мавжуд бўлган маълумотлар очик фойдаланиладиган маълумотлар ҳисобланиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда геодезия ва картография фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан исталган манфаатдор шахсларнинг сўровига кўра белгиланган тартибда тақдим этилиши ҳамда улардан очик фойдаланилиш мумкин.

Малака сертификатига эга бўлган картограф, геодезист, топограф, маркшейдер мутахассислари давлат реестри Кадастр агентлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

### **9-боб. Яқунловчи қоидалар**

72. Ушбу Низомни бажариш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

73. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 28 июндаги 395-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўриқланадиган геодезия зоналари ва геодезия пунктларини қўриқлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 16 февралдаги 69-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 2-сон, 7-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорига 4-илованинг II бўлими.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**393 Маҳаллабай ишлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Самарқанд вилоятида эксперимент тариқасида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 6 майдаги ПҚ–5105-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга кўмаклашиш, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда самарали ҳал этиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Самарқанд вилоятида эксперимент тариқасида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 6 майдаги ПҚ–5105-сон қарорига мувофиқ 2021 йил 1 июндан бошлаб Самарқанд вилоятининг туманлари (шаҳарлари) ҳокимликлари тузилмасида туман (шаҳар) ҳокимлиги таъсисчилигида давлат муассасаси шаклида Маҳаллабай ишлаш марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) ташкил этилганлиги ҳамда уларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Маҳаллабай ишлаш маркази» давлат муассасасининг намунавий тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагиларни назарда тутувчи Маҳаллабай ишлаш марказининг намунавий устави 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Марказларнинг аҳоли бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш, маҳалладаги инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва бошқа соҳалардаги асосий вазифалари;

Марказлар фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш, Марказлар директори ва ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, шунингдек, Марказлар фаолиятини режалаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини молиялаштириш тартиби.

4. Белгилансинки:

Марказлар ходимларига туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар татбиқ этилади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 июнда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарали ташкил этишга туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари шахсан масъул ҳисобланади.

5. Самарқанд вилоятининг туманлари (шаҳарлари) ҳокимликлари бир ой муддатда ушбу қарорда назарда тутилган талаблар асосида ўз муассислигидаги Марказларнинг тузилмаси ва уставини тасдиқласин ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 июнь,  
398-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 29 июндаги 398-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Маҳаллабай ишлаш марказининг  
НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Намунавий устав Маҳаллабай ишлаш марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказ туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ташкил этиладиган давлат муассасаси ҳисобланади.

3. Марказ фаолияти туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан мувофиқлаштириб борилади.

4. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда ушбу Намунавий уставга мувофиқ амалга оширади.

5. Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Марказ Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампга, давлат намунасидаги бланкаларга эга, шу жумладан, ўзига юкланган мажбуриятларни бажарадиган ҳамда суд, арбитраж органларида даъвогар ва жавобгар бўладиган давлат муассасаси ҳисобланади.

7. Марказнинг расмий номланиши:

тўлиқ номи — «Самарқанд вилоятининг \_\_\_\_\_ тумани (шаҳар) ҳокимлиги Маҳаллабай ишлаш маркази»;

қисқартирилган номи — «\_\_\_\_\_ тумани (шаҳар) Маҳаллабай ишлаш маркази».

8. Марказнинг жойлашган жойи (почта манзили): вилояти, \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри), \_\_\_\_\_ мавзе, кўча номи, — «\_\_\_»- уй \_\_\_\_\_.

9. Марказ ўз фаолиятини туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибий бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

## **2-боб. Марказнинг асосий мақсади ва вазифалари**

10. Марказнинг асосий мақсади:

маҳаллабай ишлаш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилиш;

маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари»ни (ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва янги тадбиркорликни, шу жумладан, «драйвер» лойиҳаларни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали ҳар бир маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлаш;

маҳалла паспортидаги мезонлар асосида «қизил», «сарик» ва «яшил» ҳудудларга ажратган ҳолда барча маҳаллаларни «яшил» ҳудудга ўтказиш;

«Темир дафтар»га киритилган оилалар, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиб, уларга аниқ йўналишлар (касб-хунарга ўқитиш, иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, моддий ёрдам бериш) бўйича манзилли кўмаклашиш;

Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллабай» ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 мартдаги 152-сон қарорида назарда тутилган асосий йўналишларни самарали амалга оширишдан иборат.

11. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

аҳоли бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаини яратиш орқали камбағалликни қисқартириш чораларини кўриш;

маҳаллабай ишлаш асосида тадбиркорликни янада ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш;

тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга, шу жумладан, аёллар ва ёшларга кредит ҳамда субсидиялар олишда кўмаклашиш;

тадбиркорлик, хунармандчилик қилиш истагини билдирган фуқароларга замонавий асбоб-ускуналар ва мини-технологиялар топишга кўмаклашиш;

маҳалладаги мавжуд инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ва малака ошириш истагини билдирган фуқаролар билан ишлаш.

### **3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

12. Марказ ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун туман (шаҳар)-лар ҳокимлигининг таркибий бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, давлат ҳамда нодавлат ташкилотларидан белгиланган тартибда маълумот сўраш ва олиш;

ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимлигига белгиланган тартибда киритиш;

фаолиятига доир ижтимоий реклама маҳсулотларини буюртма қилиш, шунингдек, уларни давлат оммавий ахборот воситаларида, стендларда, баннерларда ва аҳоли кенг танишиши мумкин бўлган бошқа усулларда бепул жойлаштириш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда белгиланган тартибда расмий веб-сайтлар яратиш;

коррупция ва бошқа сунистеъмоликларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик, ходимнинг шахсий ва ишчанлик хусусиятларини, фаолияти самарадорлигини мунтазам ўрганиш, шунингдек, малакага ва Марказ фаолиятининг йўналишларида ишлаш тажрибасига эга бўлган кадрлар захирасини шакллантириш;

ўз ваколати доирасида семинарлар, кўргазмалар, ярмаркалар ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган шундай тадбирларда иштирок этиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўзига юкланган вазифалар ва фаолият йўналишларининг бажарилиши билан боғлиқ бўлган ҳамда тезкор ҳал этишни талаб қиладиган масалалар юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Марказ:

туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган тегишли ҳужжатлар билан унга юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаши;

туман (шаҳар) ҳокими қарорлари ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаши;

Марказ фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этиши, тегишли йўналишлар бўйича вазифаларнинг сифатли бажарилишини таъминлаши;

ўз фаолиятига доир зарур бўлган ахборот ва таҳлилий маълумотларни шакллантириши лозим.

Марказ ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

#### **4-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш**

14. Марказ фаолиятига директор раҳбарлик қилади.

Марказ директори вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан келишган ҳолда туман (шаҳар) ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Марказ ходимлари ва инспекторлари туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан келишган ҳолда Марказ директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Марказ фаолияти директор томонидан бошқарилади.

Директор:

Марказ фаолиятини юритишга шахсан жавоб беради;

туман (шаҳар) ҳокимлигининг таркибий бўлинмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари билан муносабатларда Марказ номидан иш юритади;

маҳаллалар кесимида тўпланган муаммо ва мурожаатларни мувофиқлаштириб, уларни ҳал этишда туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли ўринбосарлари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этади;

Марказ ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш чораларини кўради;

ўз ваколати доирасида ходимлар томонидан ижро этилиши шарт бўлган тегишли кўрсатмалар беради;

ўз ваколати доирасида бошқа функцияларни бажаради.

Директор амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида ҳисобот бериб боради.

16. Марказ ходимларининг иш ҳақи, самарали фаолияти учун уларни рағбатлантириш миқдори ва иш ҳақиға устамалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

17. Марказга бухгалтерия ва юридик хизматлар туман (шаҳар) ҳоким-

лигининг бухгалтерия бўлими ва бош юрисконсулти томонидан кўрсатилади.

18. Марказнинг устави ушбу Намунавий устав асосида туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

19. Марказ (йиллик, чораклик) иш режаси ва Марказ директорининг шахсий иш режаси тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

20. Марказ бўлимлари раҳбарлари ва ходимларининг иш режаси туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан тасдиқланади.

Бунда бўлим раҳбари ва ҳар бир ходимнинг иш режасига ижро интизоми масаласи бўйича алоҳида бўлим киритилади.

21. Марказ тузилмасига мувофиқ Марказ штат жадвали туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

#### **5-боб. Марказ фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш**

22. Марказлар фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан қайта ташкил этилади ва тугатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**394 «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида\***

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2021 йил 28 июндаги ПФ-6252-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қуйидагилар:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда — ташкилотлар) томонидан шубҳали операциялар тўғрисида махсус ваколатли органга хабар бериш, ушбу хабарларни махсус ваколатли орган томонидан кўриб чиқиш ҳамда ташкилотларга сўров юбориш тартибини назарда тутувчи Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

махсус ваколатли орган, назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда тергов органларининг халқаро ва хорижий ташкилотлар билан соҳага доир ахборот алмашинувини таъминлаш, халқаро сўровларни тайёрлаш, юбориш, ижро этиш ва рўйхатга олиш тартибини назарда тутувчи Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

ваколатли органлар томонидан ташкилотларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларга доир ҳисоботларини масофавий тарзда таҳлил қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкилотга чиққан ҳолда текширув ўтказиш орқали ўрганиш тартибини назарда тутувчи Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 июнда эълон қилинган.

легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда — ташкилотлар) томонидан шубҳали деб топилган операциялар ҳақидаги хабарлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига (кейинги ўринларда — махсус ваколатли давлат органи) автоматлаштирилган дастурий маҳсулот ёрдамида тақдим этилади, давлат сирларини ташкил этувчи ахборотлар бундан мустасно;

ташкилотлар томонидан махсус ваколатли давлат органига юборилаётган хабарга уни юбориш учун асос бўлган маълумот ва ҳужжатлар илова қилинади;

махсус ваколатли давлат органи қабул қилинган хабарларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ташкилотларни ва уларни назорат қилувчи органларни таҳлилий маълумотнома, тақдимнома, маъруза ва семинарлар, шунингдек, методик тавсиялар орқали мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари билан халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар ваколатли органлари ўртасида легаллаштиришга ва предикат жиноятларга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик тарафларнинг халқаро сўровларига ёки ўз ташаббусларига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи ваколатли органлари махсус ваколатли давлат органининг сўровига мувофиқ халқаро ҳамкорлик ҳақидаги маълумотларни тақдим этадилар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмасдан амалга оширилади;

мониторинг ташкилотлар тақдим этган ҳисоботлар, статистик ва бошқа маълумотларни ваколатли органлар томонидан таҳлил қилиш ва ўрганиш йўли билан амалга оширилади;

мониторингни амалга оширишда ташкилотларга ташриф буюриш, шунингдек, текширув предмети тааллуқли бўлмаган маълумотларни талаб қилиб олиш ман этилади;

назорат жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари ижроси ҳолатини ташкилотга чиққан ҳолда ўрганиш орқали ўтказилади;

назорат давомида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-



тиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари доирасига кирмайдиган масалаларни ўрганиш тақиқланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 июнь,  
402-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 29 июндаги 402-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни  
легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва  
оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга  
қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим  
этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом махсус ваколатли давлат органига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга (кейинги ўринларда — легаллаштириш) қарши курашиш билан боғлиқ маълумотлар ва ҳужжатларни (кейинги ўринларда — маълумотлар) тақдим этиш, шу жумладан, махсус ваколатли давлат органи томонидан сўровларни юбориш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**автоматлаштирилган дастурий маҳсулот** — автоматлаштирилган режимда шубҳали операция ҳақидаги хабарни намунавий шаклда шакллантириш имконини берувчи махсус дастурий таъминот;

**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

**намунавий шакл** — операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан шубҳали операция ҳақидаги хабарни тақдим этиш учун тўлдириладиган махсус шакл;

**операциялар** — легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жисмоний ёки юридик шахслар томонидан амалга оширилган пул маблағлари ёки бошқа мулк билан боғлиқ операциялар.

3. Маълумотлар махсус ваколатли давлат органига «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг (кейинги ўринларда — Қонун) 12-моддасида кўрсатилган пул маблағлари ёки бошқа мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар (кейинги ўринларда — ташкилотлар) томонидан тақдим этилади.

4. Ташкилотлар томонидан қўйидагилар тўғрисидаги маълумотлар махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади:

ички назорат қоидалари ижросини таъминлаш давомида легаллаштириш мақсадида амалга оширилаётган шубҳали операциялар, шу жумладан, уларни амалга оширишга бўлган уринишлар;

амалга оширилган операциялар бўйича тарафлардан бири ёки бенефициар мулкдори бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро ихтисослашган ташкилотлар томонидан халқаро молия тизimini легаллаштириш хавфидан ҳимоялаш мақсадида чораларни кўришга чақирилган давлатда (ҳудудда) доимий яшовчи, турган ёки рўйхатга олинган шахс;

легаллаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни миллий даражада баҳолаш натижалари бўйича таваккалчилик даражаси юқори бўлган операциялар;

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг рўйхатига киритилган ташкилот ёки жисмоний шахснинг операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш бўйича кўрилган чоралар;

мижозлар орасида пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш бўйича чоралар кўрилиши лозим бўлган ташкилотлар ва жисмоний шахслар мавжудлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган текширув натижалари;

мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, ҳисобварақ очишни, операцияни амалга оширишни, амалий муносабатларга киришишни рад этиш ҳамда мавжуд амалий муносабатларни тугатиш тўғрисидаги, шунингдек, шубҳали операция ҳақидаги хабарлар.

5. Иш самарадорлигини таъминлаш ва қайта маълумот йиғиш учун ортиқча вақт сарфланишининг олдини олиш мақсадида, ташкилотлар томонидан махсус ваколатли давлат органига юборилаётган операция (мижозлар) ҳақидаги хабарга ушбу хабарни юбориш учун асос бўлган маълумотлар, шунингдек, уни юбориш асослигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Хабарга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

6. Легаллаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш ушбу Низомнинг 1-1а-иловаларидаги\* схемаларга мувофиқ амалга оширилади.

### **2-боб. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотларни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартиби**

7. Ушбу Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган хабарда мижознинг операцияси легаллаштириш мақсадида амалга оширилаётганлиги ёки амалга оширилиши мумкинлигини асословчи маълумотлар аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

8. Мазкур Низомнинг 4-банди бешинчи хатбошисида назарда тутилган хабарлар махсус ваколатли давлат органига операциялар тўхтатиб турилган ва (ёки) пул маблағларни ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтаиб қўйилган вақтдан бошлаб уч соат ичида, қолган ҳолатларда операциялар аниқланган кундан кейинги бир иш куни давомида юборилиши лозим.

9. Ҳар бир юбориладиган хабарга махсус рақам берилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

юбуровчи ташкилотнинг СТИР;

хабарнинг тартиб рақами;

хабарни тақдим этиш санаси (кун, ой, йил).

Ҳар бир хабарга рақами «1» дан бошланувчи календарь йил давомида ўсиб боровчи тартиб рақами берилади.

Хабар ва унга илова қилинадиган маълумотларнинг намунавий шакли махсус ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

### **3-боб. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ шубҳали операциялар ҳақидаги хабарларни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартиби**

10. Хабар автоматлаштирилган дастурий маҳсулот орқали электрон ҳужжат шаклида тузилади.

Автоматлаштирилган дастурий маҳсулот ва ундан фойдаланиш бўйича қўлланма махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилади.

Автоматлаштирилган дастурий маҳсулотдан фақатгина ушбу Низомда назарда тутилган хабарларни шакллантириш учун фойдаланилади.

---

\* 1-1а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Хабар махсус ваколатли давлат органига ахборотни криптографик химоялаш воситалари мавжуд бўлган маълумотларни узатишнинг электрон тизимлари орқали ёки рухсат берилмаган фойдаланишдан химояланган махсус электрон почта манзили ёхуд шахсий кабинет ёрдамида юборилади.

Махсус ваколатли давлат органи билан шахсий кабинет фойдаланувчиларининг ўзаро электрон ҳамкорлиги, шунингдек, шахсий кабинетга кириш ва ундан фойдаланиш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Автоматлаштирилган дастурий маҳсулот орқали шакллантирилган хабарлар махсус ваколатли давлат органига улар шакллантирилган куннинг ўзида юборилади.

12. Хабарни маълумотларни узатиш электрон тизимлари орқали юборишнинг имконияти бўлмаган тақдирда, хабар махфийлик талабларига риоя қилинган ҳолда алоқа хат (ташкilot муҳри ва ваколатли шахсларнинг имзоси) билан электрон (флешка, компакт дискда) ёки қоғоз ташувчи қурилмада шахсан ёки махсус мўлжалланган почта алоқаси орқали тақдим этилади.

Хабарни тақдим этиш санаси у шахсан етказиб берилган ёки белгиланган тартибда махсус мўлжалланган почта алоқаси бўлинмаларига топширилган сана ҳисобланади.

13. Ташкilotлар томонидан махсус ваколатли давлат органига хабарни белгиланмаган шаклда ёки қоғоз манбаларида тақдим этиш ман этилади.

14. Махсус ваколатли давлат органи хабар юбуровчисини идентификациялаш ва хабар мазмунининг бир хиллиги (ўзгармаслиги) устидан назоратни амалга оширади.

15. Ташкilotлар томонидан хабар тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри шакллантирилган ҳолда тақдим этилган тақдирда, махсус ваколоти давлат органи уни олган куннинг ўзида аниқ камчиликларни кўрсатган ҳолда қайта тақдим этиш белгиси билан қайтаради.

Ташкilotлар хабар қайтарилган кундан кейинги бир иш куни давомида кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда, ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида махсус ваколатли давлат органига хабарни юборди.

16. Хабар нотўғри юборилган тақдирда, ташкilot уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида махсус ваколатли давлат органига электрон шаклда мурожаат юборди.

Ушбу мурожаатда хабарни ҳақиқий эмас деб топишнинг сабаблари ҳамда тақдим этилган хабарни идентификация қилиш имконини берувчи маълумотлар (махсус рақами, тақдим этиш усули, операция суммаси ва амалга оширилган санаси) кўрсатилиши лозим.

#### **4-боб. Махсус ваколатли давлат органи томонидан сўровларни юбориш тартиби**

17. Махсус ваколатли давлат органи легаллаштиришга қарши курашиш

соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини ижро этиш ҳамда ушбу соҳадаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларини ва хорижий давлатлар ваколатли органларининг сўровларини бажариш мақсадида ташкилотларга маълумотларни ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжатлар нусхаларини тақдим этиш тўғрисида сўров юбориш ҳуқуқига эга.

18. Ташкилотлар махсус ваколатли давлат органининг сўрови бўйича мижозларининг операциялари тўғрисидаги қўйидаги маълумотларни бепул тақдим этадилар:

фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг тасдиқланган нусхалари ва улар билан боғлиқ маълумотлар;

векселлар билан боғлиқ операциялар ҳақидаги маълумотлар;

битимлар паспортларининг тасдиқланган нусхалари;

банк назорат варақалари;

имзо намуналари ва муҳр босма изи кўрсатилган варақаларнинг тасдиқланган нусхалари;

маблағларни мижознинг ҳисобварақлари (омонатлари) бўйича ҳаракатланиши ҳақидаги маълумотлар (сўровда кўрсатилган давр ичида мижознинг ҳисобварақларидан кўчирмалар, жисмоний шахснинг ҳисобварақларига боғланган банк карталари бўйича пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар);

жисмоний шахс томонидан ҳисобварақ очмаган ҳолда амалга оширилган операциялар, шу жумладан, валюта айирбошлаш операциялари ҳақидаги маълумотлар;

электрон пулларни ўтказиш бўйича операциялар ҳақидаги маълумотлар;

ҳисобварақларни очиш (ёпиш) бўйича ариза нусхаси;

мижозларнинг шахсий маълумотномалари (ҳужжатлари) нусхалари, шу жумладан, мижозларнинг бенефициар мулкдорлари ҳақидаги маълумотлар;

ҳисобварақлар бўйича молиявий операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг паспорт нусхаси (ҳисобварақларни ишончнома асосида бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ҳолатларда ишончнома нусхаси);

масофавий хизмат турларидан фойдаланган мижозларнинг «интернет-протокол манзили» (IP манзили) ёки «Медиа кириш назорати манзили» (MAC манзили) ёки ушбу хизмат тури бириктирилган телефон рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар;

депозит (омонат) сертификатлари эгалари ҳисобланган шахслар ҳақидаги маълумотлар;

ташкилотларга тегишли бўлган видеокузатув камералари ёзувлари ва бошқа маълумотлар.

19. Махсус ваколатли давлат органининг сўровлари электрон ёки қоғоз шаклида юборилади.

Электрон сўровлар рақамли имзо билан тасдиқланади, қоғоз шаклидаги сўровлар эса махсус ваколатли давлат органининг расмий бланкида рас-

мийлаштирилади, унинг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланади ҳамда ташкилотларга электрон алоқа каналлари, шахсан ёки махсус мўлжалланган почта алоқаси орқали юборилади.

20. Ташкилотлар махсус ваколатли давлат органига сўралаётган маълумотларни тасдиқланган ҳолда сўровни олган кундан сўнг уч иш куни ичида электрон шаклда электрон алоқа каналлари, шахсан ёки махсус мўлжалланган почта алоқаси орқали юборадилар.

Сўралаётган маълумотларнинг ҳажми, хусусияти ва мазмунини инобатга олган ҳолда, уларни тақдим этиш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан бошқа муддат белгиланиши мумкин.

### **5-боб. Махсус ваколатли давлат органи томонидан маълумотларни бошқа манбалардан олиш**

21. Махсус ваколатли давлат органи зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлар, шу жумладан, тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларидан (сўраладиган томон) уларда мавжуд бўлган маълумотларни ва ҳужжатларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини сўров асосида бепул олиш ҳуқуқига эга.

22. Сўраладиган томон махсус ваколатли давлат органига сўралаётган маълумотларни ёки ҳужжатларни сўровни олган кундан сўнг уч иш куни ичида ёки сўровда кўрсатилган муддатда тақдим этиши ёхуд уларни тақдим этишга тўсқинлик қилувчи сабаблар ҳақида махсус ваколатли давлат органига хабар қилиши лозим.

23. Сўраладиган томон сўровда кўрсатилган шахслар ва бошқа шахсларни сўров ҳақида, шунингдек, сўров юзасидан тақдим этилган маълумотларнинг мазмуни тўғрисида хабардор қилиши тақиқланади.

### **6-боб. Шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш ва натижаси бўйича хабар бериш (қайта алоқа)**

24. Махсус ваколатли давлат органи юборилган шубҳали операциялар юзасидан хабарларни кўриб чиқиш натижалари бўйича мунтазам равишда ташкилотларни ҳамда уларни назорат қилувчи органларни хабардор қилади.

25. Хабардор қилиш ташкилотлар ҳамда уларни назорат қилувчи органлар томонидан легаллаштиришга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг сифатини ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилади.

26. Хабардор қилиш қоида тарихида қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- ахборот хати;
- типологик тадқиқот ҳисоботи;
- тахлилий маълумотнома;
- тақдимнома;
- тематик маъруза, семинарлар ва маърифий тадбирлар;

методик тавсиялар.

### **7-боб. Яқуний қоидалар**

27. Махсус ваколатли давлат органи легаллаштиришга қарши курашиш мақсадида ушбу Низомга мувофиқ унга тақдим этилган хабарлар бўйича шахслар ва операциялар ҳақидаги маълумотларнинг электрон ахборот базасини юритади.

28. Маълумотларни сақлаш тартиби ва муддатлари махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

29. Давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

30. Ушбу Низом доирасида олинган ва юборилган маълумотларни юриштиш, сақлаш ва фойдаланишда уларнинг махфийлигини таъминлаш талабларига қатъий риоя қилиниши шарт.

31. Маълумотларни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш жараёнида келиб чиқадиган низолар белгиланган тартибда суд томонидан ҳал этилади.

32. Мазкур Низомнинг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 29 июндаги 402-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга (кейинги ўринларда — легаллаштириш) қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек, халқаро сўровларни тайёрлаш, жўнатиш ва ижро этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

**операциялар** — легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жисмоний ёки юридик шахслар томонидан амалга оширилган пул маблағлари ёки бошқа мулк билан боғлиқ операциялар;

**предикат жиноят** — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган, содир этилиши натижасида ноқонуний даромад ортиришга қаратилган ҳар қандай жиноят;

**ўзаролик принципи** — халқаро муносабатларнинг умумэтироф этилган принципи бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро манфаатли, тенг асосда ҳамда ҳар бир томоннинг халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тўғрисидаги ёзма мажбуриятига асосланган ҳамкорлиги йўлга қўйилади;

**халқаро сўров** — Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари ёки хорижий давлатлар ваколатли органларининг легаллаштиришга ва предикат жиноятларга қарши курашиш соҳасида муайян ҳаракатларни амалга ошириш (маълумотлар, ҳужжатлар алмашинуви, процессуал ҳаракатларни бажариш ва ҳ.к.) тўғрисидаги сўрови;

**халқаро ҳамкорлик** — Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари билан халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар ваколатли органлари ўртасида легаллаштиришга ва предикат жиноятларга қарши курашиш соҳасида муайян ҳаракатларни амалга ошириш (маълумотлар, ҳужжатлар алмашинуви, процессуал ҳаракатларни бажариш ва ҳ.к.) масалалари юзасидан ҳамкорлик;

**хорижий давлат молиявий разведка бўлинмаси** — хорижий давлатнинг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ легаллаштиришга қарши курашиш борасида молиявий мониторингни амалга оширувчи ва бошқа чоратадбирларни кўрувчи ваколатли давлат органи.

3. Халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари ҳамда легаллаштиришга ва предикат жиноятларга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига (кейинги ўринларда — Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари) мувофиқ амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар билан халқаро шартномалари мавжуд бўлмаган тақдирда, халқаро ҳамкорлик ўзаролик принципи асосида амалга оширилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органи томонидан хорижий давлат ваколатли органига ўзаролик принципи асосида юбориладиган халқаро сўровларда келгусида хорижий давлат ваколатли органи томонидан юбориладиган сўровларнинг кўриб чиқилиши кафолатланиши лозим.

Хорижий давлатлар ваколатли органларининг ўзаролик принципи асосида юборган халқаро сўровлари, агар уларда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан келгусида юбориладиган сўровларнинг кўриб чиқилишини кафолатловчи талаблар бўлган тақдирдагина



Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан кўриб чиқилади.

5. Халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари ёки хорижий давлатлар ваколатли органларининг халқаро сўровларига ёки ўз ташаббусларига кўра амалга оширилади.

Халқаро ҳамкорлик ушбу Низомнинг 1-1а-иловаларидаги\* схемаларга мувофиқ амалга оширилади.

6. Қуйидагилар халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (махсус ваколатли давлат органи);

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Бош прокуратуранинг тергов бўлинмалари (кейинги ўринларда — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Марказий банки (кейинги ўринларда — назорат қилувчи органлар).

## **2-боб. Махсус ваколатли давлат органининг халқаро ҳамкорлиги**

7. Махсус ваколатли давлат органи хорижий давлатларнинг ваколатли органлари, молиявий разведка бўлинмалари ҳамда халқаро ташкилотлар билан қуйидаги йўналишларда халқаро ҳамкорликни амалга оширади:

махсус ваколатли давлат органида мавжуд ва олиниши мумкин бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни алмашиш;

ўз ташаббуси ёки халқаро сўровга асосан хорижий давлатлар молиявий разведка бўлинмаларига легаллаштириш амалга оширилишини тасдиқловчи етарли асослар (гумонлар) мавжуд бўлган тақдирда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органларидан олинган маълумотлар асосида маълумотларни юбориш;

легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ халқаро сўровлар асосида операцияларни тўхтатиб туришга кўрсатма бериш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда халқаро ташкилотлар-

---

\* 1-1а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг легаллаштиришга қарши курашиш масалаларига доир фаолиятида иштирок этиш;

легаллаштириш ҳолатларини аниқлаш ва улар бўйича молиявий тергов ўтказишда, шунингдек, ушбу жиноятларга алоқадор бўлган операцияларни, жисмоний ёки юридик шахсларни ҳамда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг бенефициар мулкдорларини аниқлашда кўмаклашиш.

Махсус ваколатли давлат органининг хорижий давлатларнинг молиявий разведка бўлинмалари билан халқаро ҳамкорлиги «Эгмонт» молиявий разведка бўлинмалари гуруҳининг устав ҳужжатларига мувофиқ ҳам амалга оширилади.

### **3-боб. Назорат қилувчи органларнинг халқаро ҳамкорлиги**

8. Назорат қилувчи органлар хорижий давлатларнинг тегишли назорат қилувчи органлари ҳамда халқаро ташкилотлар билан қуйидаги йўналишларда халқаро ҳамкорликни амалга оширадilar:

назорат қилувчи органларда мавжуд бўлган ёки ваколат доирасида олиш мумкин бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни алмашиш;

молиявий муассасалар ва нотижорат ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ҳамда тартибга солиш соҳасида ўзаро тажриба ва маълумотлар алмашиш, шунингдек, халқаро сўровга асосан молиявий муассасалар ва нотижорат ташкилотлар фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда текшириш;

қонунчиликда белгиланган тартибда халқаро ташкилотларнинг легаллаштиришга қарши курашиш масалаларга доир фаолиятида иштирок этиш.

Назорат қилувчи органлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўналишлар бўйича ҳам халқаро ҳамкорликни амалга оширишлари мумкин.

9. Назорат қилувчи органларнинг хорижий давлатларнинг назорат қилувчи органлари билан халқаро ҳамкорлиги қуйидаги маълумотларни алмашиш йўли билан амалга оширилади:

легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бажариш билан боғлиқ назорат (текширув) фаолияти соҳасидаги маълумотлар;

операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тўғрисида назорат қилувчи органларда мавжуд бўлган маълумотлар (фаолияти, бошқарув тузилмаси, бенефициар мулкдори ва х.к.);

легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ички назорат дастурлари ва жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар;

назорат (текширув) фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар;

мижозларни текшириш натижалари, банк ва бошқа ҳисобварақлари ёки амалий иш муносабатлари ва операциялари (битимлари) ҳақидаги маълумотлар.

#### **4-боб. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органларининг халқаро ҳамкорлиги**

10. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги йўналишларда халқаро ҳамкорликни амалга оширадилар:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органларида мавжуд бўлган ёки олиниши мумкин бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни алмашиш;

ўз ташаббуслари ёки халқаро сўровга асосан, хорижий давлатлар ваколатли органларига легаллаштириш ҳолатларининг содир этилишини тасдиқловчи етарли асослар (гумонлар) мавжуд бўлган тақдирда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органларидан олинган маълумотларни юбориш;

легаллаштириш ҳолатларини ҳамда предикат жиноятларни аниқлаш ва тергов қилишда, шунингдек, ушбу жиноятларга алоқадор жисмоний ёки юридик шахсларни ва бенефициар мулкдорларни аниқлашда кўмаклашиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда халқаро ташкилотларнинг легаллаштиришга қарши курашиш масалаларга доир фаолиятида иштирок этиш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари қонунчилик ҳужжатлари доирасида бошқа йўналишлар бўйича ҳам халқаро ҳамкорликни амалга оширадилар.

#### **5-боб. Халқаро ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари**

11. Қуйидаги йўналишлар бўйича халқаро ҳамкорлик:

хорижий давлат суди ҳукмининг, қарорининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган жиноят содир этиш натижасида олинган мол-мулкни мусодара қилишга оид қисмини тан олиш ва ижро этиш юзасидан — процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 майдаги ПҚ-3016-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — Мажбурий ижро бюроси) томонидан;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги маълумотларни алмашиш юзасидан — ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва (ёки) тергов органлари, махсус ваколатли давлат органи ҳамда назорат қилувчи давлат органлари томонидан амалга оширилади.

#### **6-боб. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик**

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси,

махсус ваколатли давлат органи ва Бош прокуратура Мажбурий ижро бюроси хорижий давлатлар ваколатли органлари билан тезкор-қидирув фаолияти, тергов, суд муҳокамаси ва суд ҳужжатларини ижро этиш доирасида ўзаро маълумотлар алмашиш борасида ҳамда ушбу Низомда белгиланган бошқа масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширадilar.

13. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари легаллаштириш ҳолатларини ва предикат жиноятларни ҳамкорликда тергов қилиш мақсадида хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари билан биргаликда тергов гуруҳларини тузишлари мумкин.

14. Маълумотларни тўплаш, тергов, суд муҳокамаси ва суд ҳужжатларини ижро этиш босқичида, шу жумладан, легаллаштириш ва предикат жиноятларга қарши курашиш борасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида амалга оширилади.

15. Прокурор ёки суд санкцияси талаб қилинадиган процессуал ҳаракатлар ва (ёки) тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақидаги топшириқлар ижроси бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

16. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари ўз ваколатлари доирасида хорижий давлатлар ваколатли органларидан жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни мусодара қилиш мақсадида уларни қидириб топиш ва хатлаш борасидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровларини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижро этидилар.

17. Хорижий давлатлар ваколатли органларидан келиб тушган хорижий давлат суди ҳукмининг, қарорининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган жиноят содир этиш натижасида олинган мол-мулкни мусодара қилишга оид қисмини тан олиш ва ижро этиш борасидаги сўровлари қонунчилик ҳужжатларига асосан ижро этилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси суди томонидан чиқарилган хорижий давлат суди ҳукмининг, қарорининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган жиноят содир этиш натижасида олинган мол-мулкни мусодара қилишга оид қисмини тан олиш ва ижро этиш ҳақидаги қарори асосида мусодара қилинган мол-мулкни қайтариш масаласини кўриб чиқади.

19. Хорижий давлатлар ваколатли органлари билан мусодара қилинадиган мол-мулкни қидириб топиш, хатлаш, мусодара қилиш ва қайтариш билан боғлиқ харажатларни қоплаш борасида бошқача тарзда келишилмаган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари бундай тадбирларни амалга ошириш учун кетган харажатларни қайтарилаётган мол-мулк ҳисобидан қоплашлари мумкин.

20. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга мувофиқ хорижий давлат ваколатли органлари билан мусодара қилинган мол-мулкни ёки ушбу мол-мулкни реа-

лизация қилишдан тушадиган маблағларни бўлиш борасида шартнома (битим) тузишлари ёки ҳар бир иш бўйича алоҳида келишишлари мумкин.

**7-боб. Жиноят содир этиш натижасида олинган ва  
Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб  
чиқилган мол-мулкни қайтариш масалалари бўйича  
халқаро ҳамкорлик**

21. Жиноят содир этиш натижасида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилган мол-мулкни қидириб топиш ва хатлаш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари томонидан қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида амалга оширилади.

22. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари белгиланган тартибда хорижий давлатлар ваколатли органлари билан хорижий алоқа операторлари орқали ёки активларни қайтариш бўйича боғловчи шахслар тармоқларидан фойдаланган ҳолда мусодара қилинадиган мол-мулкни қидириб топиш ва хатлаш масалалари бўйича маълумотлар алмашиш борасида ишларни амалга оширадilar.

Маълумотлар алмашиш маслаҳатлашувлар ўтказиш, ёзишмалар, телефон, факсимил, видео ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда музокаралар олиб бориш ёки шахсан учрашувлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

23. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари мол-мулкни қайтариш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш учун масъул бўлган шахсни тайинлайдилар.

24. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари мусодара қилинадиган мол-мулкни қидириб топиш ва хатлаш мақсадида махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширадilar.

Махсус ваколатли давлат органи мусодара қилинадиган мол-мулкни қидириб топиш масалалари бўйича ҳамкорлик учун масъул бўлган мансабдор шахсни тайинлайди.

25. Махсус ваколатли давлат органи хорижий давлатлар ваколатли органларига мусодара қилинадиган мол-мулкни қидириб топиш ҳақидаги халқаро сўровларни хорижий давлатлар ваколатли органлари билан келишилган ҳолда ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича белгиланадиган алоқанинг ҳимояланган электрон каналлари орқали ёхуд «Эгмонт» молиявий разведка бўлинмалари гуруҳининг алоқа каналлари орқали юборади.

Махсус ваколатли давлат органи хорижий давлат ваколатли органининг мусодара қилинадиган мол-мулкни қидириб топиш ҳақидаги сўровни қаноатлантириш тўғрисидаги жавобини олган тақдирда, бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органларини дарҳол хабардор қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари қаноатлантириш тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тар-

тибда тергов ҳаракатларини (мол-мулкни хатлаш ва бошқа ҳолатлар юзасидан) ўтказиш ҳақида халқаро сўровни тайёрлайди ва юборади.

26. Мол-мулкни қидириб топиш ва хатлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органлари ҳамда махсус ваколатли давлат органи ходимларидан иборат идоралараро ишчи гуруҳ тузилиши мумкин.

27. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан қайтарилиши лозим бўлган ҳамда қайтарилган мол-мулк ҳисобининг электрон базаси юритилади.

### **8-боб. Халқаро сўровларни тайёрлаш, юбориш, ижро этиш ва рўйхатга олиш тартиби**

28. Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органлари томонидан халқаро сўровлар, агарда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, хорижий давлат ваколатли органи билан келишилган тилда расмийлаштирилади.

29. Халқаро сўровда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

сўров юбораётган органнинг номи ва почта манзили;

сўров қабул қилаётган органнинг номи ва почта манзили;

сўров асоси ва предмети;

иш ҳолатининг ёки маълум бўлган маълумотларнинг қисқача ёхуд тўлиқ мазмуни, жиноят тавсифи;

заруратга кўра Ўзбекистон Республикасининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг матни;

аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар, шунингдек, сўралаётган ҳужжатлар рўйхати;

маълумотдан фойдаланиш мақсади;

махфийликка риоя этилиши ҳамда олинган маълумотлардан фойдаланиш бўйича чекловлар ҳақидаги маълумот;

заруратга кўра сўровнинг дарҳол ижро этилиши сабаблари;

зарурат бўлганда ва имкони борича:

жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, туғилган жойи, фуқаролиги, яшаш жойи манзили, турар жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг реквизитлари ҳақидаги маълумотлар;

юридик шахснинг тўлиқ номи, давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, почта манзили ва жойлашган жойи, мансабдор шахслари ҳақидаги маълумотлар;

сўров объекти бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк ҳақида маълумотлар (уларнинг жойлашган жойи, кимга тегишлилиги, жиноятга алоқаси ва х.к.).

Сўровда ишнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида, сўров юбораётган органнинг телефон, факс рақамлари, электрон почта манзили кўрсатилиши мумкин.

30. Мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги сўровда қуйидаги қўшимча маълумотлар кўрсатилиши лозим:

мол-мулкни хатлаш учун асос бўлувчи маълумотлар;  
хатланиши лозим бўлган мол-мулкнинг тури ва қиймати;  
мол-мулкни жиноятга алоқаси;  
жиноятнинг тавсифи;  
мол-мулкнинг хатлаш муддати.

31. Мол-мулкни мусодара қилиш ҳақидаги суднинг ҳукмини ижро этиш тўғрисидаги сўровда қуйидаги қўшимча маълумотлар кўрсатилиши лозим.

мол-мулкни мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарган суд тўғрисида маълумот;

мол-мулкни мусодара қилиш ҳақидаги суд ҳукмининг қайси қисми ижро этилиши лозимлиги ҳақида маълумот;

хорижий давлат ҳудудида бўлган мусодара қилинадиган мол-мулк тўғрисидаги маълумотлар (мол-мулк ўрнига бошқа нарса ёки пул маблағларининг мусодара қилинишини таъминлаш мақсадида мол-мулк эквивалентига тенг сумма);

мол-мулк мулкдори ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан, унинг туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, машғулоти тури, яшаш жойи ёки турган жойи ҳақидаги маълумотлар, унинг процессуал мақоми, юридик шахслар учун эса уларнинг номи, почта манзили ва жойлашган жойи;

мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк хорижий давлат ҳудудида жойлашганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулкнинг келиб чиқиши ноқонунийлигини, унинг хорижий давлатга, хорижий давлат фуқаросига ёки юридик шахсга тегишлилигини тасдиқловчи далиллар, шунингдек, мусодара қилиш учун асос сифатида зарарнинг мавжудлиги ёки мол-мулкни қайтариш зарурлигини тасдиқловчи бошқа далиллар;

содир этилган жиноятнинг аниқ тафсилоти, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси, шунингдек, мазкур жиноят туфайли етказилган зарарнинг миқдори ҳақида маълумот;

Ўзбекистон Республикасига қайтарилиши лозим бўлган мол-мулк тури ёки пул маблағининг ҳажми.

Сўровда хорижий давлат ваколатли органининг талабларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

32. Сўров Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва (ёки) қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ юборилади.

33. Хорижий давлат ваколатли органларидан келиб тушган халқаро сўровлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи уларни ижро этиш ва ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш тартибини (устуворлигини, ижро муддатини ва ҳ.к.) белгилайди.

34. Бир нечта хорижий давлатлар ваколатли органи томонидан юборилган сўровларни ижро этиш жараёнида уларда кўрсатилган масалалар битта ҳолат юзасидан бўлса, Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи биринчи навбатда ижро этилиши лозим бўлган сўровни муста-

қил белгилайди. Бунда, заруратга кўра хорижий давлат ваколатли органи билан дастлабки маслаҳатлашув ўтказилиши мумкин.

35. Келиб тушган сўровни ижро этиш учун маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи тақдим этиш муддатини белгилаган ҳолда қўшимча маълумотларни сўраб олиши мумкин.

36. Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи сўровни ижро этиш бўйича кўрилган чоралар ва уларнинг натижалари тўғрисида, шунингдек, сўровнинг (унинг қисмининг) сабабларини кўрсатган ҳолда ижро этиш шартлари, уни ижро этишни рад этиш ёки кечиктириш ҳақида сўровни юборган хорижий давлат ваколатли органини хабардор қилади.

37. Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органлари сўровни қўйидаги асосларга кўра ижро этишни рад этишлари мумкин:

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилик ҳужжатларига зид бўлса;

Ўзбекистон Республикаси суверенитети ёки хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса;

сўровда кўрсатилган ҳолатлар легаллаштириш ва предикат жиноятларга алоқадор бўлмаса;

тергов ва суд ишларини юритиш жараёнларига таъсир кўрсатса;

Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органлари ваколатига тааллуқли бўлмаса;

тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш ёзма равишда кафолатланмаса.

Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи сўровни ижро этишни рад этиш ҳақида асосларини кўрсатган ҳолда хорижий давлат ваколатли органини хабардор қилади.

38. Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органлари:

хорижий давлат ваколатли органи билан келишилган ҳолда сўров ижросини кечиктириши ёки қисман ижро этиши мумкин;

тижорат, банк, солиқ ёки бошқа молиявий сирларни важ қилган ҳолда маълумотларни тақдим этишни ёки сўровни ижро этишни рад қилишга ҳақли эмас, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи хорижий давлат ваколатли органининг ҳуқуқий мақомини важ қилган ҳолда сўровни ижро этишни рад қилишга ҳақли эмас;

сўровнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида сўралаётган маълумотларни тақдим этиш учун барча имкониятларини ишга солиши шарт;

сўров бўйича олинган маълумотдан фойдаланиш тартиби ва натижаси ҳақида хорижий давлат ваколатли органини хабардор қилиши лозим;

белгиланган тартибда сўровлар ва ундаги мавжуд ахборотларнинг, шунингдек, тақдим этилаётган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши шарт;



агар маълумотларнинг махфийлигини таъминлашнинг имкони бўлмаса, бу ҳақида сўров юборган хорижий давлат ваколатли органини дарҳол хабардор қилиши лозим.

39. Хорижий давлатлар ваколатли органларига маълумотларни юборишда олдиндан берилган розиликсиз ёки сўровда кўрсатилмаган мақсадларда фойдаланиш шартлари кўрсатилади, Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи томонидан бундай маълумотларни ошкор этиш ёки тақдим этиш ҳақида олдиндан рухсат берилган ёхуд юридик мажбурият бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

40. Халқаро ҳамкорлик доирасида олинган маълумотлардан фақатгина сўровда ёки шундай сўровга берилган жавобда кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади.

Бундай маълумотларни давлат органлари ёки учинчи шахсларга тақдим этиш ёхуд ундан маъмурий ва жиноий ишни юритиш мақсадларида фойдаланиш фақатгина хорижий давлат ваколатли органининг рухсати билан амалга оширилади.

41. Сўровлар Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органи ҳамда хорижий давлат ваколатли органи томонидан белгиланадиган ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида кўрсатилган ҳимояланган электрон алоқа каналлари орқали қабул қилинади ва юборилади.

### **9-боб. Яқуний қоидалар**

42. Юборилган ва олинган сўровлар ҳамда уларга берилган жавобларнинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органлари томонидан юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари ўз ваколатлари доирасида хорижий давлатлар ваколатли органлари томонидан сўровларга берилган жавобларнинг сифатини мониторинг қилиб борадилар.

Махсус ваколатли давлат органининг сўровига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органлари халқаро ҳамкорлик ҳақидаги маълумотларни тақдим этадилар.

43. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вази­рлар Маҳкамасининг  
2021 йил 29 июндаги 402-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Пул маб­лағ­ла­ри ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ  
опе­ра­ция­лар­ни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан  
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга,  
тер­ро­ризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини  
тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги  
қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг  
ва назоратни ташкил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом опе­ра­ция­лар­ни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан легаллаштиришга (кейинги ўринларда — легаллаштириш) қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни ташкил этиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг текширув ўтказишга доир талаблари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ушбу соҳада ўтказиладиган текширувларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Низомнинг Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими ҳамда «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» билан ишлашга доир талаблари тадбиркорлик субъекти бўлмаган ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**махсус ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

**мониторинг** — ташкилотлар томонидан легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари ижроси юзасидан ҳисобот ва ахборотларни масофадан таҳлил қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

**мониторинг ва назоратни амалга оширувчи ваколатли органлар** (кейинги ўринларда — ваколатли органлар) — тегишли ташкилотлар учун легаллаштиришга қарши курашиш борасида ички назорат қоидаларини ишлаб чиқувчи ва тасдиқловчи органлар ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ назорат қилиш ваколати берилган бошқа органлар ва ташкилотлар;

**назорат** — легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари ижроси ҳолатини ташкилотга чиққан ҳолда ўрганишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

**опе­ра­ция­лар** — легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жисмоний ёки юридик шахслар томонидан

амалга оширилган пул маблағлари ёки бошқа мулк билан боғлиқ операциялар;

**ташкilotлар** — Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида назарда тутилган ташкilotлар.

3. Легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Мониторинг ва назорат ташкilotнинг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Мониторинг ва назорат қонунийлик, адолатлилик, холислик, ошкоралик, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш принциплари асосида амалга оширилади.

5. Мониторинг ва назоратни амалга оширишнинг асосий мақсади ташкilotлар томонидан легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Қуйидагилар мониторинг ва назоратнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ташкilotларнинг жиноий фаолиятга қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жалб этилишига йўл қўймаслик;

ташкilotларнинг легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш бўйича масъулиятини ошириш, шунингдек, ушбу соҳада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш;

легаллаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузишни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

легаллаштиришга қарши курашиш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш.

6. Мониторинг ва назоратни амалга ошириш ушбу Низомнинг 1-1а-иловаларидаги\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Мониторингни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

7. Мониторинг легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида ташкilotлар тақдим этган ҳисоботлар, статистик ва бошқа маълумотларни ваколатли органлар томонидан таҳлил қилиш ва ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳисобот шакллари ваколатли органлар томонидан ишлаб чиқилади ва махсус ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

8. Мониторингни амалга оширишда ташкilotларга ташриф буюриш, шунингдек, легаллаштиришга қарши курашиш соҳасига тааллуқли бўлмаган маълумотларни талаб қилиб олиш ман этилади.

9. Мониторинг давомида легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги

---

\* 1-1а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қонунчиликни бузиш аломатлари аниқланган тақдирда, ваколатли органлар томонидан уларни бартараф этиш чоралари кўрилади ёки мониторинг натижаларига кўра текширув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

### **3-боб. Назоратни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

10. Назорат ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ваколатли органлар томонидан мустақил ёки махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда ташкилотлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилишини ўрганиш мақсадида текширув шаклида амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси асосида тегишли ваколатли органлари томонидан унинг назорати остидаги ташкилотларда текширув ўтказилиши мумкин.

11. Текширув Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда ўтказилади, тадбиркорлик субъекти бўлмаган ташкилотлар бундан мустасно.

12. Текширув давомида легаллаштиришга қарши курашиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари доирасига кирмайдиган масалаларни ўрганиш тақиқланади.

13. Текширув ваколатли органлар томонидан мустақил ёки ҳамкорликда чиқарилган текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруққа (фармойишга) (кейинги ўринларда — буйруқ (фармойиш) асосан ўтказилади.

Текширувни ўтказиш учун ваколатли органларнинг икки ёки ундан ортиқ ходимлари жалб этилган тақдирда, буйруқ ёки фармойишда улардан бири текширувда вазифаларни тақсимлаш бўйича гуруҳ раҳбари этиб белгиланади.

14. Ҳамкорликда ўтказиладиган текширувлар текширув бошланишидан камида беш кун олдин ўзаро хабардор қилган ҳолда ўтказилади.

15. Буйруқ (фармойиш)да қуйидагилар кўрсатилади:

текширув ўтказадиган ваколатли орган(лар) номи;

буйруқ (фармойиш) рақами ва санаси;

текширув ўтказишга ваколатли бўлган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

текширув ўтказиладиган ташкилотнинг номи, почта манзили ва фаолият кўрсатиш жойи;

текширув жараёнида ўрганиладиган масалалар доираси ҳамда текширилаётган фаолият даври;

текширувни бошлаш ва тугаш муддати.

Текширувни бошлашдан олдин текширув дастури тузилиши ва унда ўрганиладиган масалалар акс эттирилиши лозим.

16. Текширув дастурига қуйидагилар киритилади:

масъул шахсларни тайинлаш тартибига риоя этилиши;

масъул шахсни ўқитиш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш аҳволи;

ташкilot фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда ички назоратни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилганлиги ва уларга риоя этилиши;

ички назоратни ва мижозларни текшириш чораларини жорий этиш;

легаллаштириш билан боғлиқ таваккалчиликни аниқлаш, баҳолаш ва ҳужжатлар билан қайд этиш, шунингдек, ушбу таваккалчилик ҳақида раҳбариятни ўз вақтида хабардор қилиш ва уларни камайитириш бўйича чоралар кўриш ҳолати;

масъул шахсларнинг зиммасига ички назорат қоидалари ва лавозим йўриқномаси билан юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши;

мижозларни, шу жумладан, бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича ўз вақтида ва тўлиқ чоралар кўрилганлиги;

масъул шахслар томонидан мижозларни текшириш, мижоз ёки операцияларнинг таваккалчилик даражасини аниқлаш, таваккалчиликларни қайд этиш ҳамда назорат қилишнинг кенгайтирилган чораларини қўллашнинг тартиб ва талабларига риоя этилиши;

операция иштирокчилари ўртасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига (кейинги ўринларда — Рўйхат) киритилган шахсларни аниқлаш бўйича ишлар ҳолати;

Рўйхатга киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш тартиб ва талабларига риоя этилиши;

махсус ваколатли давлат органи томонидан операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан юборилган кўрсатмаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши;

легаллаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ишларда махфийлик талабларига риоя этилиши;

операциялар ҳақидаги ахборотларни, идентификациялаш маълумотларини, мижозларни текшириш материалларини, шунингдек, легаллаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бошқа маълумотларни сақлаш тартибларига риоя этилиши;

шубҳали операциялар ҳақида хабарларни тайёрлаш талабларига ҳамда уларни махсус ваколатли давлат органига юбориш муддати ва тартибига риоя этилиши;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан боғлиқ шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар), шу жумладан, ушбу операцияларнинг барча ҳолатлари ва контрагентлари тўғрисидаги маълумотлар базасининг шакллантирилиши;

махсус ваколатли давлат органининг қўшимча маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги сўровларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши;

легаллаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи ташкилотлар, шу жумладан, ушбу соҳадаги хорижий давлат ваколатли органлари, халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш аҳволи;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалалар.

17. Текширувни ўтказиш вақтида текширувга алоқадор бўлмаган шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади, ваколатли органлар томонидан жалб этилган мутахассислар бундан мустасно.

18. Ташкилотнинг мансабдор шахси буйруқ (фармойиш)ни қабул қилишдан бош тортиши текширувни ўтказишга тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолатларда далолатнома тузилиб, текширув ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

Текширувни ўтказиш муддати ўттиз кундан ошмаслиги лозим.

19. Текширув далолатномасига «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда — электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки китоб тақдим этилмаганда — унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида тегишли ёзув киритилади.

Текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахс «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдиришдан бош тортган тақдирда, ташкилот мансабдор шахси текширув ўтказилишига йўл қўймасликка ҳақли.

20. Буйруқ (фармойиш)да кўрсатилган сана ушбу текширувни ўтказиш муддатининг бошланиши деб ҳисобланади.

21. Ваколатли органлар барча ўтказилган текширув натижалари ҳақида махсус ваколатли давлат органини текширув тугаган кундан сўнг уч иш куни ичида хабардор қилиши лозим.

#### **4-боб. Текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахслар ҳамда ташкилот мансабдор шахсининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

22. Текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ташкилотдан текширув предметига тааллуқли маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш, уларни ўрганиш ҳамда нусха олиш;

ташкилотнинг мансабдор шахсидан текширув предметига тааллуқли масалалар бўйича ёзма тушунтириш беришни ҳамда аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилиш;

ташкилот раҳбарияти олдида айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини қўйиш;

аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўриш.

Текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахсларнинг қонуний талаблари текширилаётган ташкилот мансабдор шахслари учун мажбурий ҳисобланади.

23. Текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахслар қуйидаги мажбуриятларга эга:

текширув бошлангунга қадар ташкилот мансабдор шахсини буйруқ (фармойиш) билан таништириш ва унинг нусхасини имзо қўйдирган ҳолда тақдим этиш;

ташкилот мансабдор шахсини текширув мақсади билан таништириш, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномасини кўрсатиш;

текширилаётган ташкилотда «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» мавжуд бўлган ҳолларда, унинг электрон ёки қоғоз шаклини тўлдириш;

текширувни ўтказиш вақтида ташкилот мансабдор шахсига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан, текширув вақтида мутахассисларни жалб қилишга ҳақли эканлигини тушунтириш;

ўзига маълум бўлган тижорат, банк сири ёки бошқа сирни ташкилот аъзоси маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

ўтказилган текширув натижалари билан ташкилот мансабдор шахсини таништириш;

текширув натижалари текширув тамомлангандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилишини таъминлаш;

ўз ваколатлари ва буйруқ (фармойиш)да белгиланган текширув мақсадлари доирасидан чиқмаслик.

Текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахслар зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

24. Ташкилот мансабдор шахси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

буйруқ (фармойиш) нусхасини олиш, текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахснинг хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномаси билан танишиш;

текширув жараёнида вакил орқали ёки шахсан иштирок этиш;

текширувни ўтказиш учун қонуний асосларга эга бўлмаган шахсларга текширувни ўтказишга йўл қўймаслик;

текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахсдан «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг электрон ёки қоғоз шаклини тўлдиришни талаб қилиш, тўлдиришдан бош тортган тақдирда эса — ўзининг ҳудуди ва биноларига киришига йўл қўймаслик;

текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахснинг ваколатига кирмайдиган ёки текширув предметига алоқадор бўлмаган масалалар бўйича талабларни бажармаслик;

текширув материалларини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш, улар билан танишиш ва нусха олиш;

текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш.

Ташкилот мансабдор шахси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Ташкилот мансабдор шахси қўйидаги мажбуриятларга эга:  
текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахсга текширув билан боғлиқ ҳужжатлар, шунингдек, электрон манбаларда сақланадиган тегишли ахборот билан танишиш имкониятини таъминлаш;

текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахснинг текширув билан боғлиқ қонуний талабларини бажариш ҳамда унинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслик;

текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахсга ўз вазифаларини бажаришда қўмаклашиш ва текширув предметига алоқадор масалалар бўйича ёзма тушунтиришлар бериш.

Ташкилот мансабдор шахси зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

### **5-боб. Текширув натижаларини расмийлаштириш**

26. Текширув натижалари бўйича текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахс томонидан текширув далолатномаси тузилади.

Текширув далолатномаси икки нусхада, ҳамкорликда ўтказилган текширувлар бўйича эса уч нусхада тузилади ҳамда текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахслар ва ташкилот мансабдор шахси томонидан имзоланади.

27. Текширув далолатномасида қўйидагилар қайд этилиши лозим:  
текширувни ўтказган ваколатли орган(лар) номи;  
далолатнома тузилган жой ва сана;  
буйруқ (фармойиш) рақами ва санаси;  
текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;  
текширилган ташкилотнинг номи, почта манзили ва фаолият кўрсатиш жойи;

текширув ўтказилган жой ва сана, текширилган фаолият даври;  
текширув натижалари, шу жумладан, аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари, уларнинг хусусиятлари ҳамда қонун бузилишида жавобгар бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар;

ташкилотнинг мансабдор шахси далолатнома билан танишганлиги (имзолаганлиги), текширув натижалари бўйича берилган шикоят ва эътирозлар ҳамда танишишдан ёки имзолашдан бош тортганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

«Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда — электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки китоб тақдим этилмаганда — унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахснинг имзоси.

28. Текширув далолатномасининг бир нусхаси текширув ўтказилган ташкилот мансабдор шахсига тилхат орқали топширилади ҳамда текширув натижалари ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади.



29. Текширув далолатномаси ташкилот мансабдор шахсига топширилган кун текширув якунланган кун деб ҳисобланади.

30. Текширувни ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари, текширув давомида расмийлаштирилган ҳужжатлар, мутахассислар хулосалари, текширув давомида олинган материаллар, шунингдек, текширув доирасидаги ҳаракатларнинг бажарилишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар текширув далолатномасига илова қилинади.

31. Текширув натижаси бўйича аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва қонуний чора кўриш текширувни ўтказган ваколатли орган, ҳамкорликдаги текширув бўйича эса, текширув ташаббускори томонидан амалга оширилади.

Бунда, текширувни ўтказишга ваколатли бўлган шахс аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича фақат ўз ваколати доирасида уларни бартараф этишга йўналтирилган чораларни кўриши мумкин.

32. Текширув давомида аниқланган легаллаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши фактлари бўйича иш юритиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **6-боб. Яқуний қоидалар**

33. Ваколатли органлар ушбу Низомга мувофиқ ўтказилган текширувлар ҳамда кўрилган чоралар ҳисобини юритишлари лозим.

34. Ваколатли органлар ўтказилган мониторинг ва назорат натижалари ҳақидаги маълумотларни электрон шаклда мазкур Низомга 2-иловада\* кўрсатилган жадвал асосида махсус ваколатли давлат органига тақдим этадилар.

35. Ушбу Низомнинг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 29 июндаги 402-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхатининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти» бўлимида «Департамент бошлиғининг ёрдамчиси» сўзларидан кейин «Бошқарма бошлиғининг ўринбосари» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарори би-

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 26-модда):

а) 7-банд қўйидаги мазмундаги йигирма биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ўз ваколатлари доирасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш»;

йигирма биринчи хатбоши йигирма иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 8-банд қўйидаги мазмундаги йигирма еттинчи — ўттиз биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«ДБК жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш соҳасида:

божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқадорлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган нақд пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ушлаб туради ҳамда олиб қўяди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

белгиланган тартибда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этади;

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди»;

йигирма еттинчи хатбоши ўттиз иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда) 1-илованинг «Кафолатлар мазмуни» устуни 7-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўйидагилар белгилансин:

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади;

назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва нazorат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўладилар».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Лотереялар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 62-модда) 4-банди тўртинчи хатбошисидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 12-банди ўн учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 15 январдаги 24-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 1-сон, 4-модда) 6-бандидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 июндаги 123-сон қарорининг номидаги, 1-банди учинчи хатбошисидаги ва 2-илоvasи номидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 8<sup>1</sup>-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи-тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги 166-сон қарори билан тасдиқланган Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандида:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

53-банди 4-кичик банди биринчи хатбошисидаги ва учинчи хатбошисидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга» ва «Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 10 декабрдаги 309-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 50-51-сон, 537-модда) 2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари пиротехника воситаларини ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш, айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишгача қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар».

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қаро­рига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-иловасида:

а) қўйидаги мазмундаги 8<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

«

8 <sup>1</sup> .	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти	Бюджет маблағларини олувчи давлат органлари ва ташкилотларида Департамент томонидан ўтказилган тафтишлар ва текширувлар натижалари бўйича аниқланган ҳамда бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари даромадига ундирилган бюджет маблағларнинг ноқонуний харажатлари, ўғирликлар, талон-ғорожликлар, камомадлар суммаси	10
------------------	---	---	----

»;

б) «\*\*» изоҳ қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бюджетдан ташқари жамғармасига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти орган-

лари томонидан олиб қўйилган товарлар ва бойликларни сотишдан тушган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган сумманинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг махсус ҳисоб рақамига тушган 10 фоизи йўналтирилади.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2012 йил 1 февралдаги 25-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 48-модда) 2-бандидаги «Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битимни амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар ҳақида» 2013 йил 23 январдаги 16-сон қарорида:

а) 1-банддаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан биргаликда Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласинлар»;

в) 3-банддаги ва 4-банднинг биринчи хатбошисидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозларни муомалага кириштириш квоталари ва тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 20 августдаги 239-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 8-сон, 90-модда) иловасининг 19-банди тўртинчи хатбошисидаги «жиноий фаолиятдан ва терроризмни молиялаштиришдан олинган даромадлар легаллаштирилишига қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик» сўзлари «жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 25-сон, 553-модда) билан тасдиқланган Террорчилик ҳаракати оқибатида зарар кўрган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди биринчи хатбошисидаги «Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари (академиклари)ни танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш тартиби ҳақида низомнинг 13-банди ўн иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 ноябрдаги 926-сон қарори билан тасдиқланган Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган, давлат даромадига ўтказилган ва берилган бойликларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги томонидан «Фонон» давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонасига сотиш тартиби тўғрисида низомнинг 2-банди олтинчи хатбошисидаги «Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга» сўзлари «Иқтисодий жиноятларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 январдаги 33-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2018 й., 3-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Товар-хом ашё биржаларида ҳисоб-китоб-клиринг операцияларини ўтказиш қоидаларининг 25-банди саккизинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» сўзлари «терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 334-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий дорихона фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Ижтимоий дорихонада дори воситалари ва тиббий буюмларнинг нархларини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади».

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 21-бандида:

а) «а» кичик банди олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига — аҳоли пунктларидан ташқарида жойлашган ер участкалари бўйича, — бўлажак қурилиш участкасининг ер қаърида фойдали қазилмалар йўқлиги ҳамда тоғ ва тоғолди ҳудудларида хавфли геологик жараёнлар (кўчкилар, кўчишлар, чўкишлар, суффозиялар ва карстлар) хавфининг йўқлиги ҳақида»;

б) қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказига — хавфли гидрометеорологик ҳодисалар (қор кўчкилари, сел ва сув тошқинлари хавфи мавжуд) ҳудудларига тушмаганлиги ҳақида»;

еттинчи — ўнинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисидаги низомда:

а) 10-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш»;

б) 11-бандда:

«в» кичик банддан еттинчи — тўққизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги «е» кичик банди билан тўлдирилсин:

«е) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш соҳасида:

махсус ваколатли давлат органи билан бирга товар-хом ашё биржалари учун ички назорат қоидаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади;

товар-хом ашё биржалари фаолиятида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни баҳолайди, таҳлил қилади ва ўрғанади ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир чоралар кўради;

белгиланган тартибда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этади;

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда иштирок этади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар қўллаиди;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаш-

тиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади»;

в) 13-бандда:

ўттизинчи — ўттиз иккинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўттиз учинчи — қирқ иккинчи хатбошилар тегишинча ўттизинчи — ўттиз тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тўғрисидаги низомда:

а) 9-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш»;

б) 10-бандда:

саксонинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саксон биринчи хатбоши саксонинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қўйидаги мазмундаги саксонинчи — саксон олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш соҳасида:

махсус ваколатли давлат органи билан бирга риэлторлик ташкилотлари учун ички назорат қоидаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек уларга риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади;

риэлторлик ташкилотлари фаолиятида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни баҳолайди, таҳлил қилади ва ўрганади ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир чоралар қўради;

белгиланган тартибда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этади;

Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евросиё гуруҳи тўғрисидаги Битимдан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди;

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар қўллайди;

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаш-



тиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади»;

саксонинчи хатбоши саксон еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги 616-сон қарори билан тасдиқланган «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш регламентининг 14-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 54-банди қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Агар камерал солиқ текшируви Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан берилган маълумотлар асосида ўтказилган бўлса, камерал солиқ текшируви натижасида кўп ва жуда кўп миқдорда солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари бўйича ундирилган солиқлар, пеня ва молиявий жарималар суммаларининг 20 фоизи Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳамда 20 фоизи Департаментнинг махсус бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

Бунда, содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ва ундирилган маблағларни тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан келишган ҳолда тасдиқланади».

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 29 июндаги 402-сон қарорига  
5-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги 223-сон қарори билан тасдиқланган Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюро тўғрисида намунавий низомнинг 11<sup>2</sup>-банди «б» ва «г» кичик бандлари.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 291-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2005 йил 6 ноябрдаги 243-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2006 йил 6 июлдаги 130-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 48-модда) илованинг 4-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тўғрисида» 2009 йил 12 октябрдаги 272-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 367-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-банди «в» кичик банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2013 йил 31 майдаги 152-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 5-сон, 34-модда) илованинг 8-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 291-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2013 йил 5 декабрдаги 318-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2016 йил 25 апрелдаги 122-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 4-сон, 28-модда) 1-илованинг 38-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2017 йил 9 июндаги 365-сон қарорига илованинг 1-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 ноябрдаги 914-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш бўйича тавсияномалар бериш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди «г», «д» ва «е» кичик бандлари.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 26 мартдаги 238-сон қарори.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 13 октябрдаги 823-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошиси, шунингдек унга 1-илова.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига илованинг 46-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**395 «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ҳудудидан товарлар ва шахсларни ўтказиш тартиби тўғрисида\***

Товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажмини янада кўпайтириш, хорижий харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хорижий инвестициялар учун жозибadorликни ошириш, минтақавий савдони рағбатлантириш, шунингдек, ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6109-сон Фармонига мувофиқ «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси (кейинги ўринларда — Марказ) ҳудудида чакана савдо операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган «эркин божхона зонаси» божхона режими амал қилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Марказ ҳудудидан ҳар қандай товарлар олиб ўтилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш ёки ундан олиб чиқиш тақиқланган ёки чеклаб қўйилган товарлар бундан мустасно;

товарлар Марказ ҳудудига божхона тўловлари тўланмасдан ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан олиб кирилади;

Марказ ҳудудида шахслар, транспорт воситалари ва юклар эркин ҳаракатланади;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан Марказ ҳудудига товарлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ олиб кирилади ёки олиб чиқилади;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан Марказ ҳудудига нақд пул Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ олиб кирилади ёки олиб чиқилади.

3. Марказнинг Маъмурий кенгаши:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, Марказ ҳудудида унинг периметри бўйлаб махсус тўсиқлар ўрнатишни, назорат қилиш тизими ва ёритиш мосламалари билан жиҳозлашни кўзда тутувчи бош режа лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва унинг белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда Марказга кириб келаётган ва чиқиб ке-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 июлда эълон қилинган.

таётган жисмоний шахслар ва транспорт воситаларини текшириш ва рўйхатга олишни таъминлаш мақсадида икки ой муддатда чегара, божхона, ветеринария, санитария, карантин, транспорт назорати бўйича назорат-ўтказиш пунктларини ташкил этсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари билан биргаликда Марказ ҳудудида омборхона ва харид қилиш жойлари, транспорт ва логистика марказлари, ишлов бериш тармоқлари, кўргазма марказлари ва «шоу-румлар», бож олинмайдиган савдо дўконлари, транзит марказлари, банк бўлинмалари, меҳмонхоналар, савдо ва кўнгилочар марказлар, тиббий даволаш профилактика ва диагностика муассасалари, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш марказлари барпо этиш, мобил алоқа ва бошқа зарур хизматларни ташкил этиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Марказ ҳудудига олиб кириладиган ҳамда улгуржи ва чакана тартибда сотиладиган товарлар ҳисобини юритиш бўйича замонавий ахборот тизимларини жорий этсин.

4. Қўйидагиларни назарда тутувчи «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ҳудудига шахслар ва транспорт воситаларининг кириши, ҳудудда бўлиши ҳамда ҳудуддан чиқиб кетиши, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш ҳамда ушбу ҳудудда божхона расмийлаштирувини амалга ошириш ва маҳсулотларни реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Афғонистон Ислом Республикаси фуқаролари ва ушбу давлат ҳудудидан кирувчи бошқа давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш визасини расмийлаштирмасдан Марказ ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва ундан чиқиш муддатлари ва тартиби;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон ҳудудида бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон томонидан Марказ ҳудудига кириш ёки чиқиш тартиби, шу жумладан, мазкур жараёнда давлат чегара назоратини амалга ошириш тартиби;

Марказ ҳудудидан Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудига чет эл товарларини («реэкспорт» божхона режимида) ҳамда Ўзбекистон товарларини («экспорт» божхона режимида) олиб чиқиш тартиби;

Марказ ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали учинчи давлат ҳудудига товарларни олиб ўтиш қоидалари.

5. «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар дастури 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

С.У. Умурзаков, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 июль,  
409-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 1 июлдаги 409-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси  
худудига шахслар ва транспорт воситаларининг кириши,  
худудда бўлиши ҳамда худуддан чиқиб кетиши, товарларни  
олиб кириш ва олиб чиқиш ҳамда ушбу худудда божхона  
расмийлаштирувини амалга ошириш ва маҳсулотларни  
реализация қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси (кейинги ўринларида — Марказ) худудига шахслар ва автотранспорт воситаларининг кириши, худудда бўлиши ҳамда худуддан чиқиб кетиши, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш, шунингдек, ушбу худудда божхона расмийлаштирувини амалга ошириш ва маҳсулотларни реализация қилиш тартибини белгилайди.

2. Марказ худуди алохида ажратилган 26 гектар ер майдонни ва «Termez Cargo Centre» МЧЖ худудини ўз ичига қамраб олиб, коридор орқали туташади.

3. Марказ худуди божхона худудидан ташқарида жойлашган ҳисобланади. Марказ худудига божхона назорати зоналари божхона органлари томонидан белгиланади.

Марказ чегаралари Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси ҳисобланади.

4. Марказ худуди орқали ўтадиган барча шахслар, транспорт воситалари ва товарлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат тартиб-таомилларидан ўтказилади.

5. Назорат тартиб-таомилларини амалга оширишда қурол-яроғ, техника, назорат-техника воситалари, муҳандислик иншоотлари, хизмат итлари,

шунингдек, инсон ҳаёти ва саломатлиги, ҳайвонлар, ўсимликлар учун хавфсиз ҳамда товарлар ва транспорт воситаларига зарар етказмайдиган дезинфекция воситаларидан фойдаланиш мумкин.

6. Марказ ҳудудига олиб кириладиган, ундан олиб чиқиладиган товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати ҳамда расмийлаштируви божхона назорати зоналарида амалга оширилади.

7. «Ягона дарча» ва интерактив механизмлар асосида божхона, солиқ, сертификация, фитосанитария, ветеринария, транспорт, банк ва валюта айирбошлаш, мобиль алоқа ҳамда мижозлар учун тиббиёт ва меҳмонхона, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва бошқа хизматлар йўлга қўйилади.

8. Юк автотранспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви жараёнлари ҳар бир автотранспорт воситасининг кириш ва чиқиш вақтини автоматлаштирилган қайд этиш тизими ҳамда навбатларни бошқариш электрон тизими орқали амалга оширилади.

9. Назорат ўтказиш жойи орқали ўтувчи шахслар давлат назорати органи ходимларининг талабига биноан зарур ҳужжатлар, багаж, қўл юки, валюта қимматликларини назорат ва текширувдан ўтказиш учун тақдим этади, назорат ва текширувни ўтказишга қўмаклашади.

10. Транспорт воситалари ва товарлар техника хавфсизлигига риоя этилган ҳолда, ташувчи вакили ёки товарга ваколатли шахс ёхуд транспорт воситаси ҳайдовчиси иштирокида божхона назоратидан ўтказилади ҳамда улар божхона органининг талабига кўра кўздан кечириш қийин бўлган барча жойларни кўрсатиши шарт.

11. Идентификация воситалари (пломбалар, муҳрлар ва бошқалар) бузилганлиги ва (ёки) уларга шикаст етганлиги ёки назорат ўтказиш жойидан ўтувчи шахс контрабанда предметларини ёхуд ноқонуний олиб кетиладиган товарларни яширган бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи белгилар аниқланганда, божхона органи бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахсининг қарори асосида, шунингдек, назорат чораси хавфни бошқариш тизимида мавжуд бўлса, ушбу шахс, товар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назорати шакллари қўлланиши мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўздавқарантин» инспекцияси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат назорат органлари) томонидан назорат тартиб-таомилларини амалга ошириш чоғида ҳуқуқбузарликлар аниқланганда, ҳуқуқбузарлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига дахлдор бошқа шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар қўрилади.

13. Марказ орқали ҳаракатланаётган шахслар, автотранспорт воситалари ва товарлар бўйича назоратни ўрнатиш мақсадида чегара ва божхона органлари онлайн равишда ўзаро электрон ахборот билан алмашади.

Давлат назорат органларининг ахборот алмашинуви электрон тизимлар орқали амалга оширилади.

14. Марказ ҳудудига товарлар Марказ иштирокчилари томонидан «эркин божхона зонаси» божхона режимига расмийлаштириш орқали жойлаштирилади.

Марказ нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун фойдаланиладиган Ўзбекистон товарлари (ортиш-тушириш техникаси, совитиш ускунаси, компьютер техникаси, махсус кийим-бош) божхона режими остида жойлаштирилмайди.

Бунда ушбу товарлар Марказ дирекцияси кафиллиги остида дирекция томонидан такдим этиладиган рўйхат асосида олиб кирилади ва ушбу товарларнинг ҳисоби алоҳида юритилади.

15. Марказ ҳудудида божхона юк декларациялари асосида олиб ўтиладиган товарлар назорати ва ҳисоби божхона органлари томонидан, чакана тартибда сотиладиган товарлар назорати ва ҳисоби солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

16. Марказ иштирокчиси томонидан Марказга келиб тушаётган ва ундан олиб чиқиётган ҳар бир товарга идентификация коди бириктирилади, шунингдек, ушбу товарлар бўйича солиқ ва божхона органларининг ўзаро интеграциялашган ахборот тизимида ушбу товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши ҳамда реализация қилиниши тўғрисида белги қўйган ҳолда автоматлаштирилган ҳисоби юритилади.

17. Марказ ҳудудига «эркин божхона зонаси» божхона режимида олиб кириладиган ва чакана тартибда сотиладиган товарлар ҳисобини юритиш, назорат қилиш ва божхона юк декларацияларини назоратдан ечиш (ҳисобдан чиқариш) савдо нуқталарида ўрнатилган давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналарининг идентификацияловчи QR-кодли чеклари асосида, солиқ ва божхона органлари ҳамда Марказ дирекциясининг ўзаро интеграциялашган ахборот дастури орқали амалга оширилади.

Бунда назорат-касса машинасининг товар сотилганлигини тасдиқлайдиган чекидаги QR-кодда (матрик штрих) қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

касса чеки рақами;

назорат-касса машинаси рақами;

харид қилинган сана ва вақт;

товарнинг номи;

товарнинг нархи ва миқдори;

сотувчи томонидан олинган миллий ва (ёки) чет эл валютаси суммаси;

савдо дўкони номи;

савдо дўкони эгаси — солиқ тўловчининг идентификация рақами;

божхона юк декларациясининг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами;

товарга Марказ ҳудудида сотиш учун бериладиган махсус идентификация рақами.

18. Марказ ҳудудий чегараларининг назорати Ўзбекистон Республика-

си Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари (кейинги ўринларда — ДХХ Чегара қўшинлари) томонидан амалга оширилади.

19. Марказ ҳудудига ва унинг ҳудудидан товар ҳамда автотранспорт воситалари ҳамда шахсларнинг ҳаракатланиши куннинг ёруғ вақтида ёки етарли даражада ёруғлик билан таъминланган ҳолларда амалга оширилади. Ўтиш вақти икки томонлама келишув асосида белгиланиши мумкин.

20. Шахслар Марказ ҳудудига шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ўтказилади.

Шахслар ва автотранспорт воситалари Марказ ҳудудидан ортга қайтиши фақат улар кирган пункт орқали амалга оширилади. Бошқа йўналишда чиқмоқчи бўлган шахслар ҳамда автотранспорт воситалари Марказ ҳудудига қайтариб юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳудудига кириш эҳтиёжи бўлган шахслар «Термиз-автойўл» ўтказиш пункти орқали белгиланган тартибда ўтказилади.

Шахсларнинг Марказ ҳудудида белгиланган муддат давомида бўлиши ДХХ Чегара қўшинлари маълумотлар базаси орқали автоматик тарзда назорат қилинади. Марказ ҳудудида белгиланган муддатдан кўп вақт бўлган шахслар ДХХ Чегара қўшинлари ходимлари томонидан аниқланиб, ички ишлар органлари ходимларига қонуний чоралар кўриш учун топширилади.

Вояга етмаган шахслар ота-оналаридан бири ҳамроҳлигида уларнинг шахсини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар асосида Марказ ҳудудига кирадилар ва чиқадиладар.

Автотранспорт воситаси божхона кўригидан ўтказилиши жараёнида чегара назоратидан яширинган шахслар аниқланганда, божхона органи томонидан қонуний чоралар кўриш учун чегара назорати бўлинмасига хабар берилади.

## **2-боб. Афғонистон Ислом Республикаси томонидан Марказ ҳудудига кириш-чиқиш тартиби**

21. Афғонистон Ислом Республикаси фуқаролари ва ушбу давлат ҳудудидан кирувчи бошқа чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасига кириш визасини расмийлаштирмасдан ўн кун давомида Марказ ҳудудига кириши, ҳудудда бўлиши ва ундан чиқишлари мумкин.

22. Афғонистон Ислом Республикасидан келаётган шахсларни Марказ ҳудудига ўтказиш «Термиз-автойўл» ўтказиш пунктида янги ташкил этилган йўловчилар терминали орқали амалга оширилади. Бунда республиканинг асосий ҳудудига ҳаракатланаётган фуқаролар оқими билан аралашиб кетишининг олдини олиш мақсадида ушбу терминал турникет билан тўсилади.

23. Афғонистон Ислом Республикаси томонидан Марказ ҳудудига кириб келаётган барча автотранспорт воситалари инспекцион-кўрик мажмуаси (Z-портал сканери)дан ўтказилади ва кўрик майдонида назорат тамойилларидан ўтиб, белгиланган йўналишда ҳаракатни давом эттирадилар.



Марказга транспорт воситаларининг кириш ва чиқиш йўналиши мавжуд автомобиль йўлига туташган ҳудудда белгиланади ҳамда темир панжара билан ажратилади.

24. Йўловчилар белгиланган жойда транспорт воситасидан тушадилар, алоҳида пиёдалар йўлакчаси орқали ҳаракатланиб, йўловчилар терминалида чегара-божхона (шу жумладан, бодисканер ёрдамида) расмийлаштирувидан ўтадилар. Бунда улар ДХХ Чегара қўшинлари маълумотлар базасидан текширилиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларига сана муҳрлари қўйилмаган ҳолда чегара назоратидан ўтадилар. Сўнгра белгиланган жойда транспорт воситасига чиқиш учун кутадилар. Пиёда йўловчилар ўз йўналишида ҳаракатини давом эттирадилар.

### **3-боб. Ўзбекистон томонидан Марказ ҳудудига кириш-чиқиш тартиби**

25. Ўзбекистон томонидан Марказ ҳудудига кириш ёки чиқиш «Termez Cargo Centre» МЧЖ ҳудудидаги Гулбахор-Айритом автомобиль йўлининг жанубий йўналишида жойлашган 2 та назорат ўтказиш пункти орқали амалга оширилади.

26. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон ҳудудида бўлиб турган чет давлат фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда хизмат кўрсатувчи шахслар ва уларнинг товарлари «Termez Cargo Centre» МЧЖ ҳудудининг 1-назорат ўтказиш пункти орқали ўтказилади.

Бунда улар ДХХ Чегара қўшинлари маълумотлар базасидан текширилиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларига сана муҳрлари қўйилмаган ҳолда чегара назоратидан ўтади. Назорат ўтказиш пункти хизмат кўрсатувчи шахсларнинг киришини ва чиқишини назорат қилиш учун бошқариш назорат тизими билан жиҳозланади.

27. Юк автомашиналари «Termez Cargo Centre» МЧЖ ҳудудининг 2-назорат ўтказиш пункти орқали белгиланган тартибда ўтказилади.

### **4-боб. Марказ ҳудудидан Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудига товарларни олиб ўтиш қоидалари**

28. Марказ ҳудудидан Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудига: чет давлат товарларини олиб чиқиш «реэкспорт» божхона режимида; Ўзбекистон товарларини олиб чиқиш «экспорт» божхона режимида амалга оширилади.

29. Марказ ҳудудидан шахслар томонидан товарларни божхона декларациясини тақдим этмасдан олиб чиқишга қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан товарларни божхона декларациясини тақдим этмасдан олиб чиқиш нормалари доирасида рухсат этилади.

**5-боб. Марказ ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси  
ҳудудига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали учинчи  
давлат ҳудудига товарларни олиб ўтиш қоидалари**

30. Чет эл товарлари Марказ ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона юк декларацияси асосида божхона тўловлари ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилган ҳолда, товарларга нисбатан ваколатли шахс томонидан танланган божхона режимига жойлаштириш орқали олиб кирилади.

Марказ ҳудудидан чет эл товарларини шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилишида божхона тўловлари ундирилмайдиган олиб киришнинг чекланган меъёрлари татбиқ этилмайди.

31. Чет эл товарлари Марказ ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали учинчи давлат ҳудудига олиб чиқиладиганда, улар ваколатли шахс томонидан «транзит» божхона режимига жойлаштирилади.

32. Ўзбекистон товарлари Марказ ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона тўловлари ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда, «реимпорт» божхона режимига расмийлаштириш орқали олиб кирилади:

товар уни олиб чиқиш учун мўлжалланган тегишли божхона режимига жойлаштирилган пайтдан эътиборан Божхона кодексида белгиланган муддат ичида «реимпорт» божхона режимига ўтказилиши маълум қилиниши керак. Бунда божхона чегараси кесиб ўтилган кун товарни олиб кириш санаси ҳисобланади, товарни олиб чиқиш учун мўлжалланган тегишли божхона режими учун божхона юк декларацияси расмийлаштирилган кун эса, олиб чиқиш санаси ҳисобланади;

товар Марказга кирган дастлабки ҳолатида бўлиши керак, товарнинг табиий эскириш оқибатидаги ёхуд ташиш, сақлаш ёки фойдаланиш (ишла-тиш)нинг нормал шароитларида камайиши оқибатидаги ўзгаришлари бундан мустасно;

божхона органлари томонидан товарни идентификациялашни имконияти мавжуд бўлиши керак.

Бунда, ушбу шартларга риоя этилмаган тақдирда, мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган товарларга чет эл товарлари деб қаралади ва уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ божхона тўловлари ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилади.

**6-боб. Марказ ҳудудида божхона назоратини таъминлаш  
талаблари ва шартлари**

33. Марказнинг божхона назорати зонаси ҳисобланган ҳудуд ва бинолари:

ер устидаги иморатларда ёки иншоотларда жойлаштирилиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган техник, санитария ва ёнғинга қарши талабларга жавоб бериши;

қўриқлаш ва ёнғин назорати сигнализациялари, содир бўлаётган воқеалар бўйича ҳар томондан олинган видео маълумотларни уч ой давомида кўрсатиш имконига эга бўлган, давлат назорати органлари томонидан белгиланган жойларда ўрнатилган, узлуксиз ишлайдиган видеокузатув воситалари билан жиҳозланган бўлиши;

ёнғин хавфсизлиги талабларига мос бўлган ёнғинни ўчириш тизими ва воситаларига эга бўлиши лозим.

34. Марказга ўтиш пунктларида божхона назоратидан олдин шахсларнинг Марказ ҳудудига олиб кириш тақиқланган ёки чеklangан шахсий буюмларини сақлаш учун махсус камералар ташкил этилган бўлиши керак.

35. Марказда унинг нормал фаолият кўрсатиши учун доимий равишда қуйидагилар ишчи ҳолатда ва етарли бўлиши керак:

ортиш-тушириш ускуналари ва транспорт воситалари;

омбор асбоб-ускуналари;

ўлчов асбоблари, аниқлиги ва ўлчаш чегаралари эркин омборда сақлашга мўлжалланаётган товарлар хусусиятига мувофиқ бўлган товарларнинг оғирлигини ўлчаш воситалари;

божхона органларининг дастурий таъминоти билан мос келадиган товарлар ҳисобини юритадиган автоматлаштирилган тизим;

божхона назорати зонаси сифатида ишлатиш учун мўлжалланган биноларни, очиқ майдончаларни, божхона назорати зонасига бевосита туташиб кетган бутун ҳудудни тўлиқ назорат қилиш ҳамда божхона органларига видео маълумотларни узатиш, шунингдек, ушбу маълумотларни уч ой давомида сақлаш имконига эга бўлган узлуксиз ишлайдиган видеокузатув тизими;

кўрик ўтказиш учун стол;

биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт қутичаси;

алоқа воситалари (шу жумладан, телефон, маълумот узатиш тармоғи, Интернет жаҳон ахборот тармоғи);

идора ашёлари ва мебель.

36. Марказ дирекцияси қуйидагиларга мажбур:

солиқ органлари билан ҳамкорликда Марказга келиб тушаётган ва ундан олиб чиқиладиган товарлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ахборот тизимида ушбу товарларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тўғрисида белги қўйган ҳолда, автоматлаштирилган ҳисоб юритилишини назорат қилиш;

божхона органининг талабига мувофиқ Марказдаги товарларни божхона органининг мансабдор шахси иштирокида хатловдан ўтказиш;

санитария, товарларнинг ёнма-ён қўйилиши қоидаларига ва сақлаш режимига, давлат стандартларининг мажбурий талабларига риоя қилиш, Ўзбекистон Республикасининг божхона иши соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талаблар ва шартларни бажариш;

таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги, шу жумладан, қайта ташкил этилганлиги, номи ёки жойлашган жойи (почта

манзили) ўзгарганлиги тўғрисида божхона органини беш иш куни ичида хабардор қилиш;

Марказ иштирокчиларининг, шунингдек, Марказга кириш учун рухсат берилган ҳамда белгиланган тартибда тиббий кўриқдан ўтган (озик-овқат маҳсулотлари билан ишловчи ходимлар учун) ходимларнинг (фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими кўрсатилган ҳолда) рўйхати мавжудлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг қонуний талабларини бажариш, шу жумладан, божхона органлари мансабдор шахсларининг Марказда сақланаётган товарлар турган жойга киришини таъминлаш;

божхона назорати ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун Марказдаги жиҳозланган бинолар ва алоқа воситаларини божхона органлари ходимларига бепул тақдим этиш.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

37. Марказнинг ёки Марказ иштирокчисининг фаолияти тугатилган тақдирда, унинг ҳудудида бўлган товарлар тугатилган вақтдан бошлаб олти календарь кун мобайнида товарларга ваколати бўлган шахс томонидан бошқа божхона режимига ўтказилади.

38. Ушбу Низомнинг 37-бандида назарда тутилган муддат мобайнида кўрсатиб ўтилган товарлар божхона мақсадлари учун «вақтинчалик сақлаш» божхона режимида турган товарлар ҳисобланади.

39. Шахс Марказ иштирокчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда, шу жумладан, инвестициялаш тўғрисидаги битимнинг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилганлиги муносабати билан иштирокчи мақомидан маҳрум этилганда, иштирокчига тегишли бўлган ишлаб чиқариш учун товарлар Марказнинг бошқа иштирокчиси фойдасига бегоналаштирилади ёхуд Марказ иштирокчилари реестрига шахснинг Марказнинг иштирокчиси мақомидан маҳрум этилгани тўғрисидаги ёзув киритилган санадан бошлаб олти календарь кун мобайнида бошқа божхона режимига ўтказилади.

40. Марказ иштирокчиси мақомини йўқотган шахс ўзининг мулки бўлган ишлаб чиқариш учун товарларни бегоналаштирмаганда ёхуд уларни бошқа божхона режимига жойлаштирмаганда, ушбу Низомнинг 39-бандида назарда тутилган муддат ўтиб бўлгач, божхона органлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тегишли қонуний чораларни кўради.

41. Марказ ҳудудига кириш-чиқиш тартибини бузган, шунингдек, ушбу ҳудуддан белгиланмаган жойлардан чиқишга ёки киришга уринган шахслар қўлга олиниб, уларга нисбатан белгиланган тартибда қонуний чоралар кўрилади.

42. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**396** **Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонига мувофиқ:

муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш амалиёти сертификат бериш тизимига ўтказилганлиги;

фуқароларга ўз танловига кўра давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчидан протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини сотиб олиш имконияти яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари томонидан ҳар йили 15 декабрга қадар кейинги йил учун муҳтож шахслар (ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, ногиронлиги бўлган болалар ҳамда ногиронлик гуруҳига эга бўлмаган пенсия ёшидаги шахслар)нинг рўйхатини шакллантириш орқали уларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашга бўлган эҳтиёжини аниқлаш тартиби;

муҳтож шахсларга сертификат расмийлаштириш учун Педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси, Тиббий-ижтимоий эксперт комиссия-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 июлда эълон қилинган.

си ва Тиббий-маслаҳат комиссиясининг тиббий хулосаларини бериш тартиби;

муҳтож шахсларга тасдиқланган рўйхатга киритилган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини сотиб олиш имкониятини тақдим этувчи сертификат бериш ҳамда у асосида муҳтож шахсларни тегишли мосламалар ва техник воситалар билан таъминлаш тартиби;

муҳтож шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини етказиб бериш, уларни таъмирлаш ёки алмаштириш тартиби;

муҳтож шахсларнинг протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланиши ҳисобини юритиш ҳамда харажатларни молиялаштириш тартиби.

### 3. Белгилансинки:

протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларининг ўртача нархлари кейинги йил учун ҳар йили 5 декабрга қадар ҳудудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари томонидан шакллантирилади ҳамда 15 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқланади;

инфляция даражаси ва бозор конъюнктураси ўзгаришларини ҳисобга олиб, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари ўртача нархлари заруратга қараб, лекин бир йилда камида бир марта қайта кўриб чиқарилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги Молия вазирлиги ҳамда бошқа масъул вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш амалиётини ушбу қарорга иловага мувофиқ тасдиқланган Низомга мувофиқ сертификат бериш тизимига ўтказиш бўйича амалий чора-тадбирларни белгиласин ва ижросини таъминласин.

5. Мазкур қарор талаблари муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш бўйича протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар билан белгиланган тартибда тузилган амалдаги шартномаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий

хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К. Инаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 1 июль,  
411-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 1 июлдаги 411-сон қарорига  
ИЛОВА

**Мухтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва  
реабилитация қилишнинг техник воситалари билан  
таъминлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом ногиронлиги бўлган шахсларни, жумладан, ногиронлиги бўлган болаларни ҳамда ногиронлик гуруҳига эга бўлмаган пенсия ёшидаги шахсларни (кейинги ўринларда — мухтож шахслар) протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартибини белгилайди.

2. Мухтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш давлат томонидан бериладиган маблағлар ҳисобидан исталган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлардан (кейинги ўринларда — ташкилотлар) тегишли протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини сотиб олиш имкониятини тақдим этувчи сертификат орқали амалга оширилади.

3. Мухтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Мухтож шахсларга ушбу Низомга 2-иловада\* келтирилган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари рўйхатига мувофиқ туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари томонидан сертификат берилади.

Ҳар икки йилда бир марта мазкур рўйхатда келтирилган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари турлари ҳамда улардан фойдаланиш муддатлари янгилаб борилади.

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Агар ногиронлиги бўлган шахсни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган ҳамда белгиланган тартибда бепул таъминланиши керак бўлган реабилитация қилишнинг техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар ўз ҳисобидан қопланган бўлса, унга воситанинг ёки хизматнинг қиймати миқдорида Вазирлар Маҳкамасининг «Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2009 йил 17 июндаги 166-сон қарорига мувофиқ белгиланган тартибда компенсация тўланади.

6. Меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланган, касб касалликларига чалинган ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарардан жабрланган ходимлар муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун қилинган харажатлар жавобгар бўлган иш берувчи маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда тўланади.

## **2-боб. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтожлик тўғрисида тиббий хулоса бериш**

7. Муҳтож шахсларга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг (кейинги ўринларда — ТИЭК) ёки Тиббий-маслаҳат комиссиясининг (кейинги ўринларда — ТМК) мазкур Низомга 3-иловага\* мувофиқ шаклдаги муҳтож шахсларнинг протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтожлиги тўғрисидаги тиббий хулосаси асосида берилади. Бунда тиббий хулосалар муҳтож шахсларнинг доимий яшаш жойи бўйича:

- а) пенсия ёшидаги муҳтож шахсларга ТМК томонидан;
- б) 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларга — Педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда — ПТИЭК) томонидан;
- в) 18 ёш ва ундан катта ёшдаги ногиронлиги бўлган шахсларга — ТИЭК томонидан берилади.

8. Пенсия ёшидаги муҳтож шахсга унинг ёки қонуний вакилининг аризасига ҳамда даволовчи врачнинг тиббий ҳужжатларига (амбулатория картаси, зарур бўлганда, касаллик тарихидан кўчирма) асосан тиббий хулоса расмийлаштирилади.

18 ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган болага қонуний вакилининг аризаси ҳамда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома асосида, 18 ёш ва ундан катта ёшдаги ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлиги бўлган шахснинг ёки қонуний вакилининг аризаси ҳамда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома асосида тиббий хулоса расмийлаштирилади.

ТИЭК ва ПТИЭК томонидан шахсни ногиронлиги бўлган шахс ёки

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



18 ёшгача ногиронлиги бўлган бола деб топиш бўйича хулоса бериш жараёнида улар мухтож шахс деб топилганда бир йўла протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига тиббий хулоса расмийлаштириб берилади.

Пенсия ёшидаги мухтож шахсларга берилган тиббий хулосалар муддати ҳар бир касаллик ҳолатида касалликнинг хусусияти ва кечишига, организм функцияларининг бузилиши даражасига ва компенсатор механизмларининг ҳолатига қараб белгиланади, ногиронлиги бўлган мухтож шахсларга берилган тиббий хулосалар эса — ногиронликнинг муддатидан келиб чиқиб қайта ногиронликка ўтиш муддатигача берилади.

9. ТИЭК, ПТИЭК ва ТМК томонидан тиббий хулосаларни расмийлаштиришда протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига кўрсатмаларга асосланилиши лозим. Расмийлаштирилган тиббий хулосалар ҳақидаги маълумотлар тегишли ТИЭК, ПТИЭК ва ТМК томонидан юритилади.

Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига кўрсатмалар рўйхати мазкур Низомга 4 ва 5-иловаларга мувофиқ ҳамда расмийлаштирилган тиббий хулосаларни қайд этиш журнали мазкур Низомга 6-иловага\* мувофиқ шаклда юритилади.

10. Тиббий хулосаларнинг асосланганлиги ва тўғри расмийлаштирилиши учун уни расмийлаштирган ва имзолаган шахслар жавобгар ҳисобланади.

### **3-боб. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш**

11. Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари томонидан ҳар кейинги йил учун ҳар йили 15 декабрга қадар ТИЭК, ПТИЭК ва ТМКлар билан биргаликда протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига мухтож шахслар рўйхати (кейинги ўринларда — мухтож шахслар рўйхати) шакллантирилади ва мунтазам равишда янгилаб борилади. Мухтож шахслар рўйхати мазкур Низомга 7 ва 8-иловаларда\* келтирилган шаклларга мувофиқ юритилади.

Мухтож шахслар рўйхатини шакллантиришда мазкур Низомга 2-иловада келтирилган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларидан фойдаланиш муддати ҳамда ТИЭК, ПТИЭК ёки ТМК томонидан биринчи марта тиббий хулоса расмийлаштирилган мухтож шахслар инobatга олинishi лозим.

12. Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари тегишли ТИЭК, ПТИЭК ва ТМК билан биргаликда ҳар йили 20 декабрдан кечиктирмай кейинги йил учун молиялаштириш ҳажмини аниқлаш мақсадида ҳудуд бўйича мухтож шахслар рўйхатини тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тиббий-ижтимо-

---

\* 6 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ий хизматларни ривожлантириш бошқармаларига (кейинги ўринларда — худудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари) тақдим этади.

13. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун зарур бўладиган харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

14. Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун зарур бўладиган йиллик маблағлар худудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаларининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари томонидан ҳар йили I чорак якунига қадар ажратилади.

Ҳисобот йили давомида ТИЭК, ПТИЭК ва ТМК томонидан биринчи марта тиббий хулоса расмийлаштирилган ҳамда муҳтож шахслар рўйхатига киритилмаган муҳтож шахслар тўғрисидаги маълумотлар ТИЭК, ПТИЭК ва ТМК томонидан тегишли туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимига тақдим қилинади. Бунда ҳар ой бўйича маълумотлар кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлиmlари қабул қилиб олинган қўшимча эҳтиёж бўйича маълумотларни улар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида тегишли худудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармасига тақдим этади.

Биринчи марта тиббий хулоса расмийлаштирилган ҳамда муҳтож шахслар рўйхатига киритилмаган муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун зарур бўладиган маблағларни худудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаларининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратиш чоралари кўрилади.

#### **4-боб. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун сертификат расмийлаштириш**

15. Худудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари тегишли туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлиmlарини муҳтож шахслар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили январь ойи якунига қадар мазкур Низомга 9-иловада\* келтирилган шаклга мувофиқ сертификатлар билан таъминлайди.

Сертификатлар махсус ҳимояланган қоғозда тайёрланган ҳамда рақамланган бўлиши шарт.

\* 9-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Сертификат 3 та — «А», «В» ва «С» қисмдан иборат бўлади.

16. Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими сертификатни қабул қилиб олгач муҳтож шахсларни тиббий хулосалар асосида ўзи танлаган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун муҳтож шахслар рўйхатида белгиланган муддатда сертификатни расмийлаштиради.

Биринчи марта мурожаат қилган муҳтож шахсларга сертификат расмийлаштирилиш муддати мурожаат қилинган кундан бошлаб ўттиз иш кунидан ошмаслиги лозим.

Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари учун расмийлаштирилган сертификатни қайд этиш журнали шакли Низомга 10-иловага\* мувофиқ юритилади.

17. Биринчи марта мурожаат қилган муҳтож шахсларга сертификат расмийлаштирилганда бу ҳақида туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими томонидан Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан белгиланган шаклга мувофиқ юритиладиган Муҳтож шахсларнинг картасига қайд этилади.

Муҳтож шахсларнинг картаси туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими томонидан муҳтож шахс учун очилган йиғма-жилда сақланади. Муҳтож шахсларнинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда, унинг йиғмажилди янги яшаш жойидаги туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимига юборилади.

18. Муҳтож шахс тегишли протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун мурожаат этиши мумкин бўлган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларни (кейинги ўринларда — ташкилотлар) ўз хошишига кўра танлайди.

Бунда муҳтож шахс туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими томонидан протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун мурожаат этиши мумкин бўлган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништирилади.

Ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган рўйхат Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда йилда икки марта шакллантириб борилади.

19. Ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

ташкилотларнинг номи, манзили, боғланиш учун телефон рақамлари; мазкур йўналишда фаолият кўрсатиши учун ҳар бир маҳсулотнинг мувофиқлик сертификати ва тегишли гувоҳномаси;

---

\* 10-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

худудлардаги мавжуд филиалларининг манзили;

ташкilotларда ишлаб чиқариладиган ҳар бир протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларининг номи, нархи, фойдаланиш ва кафолат муддатлари, кафолат ва фойдаланиш муддатлари тугамасдан ёки тугаганидан сўнг амалга ошириладиган тадбирлар;

ташкilotларда ишлаб чиқариладиган ҳар бир протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация қилишнинг техник воситасининг техник паспорти, фойдаланиш бўйича йўриқнома, тайёрлаш ва/ёки етказиб бериш муддати.

Ташкilotлар тўғрисидаги маълумотларда муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашда энгиллик яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Ушбу бандда келтирилган ҳужжатлардан биттаси мавжуд бўлмаган ҳолатда шу ташкilot муҳтож шахсга протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олиш учун мурожаат этиши мумкин бўлган ташкilotлар рўйхатига киритилмайди.

Бунда мазкур йўналишда фаолият кўрсатиши учун ҳар бир маҳсулотнинг мувофиқлик сертификати ва тегишли гувоҳномаси муддатлари тугаган ҳолатда ташкilotлар рўйхатидан чиқарилади.

Ташкilotлар тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий веб-сайтига ҳам жойлаштирилади ва янгилаб борилади.

20. Сертификатнинг амал қилиш муддати расмийлаштирилган йил учун ҳақиқий ҳисобланади ҳамда кейинги йил учун амал қилмайди.

### **5-боб. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш**

21. Сертификат ҳар бир протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация қилишнинг техник воситаси учун алоҳида расмийлаштирилади (пойабзаллар ва қўлтиқ таёқлар учун унинг бир жуфтига битта сертификат расмийлаштирилади).

22. Сертификатнинг «А», «В» ва «С» қисмларининг тегишли бандлари туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими томонидан тўлдирилади ҳамда тасдиқланади.

23. Муҳтож шахс расмийлаштирилган сертификат асосида ўзи танлаган ташкilotга мурожаат қилади.

24. Муҳтож шахс протез-ортопедия мосламаларини тайёрлаш учун ташкilotга мурожаат қилганда, унга ташкilot томонидан тегишли протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари тўғрисида техник таснифи, тайёрлаш учун кетадиган вақт ҳисобга олинган ҳолда тахминий тайёр бўлиш куни ҳақида маълумот берилади.

Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини тайёрлаш ва етказиб бериш муддати ўттиз иш кунидан, мураккаб турдаги протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг

техник воситаларини тайёрлаш ва етказиб бериш муддати қирқ беш иш кунидан ошмаслиги лозим.

25. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини тайёрлаш ва етказиб беришнинг сўнгги санаси ҳар йилнинг 20 декабридан кечикмаслиги лозим.

26. Ташкилот томонидан ҳар бир тайёрланган протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация қилишнинг техник воситаси техник паспорти, фойдаланиш бўйича йўриқнома ҳамда буюртма берган мухтож шахс тўғрисидаги маълумотлар билан биргаликда берилиши шарт.

Фойдаланиш йўриқномасида протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация қилишнинг техник воситасини сақлаш, фойдаланиш тартиб ва қоидалари фойдаланувчилар учун содда ва осон тушунадиган ҳолда ёритилиши ҳамда ўзбек ва рус тилларида чоп этилиши лозим.

Мухтож шахс протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация қилишнинг техник воситасидан фойдаланиш йўриқномаси билан тўлиқ танишиб чиқиши ҳамда протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация қилишнинг техник воситасини сақлаш, ундан фойдаланиш тартиб ва қоидаларига риоя қилиши лозим.

27. Махсулот тайёрлаб берилгандан кейин сертификатнинг тегишли қисмлари ташкилот томонидан тўлдирилади ва тасдиқланади.

28. Ташкилот томонидан ҳар ой якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-кунига қадар қабул қилинган ва етказиб берилган буюртмалар тўғрисидаги маълумотлар киритилгандан ва сертификатнинг тегишли бандлари тўлиқ тўлдирилгандан кейин унинг «С» қисми ҳудудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармасига юборилади. Сертификатнинг «В» қисми ташкилотда қолади.

Тегишли бандлари ташкилот томонидан тўлиқ тўлдирилмаган сертификатлар бўйича ўрганиш ўтказилмайди ҳамда беш кун муддат ичида ташкилотга қайтарилади.

Ташкилот томонидан қабул қилинган ва етказиб берилган буюртмалар тўғрисидаги маълумотлар шакли Низомга 11-иловага\* мувофиқ юригилади.

29. Ташкилот томонидан тақдим этилган ва етказиб берилган буюртмалар тўғрисидаги маълумотлар икки кун муддатда туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимларига юборилади. Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари томонидан беш кун муддатда мухтож шахсларнинг протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан амалда таъминланганлиги ўрганилади ҳамда натижаси тўғрисида ҳудудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармасига маълумот тақдим этилади.

30. Тайёр бўлган ҳамда ўзига мос келишини ўлчаб кўриш зарур бўлган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларига мухтож шахс уларни ўзи бевосита ташкилотдан қабул қилиб олади. Бошқа ҳолатларда мухтож шахсларга тегишли протез-ортопедия мос-

---

\* 11-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари ташкилотлар томонидан ушбу шахснинг яшаш жойига етказиб берилиши шарт.

31. Худудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси томонидан муҳтож шахсларнинг протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан амалда таъминланганлиги ўрганилгандан сўнг сертификатнинг «С» қисми ўн кун муддатда туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимига сақлаш учун юборилади.

Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими сертификатнинг «С» қисмига асосан ушбу сертификат расмийлаштирилиши учун асос бўлган тиббий хулосанинг қайтарма қисмини ўн кун муддатда тегишли ТИЭК, ПТИЭК ёки ТМКга сақлаш учун юборади.

ТИЭК ва ПТИЭКга юборилган тиббий хулосанинг қайтарма қисми муҳтож шахснинг кўрик ишида, ТМКга юборилган тиббий хулосанинг қайтарма қисми муҳтож шахснинг якка тартибдаги амбулатория картасида сақланади.

32. Туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимлари ойлик ҳисоботларни ҳар ой якунлари бўйича кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмасдан тегишли худудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармасига, худудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари эса — ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай Агентлик томонидан белгиланган шаклга мувофиқ протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланган муҳтож шахслар ҳақидаги ҳисоботларни Агентликка тақдим этади.

33. Ташкилот қабул қилинган буюртмаларни белгиланган нархда, сифатда ва муддатда тайёрлаш учун жавобгар ҳисобланади.

### **6-боб. Харажатларни молиялаштириш**

34. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларининг ўртача нархлари кейинги йил учун ҳар йили 5 декабрга қадар худудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари томонидан шакллантирилади ҳамда 15 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар худудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

35. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилиш техник воситаларининг ўртача нархи ташкилотлар томонидан ушбу маҳсулотларга расмий эълон қилинадиган маълумотлардан, прайс-варақларда кўрсатилган нарх тўғрисидаги маълумотлардан шакллантирилади.

Инфляция даражаси ва бозор конъюнктураси ўзгаришларини ҳисобга олиб, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари ўртача нархлари заруратга қараб, лекин бир йилда камида бир марта қайта кўриб чиқарилади.

Ташкилот томонидан муҳтож шахсларнинг протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланганлигини ўрганиш натижасига кўра ҳудудий тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармалари томонидан белгиланган тартибда тегишли ташкилотга маблағ ўтказиш муддати беш иш кунидан ошмаслиги лозим. Бунда тўлаб бериладиган маблағ миқдори муҳтож шахсларга расмийлаштирилган сертификатда белгиланган ўртача нархдан ортиқ бўлмаслиги шарт.

Муҳтож шахслар расмийлаштирилган сертификатда белгиланган нархдан паст ёки юқори бўлган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини танлаш ҳуқуқига эга.

Расмийлаштирилган сертификатда белгиланган нархдан юқори бўлган нархдаги фарқ муҳтож шахс томонидан тўланади.

Бунда тўлов нақд пул маблағлари кўринишда, банк кассалари, электрон терминаллар ва бошқа қурилмалар орқали ўтказилган ҳолда амалга оширилади. Тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар муҳтож шахснинг ўзида қолади ва сақланади.

Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари нархи расмийлаштирилган сертификатда белгиланган нархдан паст бўлган ҳолатда ташкилот сертификатнинг «С» қисмида маҳсулот нархини кўрсатиб ўтади ва ҳудудий бошқармалар томонидан кўрсатилган нарх асосида маблағ ўтказилади.

### **7-боб. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини таъмирлаш ёки алмаштириш**

36. Протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация қилишнинг техник воситаси мазкур Низомга 2-иловада кўрсатилган кафолат муддатида носоз бўлиб қолганда, етказиб берган ташкилот томонидан бепул таъмирлаб берилади ёки бошқа янгисига алмаштирилади.

Бунда муҳтож шахс томонидан ташкилотга мурожаат қилинган кундан тегишли протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация қилишнинг техник воситаси ташкилот томонидан таъмирлаб берилиши ёки янгисига алмаштирилиши беш кун муддатдан, қўшимча текшириш зарур бўлганда эса ўн кун муддатдан ошмаслиги шарт.

37. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари тиббий хулосага асосан қўйидаги ҳолларда фойдаланиш муддати тугамасдан бошқасига алмаштириб берилади:

муҳтож шахсларнинг жисмоний ривожланиши оқибатида протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари ўлчамлари уларга тўғри келмаса;

муҳтож шахсларда касаллик кечишининг ёмонлашуви, шунингдек, ўтказилган жарроҳлик муолажаларидан сўнг юзага келган анатомик ёки физиологик ўзгаришлар оқибатида протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолса.

Бунда туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими томонидан далолатнома расмийлаштирилади ҳамда протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари учун мазкур Низомда белгиланган тартибда ташкилотга мурожаат қилиш учун далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмаган муддатда сертификат янгидан расмийлаштириб берилади.

38. Протез-ортопедия мосламаси ва реабилитация қилишнинг техник воситаси кафолат муддати тугагандан кейин носоз бўлиб қолганда, уларни таъмирлаш ёки алмаштириш билан боғлиқ харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари носозлиги тўғрисида тегишли туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими томонидан далолатнома расмийлаштирилади ҳамда расмийлаштирилган кундан бошлаб беш кундан ошмаган муддатда таъмирланиши ёки алмаштирилиши лозим бўлган протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари учун сертификат янгидан расмийлаштириб берилади.

### **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

39. Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериш тақиқланади.

40. Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш учун маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан назорат қилинади.

41. Муҳтож шахслар протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш натижасидан норози бўлган тақдирда, юқори турувчи орган ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

42. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.



Мухтож шахсларни протез-ортопедия  
мосламалари ва реабилитация қилишнинг  
техник воситалари билан таъминлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Протез-ортопедия мосламаларига муҳтожликни  
аниқлаш бўйича тиббий  
КЎРСАТМАЛАР**

1. Протез мосламаларига:

қўлнинг чўлтоқлиги;  
билакнинг чўлтоқлиги;  
елканинг чўлтоқлиги;  
соннинг чўлтоқлиги;  
болдирнинг чўлтоқлиги;  
оёқнинг ампутицион чўлтоқлиги.

2. Ортопедик аппаратларга:

полиомиелит (қоқшол) касаллиги асоратлари (шу жумладан, оёқ парези);  
сон ва болдир соҳасидаги сохта бўғимлар;  
туғма ёки орттирилган патологиялар натижасида оёқнинг 3 сантиметр  
ва ундан ортиқ калталиги;  
болалар церебрал фалажлиги.

3. Кўкрак беги экзопротезларига:

онкологик ўсмалар ва бошқа сабаблар туфайли кўкрак безининг олиб  
ташланганлиги.

4. Туторларга:

полиомиелит асоратлари;  
секин битадиган синиқлар ва сохта бўғимлар.

5. Корсетларга:

сколиоз;  
остеохондроз асоратлари (диск чурраси, спондилолистез, орқа мия нерв  
толасининг эзилиши натижасида ривожланган сколиоз);  
кифоз;

умуртқа канали стенози;

умуртқа поғонаси жароҳати асоратлари (умуртқалар ўйноқилиги, орқа  
мия фаолиятининг бузилиши, спондилолистез).

6. Бандажларга:

қайталанувчи ёки жарроҳлик амалиётини қўллаш имкони бўлмаган  
чурралар.

7. Мураккаб ортопед пойабзалига:

орттирилган, тизимли, ирсий ёки туғма патологиялар натижасида  
оёқнинг 3 сантиметрдан ортиқ анатомик калталиги;

товон юзасининг варус ёки вальгусли деформацияси натижасида  
оёқнинг ички томонга ёки ташқи томонига қийшайиши;

оёқ қафти ампутацияси ёки экзартикуляциясидан (Шопар, Лисфранк, Горанжо, Шарп усулида ва бошқалар) кейинги чўлтоқлик;  
ошиқ-товон бўғимини мустаҳкамлашни талаб этадиган оёқлар ярим фалажлиги (парези) ёки фалажлиги (параличи);  
болалар церебрал фалажлиги;  
оёқ панжасининг ривожланган эквинус-варус қийшиқлиги, оёқ панжаси фалажлиги (от туёғи);  
оёқ қафти ясси вальгусли фалажлик деформацияси;  
оёқ панжасининг куйиш, совуқ уриши, электр жароҳати ёки жарроҳлик муолажаси натижасидаги деформациялари;  
оёқ панжасининг ривожланган ва турғун лимфастази (фил оёқлик) ва у билан боғлиқ бўлган трофик ўзгаришлар.

Муҳтож шахсларни протез-ортопедия  
мосламалари ва реабилитация қилишнинг  
техник воситалари билан таъминлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
Б-ИЛОВА

### **Реабилитация қилишнинг техник воситаларига муҳтожликни аниқлаш бўйича тиббий КЎРСАТМАЛАР**

1. Хонага мўлжалланган кресло-аравача қуйидаги исталган ҳолатларда ёки касаллик асоратларида тавсия этилади:

НУНА бўйича III даража/IV функционал классдаги сурункали юрак етишмовчилиги;

III даража нафас олиш етишмовчилиги билан асоратланган нафас олиш органлари касалликлари, ҳар қандай даражадаги қон айланиши етишмовчилиги билан уйғунликда;

жигар функцияларининг намоён бўлган бузилиши, портал гипертензия ва асцит билан биргаликдаги жигар касалликлари;

IV даража (терминал босқич)даги сурункали буйрак етишмовчилигига олиб келадиган буйрак касалликлари;

гемиплегия, намоён бўлган гемипарез, намоён бўлган пастки парапарез, параплегия, намоён бўлган трипарез, триплегия, намоён бўлган тетрапарез, тетраплегия;

акинетик-ригид синдроми; кескин намоён бўлган атаксия, шу жумладан, намоён бўлган вестибуляр-мияча бузилишлари; яққол намоён бўлган гиперкинетик бузилишлар;

иккала тиззадаги ва ундан юқоридаги ампутация чўлтоқлиги, оёқ функциялари сезиларли бузилган ҳолдаги иккинчи оёқнинг ампутация чўлтоқлиги;

иккала тизза ва билак-қафт бўғимларининг деформацияловчи IV даражали остеоартрози;

оёқлар ва тос суяклари дефекти, деформацияси ва туғма аномалияси (ривожланиш нуқсонлари) оқибатида юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари;

намоён бўлган оғриқ синдроми, кескин намоён бўлган контрактура, юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари билан бирга иккала оёқнинг III-IV даражали тос-бел ва (ёки) тизза бўғимларининг деформацияловчи артрози;

иккала тос-бел ва (ёки) тизза бўғимларини эндопротезлашдан кейинги оғир асоратлар;

иккала чаноқ-сон ва (ёки) тизза бўғимларини эндопротезлашдан кейинги оғир асоратлар.

2. Сайр қилиш кресло-аравачаси қўйидаги исталган ҳолатларда ёки касаллик асоратларида тавсия этилади:

гемиплегия, намоён бўлган гемипарез, намоён бўлган пастки парапарез, параплегия, намоён бўлган трипарез, триплегия, намоён бўлган тетрапарез, тетраплегия;

аклий заифликнинг, руҳий касалликлар (деменция)нинг оғир даражаси оқибатида юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари;

иккала тиззадаги ва ундан юқоридаги ампутация чўлтоқлиги, оёқ функциялари сезиларли бузилган ҳолдаги иккинчи оёқнинг ампутация чўлтоқлиги;

иккала тизза ва билак-кафт бўғимларининг деформацияловчи IV даражали остеоартрози;

оёқлар ва тос суяклари дефекти, деформацияси ва туғма аномалияси (ривожланиш пороклари) оқибатида юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари;

иккала оёқнинг III-IV даражали тос-бел ва (ёки) тизза бўғимларининг деформацияловчи артрози, намоён бўлган оғриқ синдроми, кескин намоён бўлган контрактура, юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари билан бирга;

иккала чаноқ-сон ва (ёки) тизза бўғимларини эндопротезлашдан кейинги оғир асоратлар.

иккала тос-бел ва (ёки) тизза бўғимларини эндопротезлашдан кейинги оғир асоратлар.

3. Эшитиш мосламаси қўйидаги ҳолатларда тавсия этилади:

туғма, орттирилган ва аралаш кохлеар неврит;

эшитиш қобилияти пасайишининг III ва IV даражаси (сурдологнинг иккала қулоқнинг эшитиш қобилияти пасайганлиги тўғрисидаги хулосаси асосида).

4. Қўлтиқ таёқ, жумладан, тирсақли қўлтиқ таёқ қўйидаги ҳолатларда тавсия этилади:

битта оёқнинг таянч-ҳаракат фаолияти тўлиқ бузилган ҳолатлар ҳамда анатомик дефектларда.

сохта бўғим, суяклар дефекти, кескин намоён бўлган контрактура, оёқ

камари суяклари ва бўғимларининг тургун қийшайиши ёки анкилози, юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари;

битта ёки иккала оёқнинг ампутацион чўлтоқлиги;

тизза ва чаноқ-сон бўғимини эндопротезлашдан кейинги ҳолат;

ўрта даражада ва намоён бўлган гемипарез, ўрта даражада ва намоён бўлган пастки парепарез.

5. Ҳасса, жумладан, кўзи ожизлар учун хасса қуйидаги ҳолатларда тавсия этилади:

бир оёқнинг таянч-ҳаракат фаолияти қисман бузилган ҳолатларда, шунингдек, мураккаб протез ва ортез билан таъминланган ҳолатларда;

тизза ва чаноқ-сон бўғимини эндопротезлашдан кейинги ҳолат;

кўзи ожизларга;

6. Юриш мосламаси (ходунок) қуйидаги ҳолатларда тавсия этилади: иккала оёқ, чаноқ, умуртқа поғонасининг жароҳатлари асоратларидан кейинги юриш ва туришнинг намоён бўлган бузилишлари;

7. Пешоб қабул қилгич қуйидаги ҳолатларда тавсия этилади:

пешоб чиқариш аъзоларида стома мавжудлиги.

8. Нажас қабул қилгич қуйидаги ҳолатларда тавсия этилади:

ичакда стома мавжудлиги.

## ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

**397** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 43 ва 47-бандларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан\*

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди — М. Абдусаломовнинг раислигида, судьялар А. Фафуров, Ф. Каюмов, С. Кошаева, Б. Мирбобоев, Г. Пиржанов ва Қ. Улжаевдан иборат таркибда, катта эксперт Ш. Мажидовнинг котиблигида, тарафлар — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Ф. Эшматова, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вакиллари адлия вазирининг ўринбосари А. Ташкулов ва Вазирлар Маҳкамасининг Котибияти мудирининг ўринбосари Ж. Ачилов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, Конституциявий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзоси Ф. Отахонов, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси, Конституциявий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзоси И. Таджиев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакили О. Сулаймонов иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Ф. Эшматованинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 43 ва 47-бандларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқ-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 2 июлда эълон қилинган.

лаш тўғрисидаги мурожаатига асосан юритилган ишни очик суд мажлисида кўриб чикди.

Маърузачи судья Б. Мирбобоевнинг маърузасини, юкорида кўрсатиб ўтилган вазирликлар ва идоралар вакилларининг тушунтиришлари ва берилган саволларга жавобларини тинглаб, иш материалларини ўрганиб, Конституциявий суд куйидагиларни **аниқлади**:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Ф.Эшматова (бундан буён матнда — Омбудсман) 2021 йил 2 апрелда Конституциявий судга мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (бундан буён матнда — Вазирлар Маҳкамаси) «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (бундан буён матнда — Низом) 43 ва 47-бандларини Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 53 ва 54-моддаларига мувофиқ эмас деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судидан (бундан буён — Конституциявий суд) уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаб беришни сўраган.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 3 августдаги Ф-5491-сонли фармойишининг 7-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Низомнинг 43-бандига кўра, ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда, компенсация Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тегишли марказлаштирилган жамғарма маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига берилади.

Ер участкалари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилганда компенсация инвестор маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан берилади.

Шунингдек, Низомнинг 47-бандига биноан олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларнинг 75 фоизидан ёзма розилиги олинганда (Келишув тузилганда), бироқ қолган мулкдорларнинг розилигини олиш имкони бўлмаганда (Келишувга эришилмаганда) ташаббускор уларнинг кўчмас мулк объектларини мажбурий сотиб олиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Бунда, розилик бермаган (Келишувга эришилмаган) мулкдорларга бериладиган компенсация миқдори, турлари ва муддати суд тартибида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддасига мувофиқ мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 54-моддасида мулкдор мулкига ўз хошишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этиши белгиланган.

Мурожаатда «Низом 1-банди иккинчи хатбошисида «Ушбу Низом жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди», деб белгиланган. Бироқ, Низом матнида мулкдор деган сўз 90 дан ортиқ ишлатилган. Шунингдек, юқорида кўрсатиб ўтилган Низом жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган бўлса-да, амалиётда мулкдорларга нисбатан ҳам қўлланилмоқда», деган фикрлар билдирилган.

Низомнинг тегишли бандларининг таҳлили қуйидагиларни кўрсатди.

Биринчидан, мурожаатда кўрсатилганидек, Низом жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмаяпти. Чунки Низомда у мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларига нисбатан эмас, балки, ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектига нисбатан мулк ҳуқуқи эга бўлган шахсларга қўлланилаётганлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 18-моддасига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади. Бошқа ҳолларда эса ушбу Кодекснинг 27-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Яқка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектаргача доирада ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланган тартибда қим ошди савдоси асосида реализация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 37-моддасига кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёхуд турар жой ҳамда бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш эмас, балки қайта сотиб олиш мумкин бўлади. Бу масала халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

Иккинчидан, ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, қайта сотиб олиш асослари Ер кодексининг 37-моддасида белгиланган қоидалар билан тартибга солинади. Ушбу моддага мувофиқ ер участкасини ёки унинг бир қисмини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига ёхуд Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш фақат қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш;

автомобиль ва темир йўллари, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ва авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприklar, метрополитенлар, туннелларни, энергетика тизими объектларини ва электр узатиш тармоқларини, алоқа тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистрал қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);

аҳоли пунктлари бош режаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектларни қуришга оид қисмини ижро этиш мақсадида, шунингдек қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Конституциявийлиги текшириладиган Низомда белгиланган ер участкаларини инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилиши тўғрисидаги норма Ер кодексининг 37-моддасига мувофиқ эмас деган ҳулосага келишга асос йўқ. Чунки ушбу модда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ер участкаси олиб қўйилиши мумкинлигини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатлигини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 3 августдаги Ф–5491-сонли фармойиши 7-бандида Вазирлар Маҳкамаси «давлат ва жамият эҳтиёжлари, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган давлат дастурлари ҳамда инвестиция ва бошқа ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар амалга оширилиши доирасида қўйидагиларни назарда тутувчи ер участкаларини олиб қўйиш ва мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш тартибини белгиловчи ҳукумат қарорини қабул қилсин», деб белгиланган.

Ер участкаларини инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилиши фуқароларнинг яшаш ва маиший шароитларини, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, ҳудуднинг архитектура қиёфасини ўзгартириш ва яхшилашга қаратилган. Бу эса аслида давлат ва жамоат эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлигини эътиборга олиш лозим.

Ер участкалари олиб қўйилганда фақат компенсация бериш манбаи турлича. Яъни биринчи ҳолда компенсация манбаи тегишли марказлаштирилган жамғарма маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан берилса, иккинчи ҳолда эса инвестор маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан берилди.

Юқорида келтирилган ҳолатлар Низомдаги «ер участкасини инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилганда» деган тушунча



масаланинг моҳиятини нотўғри талқин қилинишига олиб келади. Аслида компенсациянинг инвестор маблағлари ҳисобидан қопланиши ҳам ер участкаси жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилаётганлигини англатади.

Шу билан бирга, Низомнинг 2-бандига мувофиқ инвестиция лойиҳалари — амалга оширилиши давлат дастурларида назарда тутилган, фуқароларнинг яшаш ва маиший шароитларини, шунингдек муайян ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуришни назарда тутувчи лойиҳалардир. Бундай лойиҳаларни давлат дастурларида назарда тутилиши ер участкаларини инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилишини ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга оширишни изчил давом эттириш орқали ҳудудларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш ва шу асосда аҳолининг фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини янада юксалтириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Инвестиция лойиҳалари аҳоли фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ишларни, шу жумладан, шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси 82-моддасида аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари мавжуд бўлмаган тақдирда ер участкалари аҳолининг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш, ижтимоий, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан олиб қўйилиши мумкинлиги белгиланган.

Шу нуқтаи назардан Низомнинг 43-бандида назарда тутилган ер участкаларини инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилиши Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 82-моддаси қоидаларига мос келади, деган хулосага келиш учун асос бўлади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси 27-моддасига мувофиқ ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади.

Ушбу Кодекснинг 28-моддасига кўра, ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мулкдорларга улар-

нинг танлови бўйича якка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилади.

Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация келишув, яъни томонларнинг розилиги билан компенсация миқдори, тури ва бериш муддати, шунингдек, бошқа шартларни назарда тутувчи ташаббускор ва мулкдор ўртасида тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шаклдаги шартнома асосида амалга оширилади.

Низомнинг 41-бандига биноан мулкдорларга қуйидагилар компенсация қилиб берилади:

а) олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;

б) олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати;

в) кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик олиш билан боғлиқ харажатлар;

г) жисмоний ва юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси;

д) қонун ҳужжатларида ёки Келишувда назарда тутилган бошқа харажатлар ва зарарлар.

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар ва иншоотларнинг қиймати ҳам қопланиши лозим.

Низомнинг 42-бандига мувофиқ мулкдорларга бериладиган компенсациянинг турлари қуйидагилардан иборат:

а) пул маблағлари;

б) бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш;

в) ер участкаси;

г) Келишувда назарда тутилган компенсациянинг бошқа турлари.

Томонларнинг келишувига биноан мулкдорга кўчмас мулкни баҳолаш қийматини ҳисобга олган ҳолда компенсациянинг бир неча турлари берилиши мумкин.

Мазкур Низомнинг 47-бандига кўра, олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларнинг 75 фоизидан ёзма розилиги олинганда (Келишув тузилганда), бироқ қолган мулкдорларнинг розилигини олиш имкони бўлмаганда (Келишувга эришилмаганда) ташаббускор уларнинг кўчмас мулк объектларини мажбурий сотиб олиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Бунда, розилик бермаган (Келишувга эришилмаган) мулкдорларга бериладиган компенсация миқдори, турлари ва муддати суд тартибида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддаси мулкдорнинг фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлигини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 166-моддасига кўра ҳам мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Ушбу Кодекснинг 197-моддасига мувофиқ мулк ҳуқуқи мулкдорнинг ихтиёрий суратда мажбуриятни бажариши, мулкдорнинг мол-мулк тақдирини ҳал

қиладиган бир томонлама қарор қабул қилиши, суд қарори асосида мол-мулкни олиб қўйиш (сотиб олиш) йўли билан, шунингдек мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонун ҳужжатларига асосан бекор бўлади.

Бироқ, Низомнинг 47-бандида қўлланилган «мажбурий сотиб олиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш» тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланмаган. Ташаббускор судга бундай даъво билан эмас, балки мулкдорга бериладиган компенсация миқдори, турлари ва муддатини суд тартибида белгилаб беришни сўраб мурожаат қилишга ҳақли.

Шуларни инобатга олиб Низомнинг 47-бандида белгиланган ҳолларда ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдори томонидан унинг мулкни олиб қўйилишига розилик берилмаган (Келишувга эришилмаган ҳолларда) мулкдорларга бериладиган компенсация миқдори, турлари ва муддати суд тартибида белгиланиши Фуқаролик кодексининг 197-моддаси асосида амалга оширилади ва бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига зид эмас.

Шунингдек, Низомнинг 1-бандида давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шу жумладан, муайян ҳудуднинг архитектура қиёфасини ўзгартириш ва яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ҳамда инвестиция ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни (кейинги ўринларда инвестиция лойиҳалари деб аталади) амалга ошириш доирасида ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишган ҳолда амалга оширилишининг белгиланиши Конституциянинг нормаларига мувофиқдир.

Низомнинг 45-бандидаги «Агар олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати компенсация қилиб берилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан паст бўлса, ушбу фарқ ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси томонидан қайтарилиши талаб этилмайди» деган қоида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 27-моддаси қоидаларига мувофиқ эмас. Ушбу моддага мувофиқ берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, бу фарқ уй-жой берилган ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилган пайдан эътиборан беш йил ичида мулкдор томонидан компенсация қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Кўрсатилган масала юзасидан Низомнинг 45-бандидаги қоида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 27-моддаси қоида­сига қараганда кўпроқ демократик характерга эга бўлиб, ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган.

Юқорида баён қилинганларга асосан Низомнинг 43 ва 47-бандларини

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53 ва 54-моддаларига мувофиқ эмас деб ҳисоблаш учун асос мавжуд эмас.

Айни пайтда, Низом нормаларини амалда қўлланилиши жараёнида давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан, шунингдек, олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг розилигини олиш имкони бўлмаганда (Келишувга эришилмаганда) улар билан ташаббускор ўртасидаги низони суд тартибида ҳал қилинишида айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 24 майдаги КҚ-225-IV-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида мувофиқ Тошкент вилоятида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатлари таъминланиши ҳолатини ўрганиш натижаси ҳақида»ги қарорида қайд этилганидек, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер майдонлари ёки бузилган турар-жойлар учун компенсация тўловларининг тўланишида қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилган. Хусусан, маҳаллий ҳокимликларнинг 67 млрд. сўмлик 268 та объектни бузиш тўғрисидаги қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори талабларига асосан ҳудудий жамғарманинг кузатув кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида муҳокама қилинмаган.

Бундай қарорлар Янгийўл шаҳрида 168 тани, Қибрай туманида 53 тани, Зангиота туманида 42 тани ва Чирчиқ шаҳрида 5 тани ташкил этади.

Шунингдек, Омбудсманнинг Конституциявий судга мурожаатида кўрсатилган фуқароларнинг судга қилган мурожаатлар асосида кўрилган ишларнинг тахлили бу борада суд амалиётида муайян камчиликлар мавжудлигини кўрсатади.

Конституциявий суд ушбу масалада суд амалиётида қонунийликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан олиб қўйилиши режалаштирилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг розилигини олиш имкони бўлмаганда (Келишувга эришилмаганда) улар билан ташаббускор ўртасидаги низони суд тартибида ҳал қилиниши бўйича суд амалиёти ҳақида судларга тегишли тушунтиришларни беришини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бу борада хорижий мамлакатлардаги мавжуд амалиётни таҳлил қилиш ер участкаларини олиб қўйилиши билан боғлиқ масалалар ҳукумат қарори билан эмас, балки қонун билан тартибга солинишини кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ҳам ушбу масала юзасидан қонун лойиҳаси тайёрланган.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 ва 109-моддаларига, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 4, 69, 72 ва 82-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари

мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 43 ва 47-бандлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, умумхалқ муҳокама-сига қўйилганлиги инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида»ги низомда қўлланилган айрим тушунчаларни қайта кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 27-моддасига олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати компенсация қилиб берилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан паст бўлган ҳолларда, ушбу фарқ ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси томонидан қайтарилмаслигини назарда тутувчи ўзгартиш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий судига ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши билан боғлиқ низоларни ҳал қилиниши бўйича суд амалиёти ҳақида судларга тегишли тушунтиришларни беришни назарда тутувчи Пленум қарорини қабул қилиш тавсия этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман (шаҳар) ҳокимликларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига, шунингдек «Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида»ги низом қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш тавсия этилсин.

6. Ушбу қарор «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ва Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

7. Мазкур қарор қатъий, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас ва расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

### **Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 июль,  
КСҚ-10-сон

